



441
442

Ўттиз саккизинчи ийл чиңгизи
Шаввол - Зулқаъда 1444х
Май - Июн 2023м

Кенг кўламли, фикрий,
сақоғий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Судандаги қонли ҳодисалар:
Ал-Бурҳон – Ҳамедти...
Мисли кўрилмаган хиёнат

Фарбнинг ҳазорий
бузуклиги унинг
гомосексуализмигача
бўлган ҳар қандай
бузукликлар
“инкубатори”дир

Яхуд ҳукумати
келажаги... ички ва
ташқи босимлар
орасида

Дорул Ислом

Аёл ва даъватни
ёйиш



441
442

Ўттиз саккизинчи йил
чиқариши
Шаввов - Зулхазъда 1444ҳ
Май - Июн 2023м

Ливан	1000 лира
Яман	30 риёл
Туркия	1 доллар
Покистон	1 доллар
Австралия	2,5 доллар
Америка	2,5 доллар
Канада	2,5 доллар
Германия	1 евро
Швеция	15 крон
Бельгия	1 евро
Швейцария	2 франк
Австрия	1 евро
Дания	15 крон

Ўшбу сонда

- АЛ-ВАЙ СҮЗИ: Судандаги қонли ҳодисалар: Ал-Бурхон Ҳамедти... Мисли кўрилмаган хиёнат.....3
- Дунё тизими Ислом ва мусулмонларга қарши... Покистоннинг тараққиёт йўли эса Исломга қайтиш ва Халифалик давлатини барпо этишдадир.....8
- Яхуд ҳукумати келажаги... ички ва ташқи босимлар орасида.....15
- Фарбнинг ҳазорий бузуқлиги унинг гомосексуализмигача бўлган ҳар қандай бузуқликлар “инкубатори” дир.....23
- Коинотнинг пайдо бўлиши ва катта портлаш ақидаси.....37
- Фоизли ташқи қарзлар сиёсати Фарбнинг ҳукуматлар ва халқларни қулга айлантирувчи ваҳшӣи капиталистик жоҳилий сиёсатидир.....44
- Аёл ва даъватни ёйиш.....52
- Дорул Ислом.....55
- Олам мусулмонлари хабарлари.....59
- Куръони Карим сұхбатида.....65
- Жаннат боғлари: Аллоҳнинг наздида дунёнинг заволга юз тутиши бир мусулмонни ўлдирилишидан енгилроқдир.....70
- Кўркам боғлар: Азизлик замонидаги азизлик мавқеълари.....74
- Бас, ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг!: Қайс ибн Саъд ибн Убода ал-Хазражий.....79
- Сўнгти сўз: Ҳукуқ профессори Нуҳ Фелдман: Суайиид дунёдаги энг муҳим исломий демократни хибсга олди.....83
- “Бир-бирига душман мамлакатлар” китоби Ҳиндистон билан босқинчи (Исроил) ўртасидаги муносабатларни мустахкамлаш сирини фош қиласи.....84

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Судандаги қонли ҳодисалар: Ал-Бурхон – Ҳамедти... Мисли қўрилмаган хиёнат

Судандаги ҳокимият учун кураш янгилик эмас. Бугун кечаётган қонли, шафқатсиз кураш Америка томонидан армия қўмондони Абдул Фаттоҳ Бурхон билан “Тезкор ёрдам” кучлари қўмондони Мухаммад Ҳамдон Дагало (Ҳамедти) ўртасида уларга чизиб берилган режа бўйича кетмоқда. Бундан мақсад, ҳокимият инглизлар ва европаликлар билан алоқадаги “фуқаролик таркиби (гурухи)” қўлига ўтиб кетишига йўл қўймаслиқдир. Америка бу курашни бошқараётгани қоралашидан кўра кўпроқ кўриниб қолди. У бу ифлос вазифага ўзаро шохлашадиган, ёмонликда бир-биридан қалишмайдиган икки “кўчкор” ни танлади. Иккаласи ҳам ўз халқи ҳақида асло ўйламайдиган, ҳокимиятга ўта ташна кимсалар бўлиб, “қопчиқ”лари даҳшатли қонли тўқнашувларга тўла. Иккаласи ҳам эгаллаб турган мавқеси туфайли мамлакат ҳарбий кучларини ўз чангалида ушлаб туради. Бундан тушунса бўладики, бу иккиси ўртасидаги кураш бутун мамлакатни вайрон қиласди... Америка мусулмонларга қарши барча мусулмон юртларида ҳеч кимни аямайдиган, хўл-куруқ баравар ёнадиган жиной режаларни тузиши ҳаммага маълум... Ҳозир навбат Суданга келди. У ҳам бошқа мусулмон юртлари каби пок табиатли аҳолиси бор, ресурсларга бойса, лекин хукмдорлари жабридан азият чекиб, камбағал ҳаёт кечираётган юртдир...

Бу қонли ҳодисалар олови мусулмонлар уруш ҳаром қилинган ой деб биладиган пайтда эмас, фатҳ ва ғалабалар ойи Рамазонда аланга олди... Бу ой ҳурматига нисбатан ҳеч бир эҳтиромсиз аланга олди ва Суданни шу икки кимсанинг ифлос қўллари билан вайрон қилиш серияси бошланди. Америка расмийлари бу қонли ҳодисалар узоққа чўзилиши мумкин, деган “хавотир” ни билдиришди. Бундан маълум бўладики, улар бу ҳодисаларни узоқ давом этадиган қилиб режалаштиришган. Блинкеннинг “бу ички кураш” деб берган баёноти саратонсимон аралашув қабилидаги иш бўлиб, улар бу аралашувнинг янада катта тус олишига парда ортида туриб ҳаракат қилишди ва ҳаракат қилишмоқда. Чет элликлар ва араб давлатлари фуқароларини кенг кўламда эвакуация қилишга қаттиқ эътибор қаратишгани бу ерда ҳали узоқ давом этадиган фожиали драма силсиласи режалаштирилганига очиқ ишорадир. Бу фожиа саҳналари биронта яхши фазилатга эга эмаслиги шундоқ кўриниб турган ана шу икки кимса қўли билан бошланди... Уларда ҳокимиятга эришиш тийиқсиз истаги борлигини ҳисобга олсак, бу нарса Суданни Америка режаси бўйича бўлиб ташлаш ғояси мана шу қонли курашдан кейин бўладиган воқеий бир иш, деган таҳлилга йўл очади. Зеро, иккаласидан ҳеч бири бу курашни узил-кесил ҳал қилолмайди.

Бу билан Америка Суданни икки кураш минтақасига бўлиб ташлаб, ҳар бирига ана шу қўмондонлардан бирини қўяди. Бу режа бўйича кўриниб турибдикি,



инглизлар ва Европага тобе бўлган, уларнинг фойдасига ҳокимият талашаётган “фуқаролик таркиби (гуруҳи)” дан асар ҳам қолмайди.

Бундай ички қурашларда сиёсий ва ҳарбий саҳнада одатий ҳол шуки, Америка халқларга қарши зимдан тиш қайраб, фитнага тил биринтиради. Буни ана шу мамлакатдаги куч марказларига ўзи ўрнатиб қўйган қўғирчоқлар орқали амалга оширади. Шундан кейин мамлакат майдонини “қўчкор” ларга ва улар ўртасидаги қурашга тайёрлайди. Буни ана шу қўғирчоқларга – улар адашиб – улоқиша давом этишлари, бундан тўхтаб қолмасликлари учун – Американинг бошқа регионлардаги мусулмон ҳокимларидан иборат малайлари тайёрлаб беради.

Демак, бу фожеа ташқаридан уюштирилиб, режалаштириш, регионал ёрдам ва ичкарида маҳаллий малайларнинг ижро қилиши билан юз беряпти... Чунки жанглар бошланиши биланоқ, бу фожеали манзарани маҳаллий ахборот воситалари, регионал ва халқаро телеканалларда кўрсатиб, намойиш қилиш бошланди; қурбонлар сони ва кўрилган заарлар ҳажми ҳақидаги статистик маълумотлар, ўлдириш, ҳаробага айлантириш ва вайрон қилиш манзаралари тасвири, уни изоҳлаш, қочқинлар, ёрдамларнинг етиб келиши, уларнинг теварагидаги хатарлар, тинч фуқароларнинг қамалда қолиб кетишидан иборат гуманитар ҳолатларга эътиборни тортиш, ҳарбий тўқнашувлар, расмий ва ҳарбий марказларни босиб, эгаллаб олингани ҳақидаги хабарларни тарқатиш, сузишаётган ана шу икки “қўчкор”нинг бир-бирини айблаб берган баёнотларини эшиттириш бошланди, охир-оқибат мамлакатни сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан парчалаб, вайрон қилишга эришиш учун жангчиларни янада жунбушга, одамларни эса у ёки бу тарафга мойил бўлишадиган пассив ҳолатга келтирадиган таҳлилларни тақдим қилиш бошланди...

Одатий ҳолга айланиб қолишига йўл қўйимаслик керак бўлган нарсага шуки, биз одамларнинг, факат жонлари, ҳаётлари, оилалари, уй-жойлари ва тирикликларини қандай қилиб бўлсада сақлаб қолиш пайида бўлиб қурбонликлар позициясини эгаллашаётганини кўряпмиз. Ваҳоланки бўлаётган бу ҳодисалар борасида уларнинг айтадиган ўз сўзи бўлиши керак эди. Улар бу фитнага кескин қарши туришлари, бу ўзаро низолашаётганлар мустамлакачи малайлари, шахсий манфаатларини кўзлаётган кимсалар экани ва улар ўзларининг вакиллари эмаслигини, шунинг учун уларни тупуриб ташлашларини баралла эълон қилишлари лозим эди... Шуни ҳам айтиш керакки, одамларнинг мустамлакачига тобе, илмоний-секуляр ва одамлардан узилган партиялар эмас, аксинча Судан покиза мусулмон аҳолиси орзу-умидларини акс эттирадиган софдил ва онгли сиёсий партиялари бўлиши лозим... Кофир ғарб одамлар ҳаётларида ўз динларини хукмрон қилишга интилишларини, албатта ёқтирмайди. Шунинг учун уларга аҳамияти ва обрў-эътибори йўқ ёқимсиз секуляр сиёсий партияларни пайдо қилиб беради. Бу партияларнинг роли эса уларни пайдо қилган элчиҳоналардан ва уларга тарғиб қилувчи оммавий ахборот воситалари қўлида



бўлади... Ҳа, одамлар лоақал шу низога чек қўядиган қучли босим ўтқазишлари керак... Аммо шаръян талаб қилинадиган нарса шуки, одамлар бу хукмрон режимларни ағдариб ташлаб, уларнинг ўрнига Аллоҳнинг ҳукмини тиклаш орқали ҳаётий ўзгаришларни қилишда ўз сўзларига эга бўлишлари лозим. Мусулмонлар учун дунёю охиратда, фақат шу нарсагина нажот олиб келади.

Судан армияси зобит ва аскарларига аслида ҳеч бир алоқаси йўқ бундай курашда иштирок этишлари одат тусига кириши ҳам рад қилинади... Илгари “тезкор ҳаракат кучлари” таркибиға кирган ҳарбийларнинг ҳам, армия кучлари таркибиға кирган ҳарбийларнинг ҳам Ҳамедтий ва Бурҳоннинг шахсий ғаразларини деб жангга киришлари асло жоиз эмас... Бу асло жоиз эмас. Зоро, мусулмонларнинг бир-биrlарига қилич билан қарши туришлари ҳаромдир. Бунда ўлдирган ҳам, ўлдирилган ҳам дўзахда бўлади, иккаласидан ҳеч бирининг Аллоҳ олдида биронта узри бўлмайди. Абу Бакрдан шундай дегани ривоят қилинган: мен Расулуллоҳ ﷺ шундай деяётганларини эшитдим:

«إِذَا تَقَوَّى الْمُسْلِمَانَ بِسَيِّئَتِهِمَا فَالْقَاتِلُ وَالْمَقْتُولُ فِي النَّارِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَذَا الْقَاتِلُ فَمَا بِالْمَقْتُولِ؟ قَالَ: إِنَّهُ كَانَ حَرِيصًا عَلَى قَتْلِ صَاحِبِهِ»

“Икки мусулмон бир-бирига қилич ўқталса, ўлдирувчи ҳам, ўлдирилган ҳам дўзахда”. Мен: “бу қотил шундай, ўлдирилганинг ҳоли нима учун?” – дедим. Пайғамбаримиз: “у ҳам ўз ўртоғини ўлдиришга ҳарис эди” деб жавоб бердилар”.

Демак, ҳарбийларнинг ҳар бири Бурҳон ва Ҳамедтийнинг эмас, балки ўз динлари ансорлари бўлиши лозим. Акс ҳолда улар билан бирга дўзахда бўладилар. Аллоҳ Таоло деди:

(إِنَّ فِرْعَوْنَ وَهَامَنَ وَجُنُودُهُمَا كَانُوا أَخْطَيْنَ)

“Албатта Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг аскарлари хато қилгувчи бўлдилар”

[Қасас: 8]

Бу қонли кураш мамлакатнинг бўлиб ташланиши ҳамда Бурҳон ва Ҳамедтийнинг ҳар иккиси ҳарбий формалар ўрнига фуқаролик либосини кийиб, ҳокимият жиловини қўлга олишлари билан якунланиши режалаштирилгани шундоқ қўриниб турибди. Ана шу тарзда Америка ва гарб давлатлари ўзларининг малайлари ва “дум”лари ёрдамида, хоинлар ва илмонийлар орқали ҳокимият тепасига келади.

Эй Судандаги мусулмонлар! Албатта устингизда ва бошқа Исломий халқлар устида Аллоҳнинг ҳаққи бор. У ҳам бўлса ҳаётингизни Аллоҳ амри асосига қуришингиз, Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга мурожаат қилишингиз, устингизга Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритадиган ҳокимни тиклашингиз—мана шундай ҳаёт кечиришингиз ўша ҳақ устида ва унинг йўлида жон фидо қилишингиздир. Сиз ва сиз каби бошқа мусулмонларга қарши ўз юртларингизда шугдай ҳодисалар юз бермоқда. Бу юртлар аслида битта, бир бутун юрт бўлиши лозим эди. Хоҳиш-иродангиздан маҳрум қилишмоқда, сизларни ғарбнинг очкўз



истаклари ўлжасига ва ўзларининг режалари қурбонига айлантиришмоқда... Сизлар буни ҳам, устингизга зўравонлик билан ўрнатиб қўйилган хоин, жиноятчи ҳарбий раҳбариятни ҳам қатъян рад этишингизни баралла эълон қилишингиз лозим. Бу раҳбарият ўз динини хўжайнлари манфаати учун дунёning ҳеч нарсага арзимас сўлаги эвазига сотиб юборди. Сизлар шунингдек, устингизга ўрнатиб қўйилган илмоний сиёсий жамоатларни ҳам рад қилиб, улар сизларнинг ҳеч бир нарсада вакилларингиз эмаслигини, вакилларингиз сизлар учун бирдан-бир халоскор лойиҳа бўлмиш Халифалик Давлати соясида бир бутун Уммат бўлиш лойиҳасини қўтариб чиқаётган кишилар эканини ҳам баралла эълон қилишингиз лозим. Халифалик Давлати динингизни муҳофаза қиласди, фаровон ва тинч ҳаёт кечиришингизни таъминлайди, қаршингизда Исломни бутун оламга ёйиш эшигини очиб қўяди. Сизлар шуларни баралла эълон қилишингиз лозим. Аллоҳни рози қиласиган иш мана шудир, У сизларни шу иш учун яратган... Шундай экан, қўзғалинг ва буни баралла билдиринг, бўлаётган бу қонли ҳодисаларни рад этинг, қурбон бўлишга рози бўлиб тураверишингизни бас қилинг... Бир-биридан баттар бу икки “қўчкор” дан қўлни ювиб қўлтиққа уришингизни эълон қилибгина қолмай, балки бошингизга ва диёргизга мусибат бўлиб тушган ушбу қирғин, қўрқитиш, вайрон ва харобага айлантиришларнинг бутун жавобгарлигини иккаласининг бўйнига юкланг...

Эй Судан армиясидаги зобит ва аскарлар, сизлар ҳозир от жилови ўрнидасизлар. От жилови аслида Аллоҳ динига ёрдам бериш учун чавандози қўлида бўлиши керак... Эй зобит ва аскарлар, армия сафида хизматдамисиз ёки тезкор харакат кучлари сафидами, ҳеч фарқсиз, сизлар энг аввало мусулмонсиз. Шунинг учун сизлардан бу қонли ҳодисаларга қарши биринчи галда талаб қилинадиган иш ўзаро курашаётган бу икки жиноятчи қўлидаги ва ғарб давлатлари кофирлари қўлидаги қатл қуроли бўлиб қолмаслигингиз, ўз диёргизни ўз қўлингиз билан хароб қиласлигингиз, аҳолингизни ўз қўлингиз билан ўлдирмаслигингиз, юрtingизни ўз қўлингиз билан вайрон қиласлигингиздир... Сизлар биринчи лаҳзаданоқ бу қирғинга қарши туришингиз, уни уюштираётганларга таҳдид қилишингиз, улардан қонунийликни тортиб олишингиз, уларнинг буйруқларига бўйсунмаслигингиз лозим...

Иймонингиз сизни бу ҳодисалардан олдин ҳам, улар юз бераётган чоғда ҳам ва улардан кейин ҳам, фақат Аллоҳ динига ёрдам бериш сари тортмоғи лозим. Чунки бу зиммангиздаги шаръий вожибидир... Сизлар бундай ўта фожиали аҳволларга узил-кесил чек қўйишингиз учун Исломни ҳокимиётга олиб келадиган куч бўлишингиз лозим.

Эй мусулмон зобит ва аскарлар! Аллоҳнинг ансорлари бўлинг. Шуни яхши билингки, Аллоҳ қиёмат куни қилган ишларингиз ҳақида сўрайди. Шундай экан, Қиёмат куни фиръавн ва ҳомон аскарлари фиръавн билан бирга тирилганидек, сизлар ҳам Бурҳон ва Ҳамедтий билан бирга тирилишни хоҳлайсизми?



Бошлиқларингизнинг ўз ахлларингизни ўлдириш, ризқу рўзларингизни барбод қилиш, Американинг ўзаро сузишаётган ана шу икки “қўчқор”дан бири орқали Судандаги ҳокимиятни ўз қўлига олишига имкон яратиш тўғрисидаги буйруқларини бажаришингиз жоизми? “Исройл”дан бу аламли ҳодисаларда воситачилик учун ёрдам сўраш жоизми? Наҳотки сизлардан биронтангиз мана бу ўзаро курашаётган икки “қўчқор” дан ҳар бирининг – иккаласи “Исройл” билан алоқада бўлар экан ва ўз манфатлари учун Рамазон ойида жанг бошлашар экан – қанчалар тубан эканлиги ҳақида фикрлаб кўрмаса... Ўлдирилган юзлаб одамлар, жароҳатланган минглаб одамлар, қочоққа айланган ўн минглаб одамлар – бу рақамлар янада ўсиши мумкин – борасида жавобгарлик Қиёмат куни Бурҳон ва Ҳамедтийнинг бўйнида бўлади. Сизлар ҳам бу тўғрида Аллоҳ олдида жавобгар бўлишга розимисизлар? Эй мусулмон зобит ва аскарлар, динингизга ёрдамга шошилинг, Роббингиз Таборака ва Таолонинг ушбу қавли билан сизларга қилган нидосига лаббай деб жавоб беринг:

(يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُوئْتُوا أَنْصَارَ اللَّهِ كَمَا قَالَ عِيسَىٰ إِنِّي مَرِيمٌ لِلْحَوَارِيْنَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيْوْنَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ فَمَنْتَ طَائِفَةٌ مِّنْ بَنِي إِسْرَإِيلَ وَكَفَرْتَ طَائِفَةً فَأَيَّدْنَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَىٰ عَدُوِّهِمْ فَاصْبَحُوا ظَهَرِيْنَ) ۱۴

“Эй мўминлар, сизлар ҳам худди (ҳаворийлар каби) Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлингиз!— Ийсо бинни Марям ҳаворийларга: «Аллоҳга (яъни Унинг динига даъват қилишишмда) ким менинг ёрдамчим бўлур?» деганида, ҳаворийлар айтдилар: «Биз Аллоҳнинг (динига) ёрдам бергувчилармиз». Бас, Бани Исройлдан бир тоифа (одамлар Ийсога) иймон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди. Бас, Биз иймон келтирган зотларни душманларидан кучли қилиб, улар (кофирлар устига) ғолиб бўлиб қолдилар.” [Саф: 14]



Покистоннинг тараққиётга эришиш йўли Исломга қайтиш ва
Халифалик давлатини барпо этишдадир

Покистон стратегик ва сиёсий доиралари иқтисодиёт таназзулга юз тутиб, емирилгани сабабли унинг давлат ва жамиятга бўлган таъсири устида курашмоқда. Покистон янги ва бошқача нарсани синаб кўриши керак деган деярли яқдил қараш мавжуд бўлса-да, бироқ, янги ғоялар танқислиги йўқ эмас. Лекин инқироз ва вахима муҳити Ғарб қолипидаги Покистон элитасига ўз кун тартибини тақдим этишга имкон берди. У эса Покистон Ғарб тараққиёти тажрибасидан ўрнак олиши ва Ғарб сиёсатчилари ва олимлари белгилаган тараққиёт йўлига ўтиши керак, деган ишончладир. Бу Ғарбпараст элита Покистонни халқаро институтлар чақираётган ислоҳотлар – у иқтисодиётни эркинлаштиришми ёки Покистоннинг ижтимоий тузилишини қайта кўриб чиқиш ва халқаро роли ва муносабатларини қайта белгилашми, фарқи йўқ – йўлида етарлича қадам ташламаган, деб билади.

Ушбу янги йўналиш ва ислоҳотлар дастурининг қизиқарли жиҳатларидан бири Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги рақобатда ғолиблар ва мағлубларга боғлиқ. Бироқ Ҳиндистон ғалаба қозонди, Покистон эса ютқазди. Шунинг учун бу йўқотиш Покистонни ўз сиёсати ва тараққиёт йўлини қайта кўриб чиқишга ва ўйлашга ундаши керак. Бу элита фракциянинг аниқ даъвати шуки, Покистонни янги воқеликка бўйсуниши, Кашмир бўйича ўзининг мафкуравий позициясидан воз кечиши, Афғонистон билан муносабатларини қайта кўриб чиқиши, Ҳиндистон билан рақобатлашиш амбицияларидан воз кечиши ва у билан савдо-иктисодий асосда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга киришиши ва АҚШ билан бўлган иттифоқини мустаҳкамлаши керак... Фракция фикрича, Покистон халқаро миқёсда тан олиниши учун ўзини қайтадан таништириб, халқаро ҳамжамиятга, айниқса кучли Ғарб давлатларига «алоқадор» эканини билдириб қўйиши керак.

Бу эса Покистонга иқтисодий ютуқлар оқиб келишига имкон беради. Бунинг учун антиамериканизмдан чекиниш, исломий ўзлигимиздан воз кечиши, ҳукуқий замонавийлик ва ижтимоий тараққиётни қабул қилиш керак бўлади... демакки, жамиятнинг ижтимоий тузилишини ўзгартириш керак бўлади. Хулоса қилиб айтганда, Покистонга – уларнинг назарида – тўсқинлик қилаётган нарса унинг ғарб давлатлари томонидан шакллантирилган халқаро тизим ва замонавий дунёга мос келмайдиган ўзлиги, мафкураси ва маданиятидир.

Жамият ва давлатни ҳамда унинг ўзига хослигини тубдан қайта қуриш ғояси кўпинча оддий ва тасодифий тарзда муҳокамага чиқади. Кўпинча бу ғоя тарафдорлари жамият ва давлатлар қандай шаклланишини, миллий ўзига хослик қандай фаолият кўрсатишни тушунмайди. Жамият ва давлатни қайта қуриш жараёни ҳеч қачон қайта қурувчининг мафкуравий тенденциялари ва эътиқодларидан ажралиб турмайди. Покистон Ҳиндистонга ютқазди ва бу нарса жамиятни бошқача йўл тутишга ундаши керак, деган гап, бир томондан Покистон билан Ҳиндистон доимий рақобатда деган ишонч ва шу тарафдаликин кўрсатади. Бу шуни англатадики, ҳар икки давлат валюта захиралари ҳажми, миллиардерлар ва йирик компаниялар сони, қўшинларнинг сони билан кучи ва геосиёсий таъсирда ва ҳоказоларда улар тараққиёт ўлчови ҳакидаги маълумотларни хисобга олади. Бунда Покистон тараққиёти Япония, Германия ёки Полша тараққиётига нисбатан эмас, балки Ҳиндистон тараққиётига нисбат билан ўлчанади. Фарқи шундаки, Ҳиндистонга бўлган тарихий душманлигимиздан воз кечишига чақириқ Ҳиндистон билан тарихий рақобатни қўллаб-куватлаш ва уни турли иқтисодий мақсадларга йўналтириш билан бирга юради, аммо тарихдан қутулиш ҳам осон эмас. Бу бизни, жамиятлар ва миллатлар қандай қурилишини ва ташкил этилишини нотўғри тушуниш бу муаммонинг ўзагидир, деган бошқа бир фикрга олиб келади. Миллий ўзига хосликлар маданий эътиқодлар ва одамларни бир-бирига боғлайдиган таъсисий фикрларда илдиз отган узвий сиёсий тажрибалар билан белгиланади. Покистон вужуди шундай бир фикрга асосланганки, Ҳиндистон яримороли мусулмонлари бирлашган яриморол қитъасида келажакда ўзларининг маданий ва цивилизациявий ўзлигидан айрилиб қолади ва мусулмонлар билан ҳиндулар томонидан биргаликда бошқариладиган мудофаа, ташқи ишлар ва алоқалар билан мусулмонлар учун конституциявий ҳимояга эга бўлган дунёвий конфедерация – Куръон ва Суннат ҳукмларига асосланган жамият қуришга интилаётган мусулмонларнинг сиёсий интилишларига ҳам мос келмайди. Покистоннинг яратилиши ортидаги сиёсий омилда иқтисодий жиҳатлар эътиборга олинган эмас, балки бундан-да муҳимроқ бошқа бир омил бор эди, у ҳам бўлса бизнинг ҳалқ ва жамият сифатидаги ўзлигимиздир. Ҳиндистон яриморолини диний ўзликка асосланган кўпчилиги мусулмонлардан иборат бир давлатга ва ҳинд аҳолисининг эътиқодларига асосланган ҳиндулар кўп бўлган бошқа бир мамлакатга тақсимлаш ғоясига эътибор қаратилди. Мусулмонлар тавҳидга иймон келтирган мўъмин бўлсалар, ҳинdlар эса мушриkdirлар. Демакки, мусулмонлар ҳинdlарнинг ҳокимиятига бўйсунишлари мумкин эмас. Айнан шу ғоя етмиш йилдан ортиқроқ вақтдан бери ҳинду ҳукмронлигига қарши чиққан ва курашиб келаётган Кашмир мусулмонларини илҳомлантирган ва рағбатлантирган. Босиб олинган Кашмир дунёдаги энг ҳарбийлашган минтақалардан биридир. Бу Ҳиндистон давлатининг муваффақиятидан далолат эмас, аксинча, бу жамият ва давлатлар янги воқеликлар ва мағлубият ҳисси асосида қайта шаклланаётганининг исботидир. Тўғрироғи, жамият ва давлатлар ўзлари яратмоқчи бўлган дунё ҳакида тасаввурга эга бўлган ва ҳар қандай ҳолатда ҳам уни ҳакиқатга айлантиришга интилаётган кишиларнинг мафкуравий



эътиқодлари ва цивилизациявий интилишлари асосида қурилади ва қайта тузилади.

Ҳиндистоннинг юксалиши унинг саъй-ҳаракатлари туфайли эмас. Чунки Ҳиндистон қирқ йилдан кўпроқ вақт давомида халқаро майдонни ташкил этувчи буюк кучлар рақобатидан масофа сақлаб, халқаро тизимдан бир чеккада эди. Ҳиндистон бетарафликни даъво қилиш орқали Америка томонидан ўрнатилган халқаро тизим ва унинг геосиёсий туртки ҳам берувчи, монелик ҳам қилувчи тизимидан ўзини йироқлаштириди. Ҳиндистоннинг ўсиши АҚШнинг Хитойнинг улкан иқтисодий ўсишидан хавотирлари билан боғлиқ бўлиб, бундан АҚШ ташқи сиёсати ва мудофаа муассасаларида хавотирли қўнғироқлар янгради. Коммунистик лагер бўлиниб, Совет Иттифоқини ўз ичига олмоқчи бўлган Хитойга очилиш – Генри Киссинжер тассаввурicha – Америка сиёсатчиларининг менталитетига боғлиқ бўлган. Америка Хитой ва Совет Иттифоқи ўртасидаги коммунистик иттифоқнинг олдини олиш учун Хитойнинг халқаро тизимга интеграциялашувига ёрдам берди. У бу ишни Хитойни Фарб дунёси учун заводга айлантириб, ундан глобал амбициялар ва Америка трансмиллий компаниялари учун улкан бозор сифатида фойдаланиш орқали амалга оширди. Энди Хитой иқтисодий қудратга айланиб, иқтисодий қудратидан ўзининг мудофаа қобилиятини оширишда, Шаркий ва Жанубий Хитой денгизида тинч куч сифатида кўрсатишда ишлатаётганидан кейин эса Америка Хитойнинг геосиёсий юксалишидан қўрқмоқда ва Ҳиндистон билан Японияни Хитойга параллел куч сифатида пайдо қилиш бўйича иш олиб бормоқда. Шунинг учун Ҳиндистон билан Япония Америка томонидан ташкил қилинган Австралияни ҳам ўз ичига оладиган тўрт томонлама иттифоқнинг бир бўлаги бўлиши ажабланарли эмас. Америка Ҳиндистонни АҚШ геосиёсий кун тартибини қабул қилишга кўндириш учун ташаббускор сифатида Манмоҳан Сингх бошчилигида Ҳиндистонни халқаро тизимга интеграция қила бошлади. Покистон ҳам (Аюб Хон) даврида Покистонни Америка лагери чангалига илинтириш учун Америка ёрдами ва қарзларига худди шундай қўмиб ташлаган эди. Моди даврида Ҳиндистон Америка таклифларини бажаришга ва Америка шахмат таҳтасида Хитойга қарши восита бўлишга тайёр эканини кўрсатди. Хитойдан ҳам худди шундай Совет Иттифоқига қарши Америка геосиёсий кун тартибини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланилган эди. Ҳиндистон ҳам энди Американинг геосиёсий мақсадларини амалга ошириш учун айнан Хитойга қарши геосиёсий восита сифатида унинг ўрнини эгаллади. Ҳиндистон юксалиши ва тараққий этишининг ҳақиқати мана шу. Бу Ҳиндистондаги сиёсий тизимнинг мослашувчанлиги ёки сиёсий ва ҳукмрон элитанинг зукколиги ёки таълим муассасаларининг кучлилиги билан боғлиқ эмас, балки Ҳиндистоннинг юксалиши геосиёсий ўшиш бўлиб, унинг Ҳинд-Тинч океани минтақасида Америка сиёсатини амалга оширишга тайёр турганлигига бўлган мукофотdir.

Ҳиндистоннинг юксалишига бевосита Покистон ҳарбий тузилмаси томонидан имкон яратилган. Стратегик хатолик – Американинг «терроризм»га қарши урушида уни ёнида туриш, армия структурасини қайта қуриш, Покистоннинг



доктринаси, ҳарбий ва хавфсизлик имкониятларини қайта ташкил этиб, уларни Ҳиндистондан узоқлаштириб, «терроризм»га қарши кураш қобилиятини ривожлантиришга қаратиша, тинчлик музокараларини бошлаб, Ҳиндистон билан муносабатларни нормаллаштириш, Кашмирдан воз кечиш ва Ҳиндистонда жойлашган жиҳодчилар инфратузилмасини бостириб, йўқ қилиш ва назорат чизигида ўт очиши тўхтатиши ва ҳоказоларда.. Юқорида айтилганларнинг барчаси Ҳиндистон учун Покистонга бўлган стратегик эътиборини ундан АҚШнинг минтақа бўйича кенгроқ кун тартибига ўтишига олиб келди. Шунинг учун Ҳиндистоннинг бугунги «ғалабаси» Покистон ҳокимларининг Жанубий Осиё ва Афғонистон борасида Америка буйруқларига амал қилиш учун қабул қилган ҳалокатли қарорлари туфайлидир. Ҳиндистон – биз унга «ғалаба» йўлида ёрдам берганимиз учун – ғалаба қозонди. Бироқ энг оқилона чора – бу ғалабани воқега таслим бўлиш орқали нишонлаш ўрнига – Ҳиндистонга ёрдам беришни тўхтатиши ва бу дунёда у билан рақобатни бошлашликдир.

Покистоннинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий муаммоларининг асоси Покистондаги ҳукмрон элита томонидан қабул қилинган нуқсонли ривожланиш билан тараққиёт моделида ётади. Чунки Покистон ташкил этилганидан бери ўзининг ривожланиши ва Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка қурган ҳалқаро тизим билан интеграциялашувидан азият чекиб келади, у хоҳ Покистоннинг Ҳиндистон билан рақобати бўлсин, хоҳ ўз иқтисодиётининг структураси бўлсин, хоҳ ҳарбий салоҳиятини ривожлантириш ва минтақавий амбицияларига эришиш бўлсин фарқи йўқ. Негаки Покистон ҳокимлари Америка ёки Европа давлатларининг ёрдамисиз Покистонни бирор соҳада олдинга силжита олишларини асло тасаввур қилишмаган. Покистоннинг суғориш тизими, тўғонлари ва бутун қишлоқ хўжалиги сиёсати американклар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунинг эвазига унга Покистон Совет Иттифоқига қарши кузатув базаларини таъминлаб бериши керак бўлган. Покистон Американинг Ҳиндистонга қарши ҳарбий салоҳиятини оширишда иқтисодий ва молиявий ресурсларини қувватлаши эвазига унга афғон урушида Совет Иттифоқига қарши курашда ёрдам берди. Ҳиндистон бетарафлигини эълон қилиб, қўшилмаслик ҳаракатининг бир қисми бўлиб, Американинг ҳалқаро тизимига қўшилишдан бош тортган пайтда Америка назарини бошқа томонга ташлади. Чунки Покистон Ҳиндистоннинг ядрорий дастурига раддия сифатида ўзининг ядрорий қурол дастурини яратган эди. Америка Покистоннинг ядрорий қурол дастурини Ҳиндистонни эгилишга мажбурлаш учун калтак ўрнида деб ҳисоблади, Покистон биринчи давлатга қарши чиқмаслик йўлини танлади. Америка 11 сентябр хужумларидан кейин Исломга қарши уруш бошлаганида, Покистон Американинг Ҳиндистонга душманлик қилмаслик кафолатларини қабул қилди ва ҳарбий доктринасини қайта тузиб, уни «терроризм»га қарши курашга йўналтирги. Бу Покистон армиясининг Яшил китобига ўзгартиришлар киритишга ва Ҳиндистонни Покистон учун биринчи рақамли таҳдид дейилишидан буриб юборди. Покистон АҚШнинг Кашмир устидаги босимини қабул қилди ва Моди 2019 йил август ойида Кашмирни аннекция қилганида Ҳиндистонга ҳарбий



жиҳатдан қарши чиқишдан бош тортди. Ҳиндистонда жойлашган жиҳодчилар инфратузилмасини демонтаж қилиш учун молиявий тадбирлардан манфаатдор ишчи гурухининг босими қабул қилинди. Покистоннинг энергия сиёсати Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган. Бу эса энергетика соҳасида катта айланма қарзларнинг тўпланиб қолишига олиб келди. Оқибатда Покистон ўз иқтисод структурасини фақат Ғарбнинг буйруғига биноан қайта қуриш бўйича Халқаро Валюта Жамғармасининг қатор ислоҳот дастурларини фаоллаштиришга киришганди, иш Америка ва унинг кўпқиррали ташкилотларидан яна-да қўпроқ ёрдам талаб қиласиган бошқа бир инқирозга бориб тақалди. Бугунги кунда ҳам Покистоннинг ҳукмрон элитаси билан Ғарб зиёлилари ўртасидаги келишув шуки, Покистон ўз ривожланиш йўлини давом эттириш учун – Покистон ҳатто Америкадан мустакил бўлиши керак бўлган тараққиёт йўлига ўтадиган бўлса ҳам – ХВФ ислоҳот дастурини қабул қилишдан бошқа чораси йўқ. Чунки у инфратузилма ва транспортга сармоя жалб қилиш учун Хитойга кетди. Ҳолбуки ушбу инвестициялар Покистоннинг заиф иқтисодининг устига оғир юк бўлиб тушадиган инструкциялар бўлиб, Покистонни банкротлик ёқасига олиб келди.

Покистон ҳукмрон элитасининг Покистон тараққиёти ва ривожланиши учун мустакил йўлни тасаввур қила олмаслиги қисман Покистоннинг мустамлакачилик ўтмишида ётади. Чунки Покистон Британия ҳукмронлиги давридан кейин инглизлар ортда қолдирган мустамлакачиликка асосланган ҳукмрон давлат ва ташкилотларни мерос қилиб олди. Инглизлар сиёсий ва интеллектуал муҳитни яратгандан кейин Ҳиндистон яриморолининг тараққиёти ва ривожланишини Ғарбнинг сиёсий ва интеллектуал тажрибасини симуляция қилишга боғлиқ қилиб қўйди. Америка ушбу мустамлакачилик меросига келиб ўрнашди ва Покистонни ўзининг халқаро тизимиға бўйсунадиган қилиб, тузоқقا илинтириди.

Шу нарса аниқки, глобал тизимда ҳам, бугунги кунда дунёга ҳукмронлик қилаётган халқаро молиявий, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий инфратузилмада ҳам ҳокимиятни бу тизим доирасида тақсимлаш бўйича ҳеч нарса йўқ. Америка ёлғиз ўзи назорат қилаётган бу тизимда бошқа барча кучлар четга суриб қўйилган. Америка халқаро савдоға АҚШ долларини жорий қилиш учун Бреттон-Вудсда Халқаро валюта агентлигини тузди. Покистондаги тўлов баланси инқирози ҳам Покистон ушбу тизимга бевосита қатнашганлиги натижасида рўй берди. Покистон ва бутун Ислом дунёси халқаро савдони долларда олиб боришни – чин дилдан – танлади. Халқаро Валюта Жамғармаси доллар етишмовчилигини бошдан кечираётган мамлакатлар учун охирги чора сифатида ташкил этилган. Қизиги шундаки, Покистон ҳам, Америка ҳам дефолт (*ссуда шартномасини бажармаслик, яъни қарз мажбуриятлари бўйича ёки гаровга қўйилган ссуда берииш тўғрисидаги шартнома шартларига кўра фоизларни ёки асосий қарзни ўз вақтида тўламаслик*) ёқасида турибди. Айни пайтда Покистон иқтисодни боши берк кўчага солиб қўйган ва халқнинг иқтисодий қашшоқлик ва азоб-уқубатларини қучайишига сабаб бўлган долларлар эвазига Халқаро Валюта Жамғармаси дастурининг оғир шартларини қабул қилишга мажбур қилинмоқда. Америка қарз чегарасини ошириш бўйича (Конгресс) қарорини кутмоқда.



Чунки Америка ўзининг Марказий банки (Федерал резерв тизими) орқали доллар чиқаришнинг ўзига хос позициясига эга. Покистон ва Ислом олами халқаро савдода иштирок этиш учун доллар ишлаб топиши керак бўлиб турган бир пайтда, Америка ўзи пайдо қилган мураккаб молиявий тизим орқали ўз эҳтиёжига қараб уни чоп этаверади ёки чиқараверади. Жаҳон банки Ғарб манфаатлари ва Ғарб трансмиллий корпорациялари манфаатларига мос келадиган лойиҳалар учун ёрдам ва кредитлар бериш орқали ёрдам олувчи мамлакатларга лойиҳаларни молиялаштириш тақдим этиладиган мамлакатларда ривожланиш жараёнини назорат қилиш учун ташкил этилган. “Рико Дигг” мис ва олтин кони иши ҳақида ёмон хабарлар тарқалган. Чунки Жаҳон банкининг Халқаро арбитраж суди Покистонни Барриск Голд компаниясига кончилик шартномасини бергани учун 11 миллиард доллар жаримага тортгани бу халқаро ташкилотларнинг гегемонлик ва мустамлакачилик режаларига битта мисол, холос. «Свифт» тизимидан ўчириб ташлаш, жаҳон капитал бозорлари, халқаро юқ ташиш йўллари, хизматлар ва ҳоказоларга киришни тақиқлаб қўйиш билан билан таҳдид қилиш орқали Америка ўз сиёсатига амал қилмаган давлатларга санкциялар қўймоқда ва шу билан уларни Америка кун тартибига бўйсундирмоқда.

Шундай қилиб, халқаро тизим бутунлай Америка назорати остида. Бу тизимда ғолиб киму, мағлуб ким эканини фақат Америка танлайди. Америка Япония билан Германияга Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятдан кейин куролсизланиш шарти билан ушбу тизимдан фойдаланишга рухсат берди. Энди Тайван бўғозидаги уруш таҳди迪 ва Марказий Европадаги Украина-Россия уруши туфайли Америка Япония ва Германияни мудофаа бюджетларини оширишга ва Американинг геосиёсий мақсадларига хизмат қилиш учун Хитой ва Россияга нисбатан душманроқ позицияни эгаллашга мажбур қилди. Хитой бир пайтлар ушбу халқаро тизимга ҳомий томонида бўлган бўлса, ҳозир эса қабул қилувчи томонида турибди. Ҳиндистон бир пайтлар режим томонидан четлатилган бўлса, ҳозир эса унинг неъматларидан баҳраманд бўлмоқда. Покистондаги ҳукмрон элита халқаро тизим томонидан Ҳиндистонга берилган ўшанча имтиёзлар эвазига Покистонни Америка таъсири орбитасида айланадиган мижоз давлатга айлантиришга тайёр турибди. Дарҳақиқат, улар Америка геосиёсий манфаатларига хизмат қилиш учун ўз куч ва ресурсларини таклиф қилиб, бу масалани Америкага қайта-қайта олиб келдилар. Бу Покистон стратегик доираларида қандайdir соддалик борлигидан дарак беради. Устига устак, Малай давлат ўзига қарз берувчи давлатнинг кун тартибидан ҳеч қачон четга чиқмайди деган бир фикр ҳам бор. Ғарб таълимоти Покистондаги ҳукмрон элитани Америка Исломга қарши чуқур мафкуравий адоват ва исломий фикрнинг идеологик кучидан қўрқиши сабабли бир мусулмон давлатнинг бу тизимда куч ва ҳокимиятни қўлга киритишига ҳеч қачон йўл қўймайди, деган бир ҳақиқатни қўра олмайдиган кўр қилиб қўйди. Бундан юз йил олдин, Биринчи жаҳон урушигача мусулмон давлатлари Халифалик давлати томонидан бошқарилар эди. Чунки бу давлат XVIII аср ўрталаригача халқаро майдонда кучли ўйинчи бўлган. Бундан ташқари, XV асрда бошланган Ғарб мустамлакачилик лойиҳаси дунёнинг кўп



қисмларини (жумладан, Африка ва Америка қитъасини) назорат қила олди. Бирок, Ислом мамлакатлари ва Ислом ҳазорати Ғарб мустамлакачилиги олдидағи энг қаттиқ түсік бўлиб турарди. Ва ниҳоят, у Европа, кейин эса Америка мустамлакачилиги остида бутун Европанинг ёки бутун Ғарбнинг биринчи тажрибаси бўлди. Чунки Сиёсий лойиха сифатида ягона Ғарб сивилизацияси ғояси Халифалик давлатига қарши насронийларнинг салиб юришлари билан бирлашиб кетди. Шундай қилиб, ўзини қайтадан шакллантириб, ўзига қарай бошлаган Ғарб ҳазоратининг таркибий бирлиги мусулмонлар ва Халифалик давлатига қарши эди. Христиан сиёсий анъаналарида ҳамда Ғарб ҳазоратининг бир қисми эканлигига чуқур илдиз отган бу эхтиросли адоват турли Ғарб давлатлари томонидан XVII-XVIII асрларда дунёвий (светский) идеология қабул қилингандан кейин ҳам давом этди. Бугунги кунда ҳам Ғарб ислом оламига Ислом билан Ғарб ўртасидаги ҳазорий тўқнашув нуқтаи назаридан қарайди. Унинг сўз эркинлиги номи билан Исломий муқаддасотларга қарши куфрни қаттиқ химоя қилиши ва сўнгги пайтларда Ғарбнинг ислом оламини гомосексуализмнинг жирканч ҳаракатини қабул қилишга мажбурлаши бу – ҳазорий тўқнашувга бир далилдир.

Покистон ва Ислом оламининг олдинга силжишининг ягона йўли Америка ҳукмронлиги остидаги бу халқаро тизимдан чиқиб, исломий фикр ва ислом ҳазорати асосида ўзининг мустақил ва тараққиёт йўлини белгилаб олишидадир. Ислом оламининг Ироқ ва Афғонистондаги Америка гегемонлигига бўйсунишдан бош тортиши чуқур тарихий илдизларга эга. Чунки Ислом уммати Халифалик давлати остида дунёга ҳукмронлик қилган ва Ислом мусулмон мамлакатларида татбиқ этилиб, жиход орқали Ислом динини дунёнинг қолган қисмiga етказган пайтда у халқаро майдонни назорат қилган. Мусулмон уммати асрлар давомида воқега таслим бўлишни рад этди. У бир вақтнинг ўзида Рим ва Форс империяларини қўлга киритди. Константинополни забт этиш билан Рим империясини яксон қилди. Фаластин 90 йил давомида христиан оламига бой берилгандан кейин уни насронийлар назоратидан озод қилди. У Европани қўлга киритиш учун қаттиқ кураш олиб бориб, унинг мустамлакачилигига қарши жанг қилди. Америка гегемонлигидан қутулиш учун Исломни бошқарув ва ҳокимиятга қайтариш лозим. Зеро, Покистон, Афғонистон, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Узок Шарқ ва Африкадаги Исломий мамлакатларни бир халифа ҳукмронлиги остида ўз ичига оладиган ягона мусулмон уммати ресурсларга бой ва кучли давлат бўлиб ва у орқали. инсоният учун чиқарилган энг яхши уммат сифатида глобал мавқени қайтадан тиклайди.

(هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الْدِينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ)

У (Аллоҳ) Ўз пайгамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан — гарчи мушриклар хоҳламасаларда - барча динларга голиб қилиши учун юборган Зотдир. [Тавба 33]

Мұхандис Маъз Покистондан



Яхуд ҳукумати келажаги... ички ва ташқи босимлар орасида

Кнессетда 120 ўриндан 63 тасини эгаллаб конституцивий аксариятга эришгани учун бугунги яхуд ҳукумати шакллантирилганидан сўнг ОАВ лари ҳукумат иккита қаттиққўл диний партия ва учта экстремист ўнг кўл партиялар билан коалиция тушиб, яна 14 ўринни қўлга киритганини ургулади. Партия лидерлари—Бецалель Смотрич (Сионистик диний партия), Итамар Бен-Гвир (Оцма Йехудит партияси\ Кучли Исроил), Ави Маоз (Ноам партияси) лар коалицион ҳукуматни шакллантиришга киришишди. «Ликуд» партияси вазирлик портфелидан 15 тасини, жумладан хавфсизлик, ташқи ишлар ва таълим вазирликларини қўлга киритган бўлса, Шас ултра-праваслов ҳаракати 5 тасига эга бўлди. Энди унинг лидери раввин Ария Дери ИИВ ва ССВ ни бошқаради. Бундан ташқари «Радикал яхудийлар қаршилик ҳаракати»--уларни шундай номлашади—вазирлик портфелидан Зтасини қўлга киритди. Улар ичида энг асосийси «Хавсизлик вазирлиги» бўлиб, уни партия лидери Итамар Бен-Гвир бошқаради. Айни пайтда сионистик диний партия ҳам Зта портфелни қўлга киритишга эришди. Улар ичида энг аҳамиятлиси «Молия вазирлиги» бўлиб, уни ҳаракат раҳбари Бецалель Смотрич эгаллайди.

Мана шу шаклда яхуд вужуди айрим ички ишларига ўзгартишлар киритилиб, бир неча вазирликка янги салоҳиятлар берилиши ортидан, кўчаларда ва ҳатто армия кучлари орасида норозилик, тўс-тўпалонлар юзага келди. Улардан бири РадиоФМ Армия 12.29.2022 йилда тарқатган хабарга кўра, Ликуд ва ЯҚҲ коалиция иттифоқи чегара қўшинлари ва миллий хавфсизлик вазирлигини тўлиқ бошқариши айтилади. Радионинг айтиштча, бу бандга кўра, хавфсизлик кучлари тўлалигича Бен-Гфири қўлига ўтади ва унинг топшириги бўйича иш кўради. Айрим партияларга кўра, тартибсизликка олиб келаётган омиллардан яна бири—гейлар ва арабларга душман кайфиятдаги Наом экстиремистик ўнгчилар партиясининг коалицига қўшилганидир. Кнессетда битта мандатга эга, бош вазир девонида вазир ўринбосари, партия лидери Ави Маоз яқинда ташкил топган «миллий яхудий ўзлик» ҳайъатига масъул шахс килиб таъйинланиши кутилмоқда. Ҳайъат Исраилдаги оддий мактаб дарсликлиаридан ташқарим айрим айрича қарашларни ҳам дарсликка киритиш салоҳиятига эга чиқади.



Бу эса табиийки, унинг таълим масканларида дарс ўтиш таклифини олаётган бъязи норасмий ҳайъатлар устидан ҳам назорат ўрнатиш ҳукуқига эга бўлишига олиб келади.

Чиндан ҳам ушбу ҳукумат вазир ва амалдорлари оғзидан бир неча баёнотлар янгради, жумладан ички ишлар вазири Итаман Бен-Гфир 25.01.2023 йили чиқиши қилиб: «У ўзининг Иордания қиролига босиб олинган Қуддус Масжидул-Ақсо атрофидаги мавжуд вазиятни сақлашга ваъда берган бош вазир Нетаняхуга қарши бориб, Масжидул-Ақсога тажовуз қилишда давом этишини айтганди. Бу Иордания элчисига 1.25.2023 йил ал-Ақсо зиёратига рухсат берилмагани сўнгиди бўлганди». Бен-Гфир яхуд радиосига 1.25.2023 йилда берган интервюсида шундай деди: «Иордания қиролига тўла эҳтиром ила... (Исройл) мустақил давлат. Жабалул-Ҳайкал (Масжидул-Ақсо)га кўтарилидим ва шунда давом этаман». Шунингдек у, «террорга қарши кескин курашда давом этишини» яшириб ўтирмади. У, полиция зобитлари тошлар ёғдираётган намойишчиларга қарши ўқ узиш ҳукуқига эга бўлишлари ва хавфсизлик кучларининг дахлсизлиги таъминланиши учун (ўқ узиш) чекловларини енгиллатишни кўзлаётганини урғулади.

Бу ҳукуматнинг ички ва ташқи босимлар сабабли олдинга юриш чегараси қаерда ниҳоя топиши мумкин? Ички ўнгчилар ва халқаро хорижий томонларни рози қилиш йўлидаги турли сиёсий тусланишлар яна давом этадими? Бу саволларги жавоб беришдан олдин қуидагиларга тўхталиб ўтамиз;

Биринчидан: Ҳозирги яхудий ҳукуматини шакллантириш табиатига назар ташлаган киши, албатта у зиддиятлар омухтасидан иборат эканини қўради. У яхуд вужудида ҳукуматни шакллантиришни тартибга солдиган қонун табиатининг қатъий натижасидир. Шунингдек у ўнг ва сўл яхудий партиялар орасидаги сиёсий қарама-қаршилик ва ўзаро нафрат натижасидир. Яхуд қонунига кўра, бош вазир парламентда 3.25% дан ортигини, яъни кўп ўринни қўлга киритгани—120 ўриндан ташкил топган Кнессетнинг ярмидан кўпига эришганига қараб сайланади. У бевосита сайланиб кетавермайди, балки бошқа демократик аталмиш давлатлардаги каби юқоридаги шартлар асосида иқтидорга келади. Бу эса пировард натижада бош вазирни—ва бу улардаги энг юқори сиёсий қарор ҳисобланади-«ҳукуматни шакллантириш»нинг, бошқача айтганда ҳукуматни шакллантираётган сиёсий партияларнинг гаровига айлантириб қўяди. Демак, шарт қилинганидан бир овоз бўлсада, кам овоз олиш бутун бошли ҳукуматнинг, шу жумладан бош вазирнинг ҳам қулашига, сўнгра яна қайтадан сайлов ўтказиш ва янги ҳукуматни тузиш заруратини пайдо қиласди.

Иккинчидан: Яхуд вужуди умуман олганда, сиёсатида ҳам, иқтисодида ҳам, хавфсизлигида ҳам заиф бир вужуд. У ҳақиқий маънодаги давлат мақомига ҳеч қачон чиқолмайди. Ҳақиқат шуки, бу вужуд бутун борлиги, барча элементлари билан Ғарбга, айниқса АҚШга боғлиқ холда яшайди, агар шу тиргак бўлмаса, унинг ўзи мустақил равишда бир кун ҳам туришга қодир эмас. Хусусан, у қуруқликдан ҳам, денгиздан ҳам, фақат Ғарб манфаатларига хизмат қиласидан ҳалқаро қонунлар билан қўриқланади.

Айтиб ўтилган ушбу ишлар сўнгидаги юқорида ташланган саволлларга жавоб берамиз: бор гап шуки, бу ҳукумат сиёсий зиддиятлар устига барпо бўлгандир.

У ИИВ ва ССВ ни эгаллаган, солиқ тўлашдан бош тортиш айби билан қораланиб, ушбу айблов билан 2022 йилда қарздорликка тортилган Шас ултра-праваслов ҳаракати лидери раввин Ария Дерига қарши ҳам, шунингдек молиявий коррупция, порахўрлик, кўзбўямачиликка доир бир қанча айбловлар, хусусан Безек компанияси ва молиявий пора эвазига унга чиройли портрет беришга уринган Эврит газетаси билан бўлган ишларда қораланаётган бош вазир Нетаняҳуга қарши ҳам кескин қарорлар қабул қилиш керак бўлган пайтда манфаат ҳукумати тусини олди. Бу нарса ҳукуматни уни шакллантиришда ўз улушига эга диний партиялар ва уларнинг сиёсий қарашлари, хусусан босиб олинган Фаластин ерлари ва айниқса Муборак Масжидул-Ақсога нисбатан бўлган нуқтаи-назарлари гаровига айлантиради. Буларнинг бари бу ҳукуматни уларнинг биронтасидан ҳатлаб ўтолмайдиган қўйидаги икки чегара оралиғида яшашга маҳкум қиласиди:

Биринчи чегара бу – сиёсий бўлиб, у ҳозирги ҳалқаро вазият, хусусан АҚШнинг Фаластин масаласиданда ҳассосроқ ва муҳимроқ – биринчи навбатда Украина уруши – муаммолар билан бандлигига боғлиқ. Америка ўз манфаатлари мезони бўйича янада муҳимроқ ҳалқаро аҳамиятга молик ишлар билан банд бўлаётгани учун вазиятни таранглаштириш, океан узра жангларга шўнғиши ва тезкор ечимлар тақдим қилиш имкониятига эга эмис. Айни пайтда АҚШнинг Фаластин масаласидаги қарashi – музокараларни қайта жонлантириш ва қандайдир ечимлар ташлаш эмас, балки **орқага суріб туришдир**.

Иккинчи чегара бу – ҳукуматнинг яхудий партиялар қарашлари, сиёсий программалари ва уларнинг элокторатлари ва сайловчилари тарафидан бўлаётган ички босимлар сабабидан бошдан кечираётгандаридир. Масалан, Бен-Гfir 01.05.2023 йилда ал-Ақсо зиёратини орқага суролмади, ваҳоланки Нетаняҳу унга бу ташрифни кечикиришни айтиб талаб ҳам қилган эди. У бу ташрифни орқага сурмоқчилигини билдирганда, тарафдор диний



жамоалар уни ёлғончилик ва сиёсий хоинликда айблаб, қақшаткич ҳужумлар домида қолдиргач, натижада у зудлик билан юзаки шаклда бўлсада, ташриф буюришга мажбур бўлганди.

Бу ерда сўлчилар ва армияга тегишли бошқа бир ички сиёсий иш ҳам мавжуд. Армия сиёсатга дахл қилмаслигига қарамасдан, Бен-Гфириңг армияга тааллуқли айrim чиқишлари ва уни ички хавфсизликка эгалик қилиш, чегара қўшинларини бошқарувини тўлиқ қўлга олиш, армияга мутлақ салоҳият бериб, унга тобе бўлган ва унинг таълимот-топшириклирига кўра ҳаракатланадиган амният кучларни ташкил қилиш ҳуқуқини бериш чақириклари бор... Ушбу ишлар ва Бен-Гфириңг томонидан янграган айrim ноўрин суқулишлар армия қўмондонини ҳам (бошқарувга) дахл қилиш ва ИИВ томонидан келадиган буйруқларга бўсунмаслик таҳди迪 билан чиқишга ундади. Тел-Авивда ҳукумат ва партиялар ичидан бир қанча фракция ва қонуний-ҳуқуқий ташкилотларни бирлаштирган кўплаб намойишлар бўлиб, улар ҳозирги ҳукуматнинг шакллантирилиши ва унинг давлат ички ва ташқи сиёсатидаги таъсирига қаршилиги ҳамда норози эканини билдиришди. Мана шу ҳаракат ўсиш, кўпайиш ва умуман олганда яхудий жамиятида бўлиниш таҳдидини юзага келтиришда давом этаяпди. Тел-Авивда 01.27.2023 йил шанба кечасида 120 мингдан ортиқ одам намойиш ўтказди.

Улар бир қатор янги қабул қилинган қонунлар, давлат демократиясини, хусусан гейлар ва аёл ҳурриятига тааллуқли қонунларни ҳурмат қилмаётган партияларни қоралаб ҳайқиришди.

Дарҳақиқат бу воқелик кўплаб ички ва ташқи реакцияларнинг пайдо бўлишига ва шундайига ҳам бўлиниб бўлган яхуд жамиятининг ич-ичидан янада парчаланишига олиб келди. Мазкур реакциялардан мисол тариқасида айrimларини келтириб ўтамиз:

1— Дипломатия жиҳатидан. 100 дан ортиқ ТИВлигидан нафақага чиққан элчи ва дипломатлар Нетанияҳу бошқарувидаги ҳозирги ҳукумат сиёсати Тел-Авив ташқи алоқаларига путур етказиши мумкинлигидан хавотирда эканини билдиришган.

2— Янги ҳукумат қасамёдга келтирилишидан бир неча соат олдин АҚШда 300 тacha раввин бир мактубга имзо чекади. Унда бу ҳукумат яхудий вужудининг қўшма штат яхудийлари билан алоқаларига ўнглаб бўлмас даражадаги заарлар келишига сабаб бўлаётганидан огоҳлантирилади. Имзо йиққанлар янги идоранинг айrim сиёсатини, бу-демократик принципларга лаънат айтиш-тупуриш, дея қоралайди. Шунингдек улар бу ҳукуматни аёллар, гейлар, лесбиянкалар, бисексуаллар, яхудий транссексуаллар ҳуқуқини памол қилиш ҳамда ишғол остидаги ғарбий соҳилни қўшиб олиш,



яхудий олий маҳкамасини парламентга тобе қилиш.. режаларини ишлаб чиқаётганликда айблайди.

3— Сўл Ҳаартез иброний газетаси Нетаняху бошлиқ янги коалицион ҳукуматни ўта экстремист ва миллатчи, гомофоб ҳамда яхудий вужуди тарихида ички парчаланишларни чуқурлаштирувчи, озчиликлар ҳукукини чеклаб қўювчи, яхудийлар ва Фаластиналар орасида урушни янада йириклаштириши мумкин бўлган ўта теократ, деб баҳолади.

4— АҚШ давлат котиби Э. Блинкен янги ҳукумат шакллантирилгани сўнгиди, Америка «икки давлат» ечими уфқларини очиқласига собатаж қиладиган ҳар қандай амалиётга қарши бўлади, жумладан интроспектив кенгайиш ва ғарбий соҳилни қўшиб олиш уринишларига.. ҳам деб очиқлади.

5— Ал-арабийя телевидениеси Кнессетда мухолиф партиядан бир неча аёл депутатлар Нетаняхуга ҳукумат коалицияси шартларида аёллар мақомига дахл қилувчи бантларни бекор қилиш талаби ёзилган мактуб йўллашганини билдирган. Каналга кўра, депутат аёллар «Ликуд» билан «Яхадут ха-тора» диний ҳаракати ўртасидаги коалицияга алоҳида ургу берив, улар расмий муассасалар юритадиган фаолиятдарда икки жинс вакиллари орасини ажратиш фикрини илгари суради, дейишган. Аёл депутатлар мактуби Шас билан тузилган каолицияга ҳам эътиборни қаратиб, улар Библия маҳкамаларига шахсий ҳаётга алоқаси бўлмаган фуқаролик масалаларини ҳам кўриши мумкин, деб қарайди. Бу депутатлар, судяларини раввинлар ташкил қиладиган библия маҳкамалари аёлларга қарши бирёқлама ҳукмлар қабул қилишидан огоҳлантиради. Худди шу бобда олий маҳкамам раиси Дорон Бениш ҳам янги ҳукуматни танқид остига олиб, ҳозирги ҳукумат бу ишлари билан зулматга шўнгимоқда деди. У ал-жайш радиосига берган интервюсида, янги ҳукумат аёлларга дўстона эмаслиги ва тенгсизликка кўпроқ мойиллигини ургулади.

6— Мухолиф партия лидерлари, айниқса «миллий лагер» партияси лидери, собиқ амният вазири Бенни Ганш 01.10.2023 йилда Нетаяхуни агар у юстиция вазири Ярив Левин илгари сураётган ва коалиция партиялари кўмагида ҳукумат қабул қимоқчи булаётган режа амалга ошса, яхуд вужудини хатарли ички урушларга тортаётган бўлади, деб айблайди. Мазкур режага кўра, олий суд салоҳиятини чеклаб Кнессетни ҳукуматда қабул қилинадиган ҳар қандай қонун ва қарорларнинг сўнги тасдиқланиш минбарига айлантириш кўзда тутиладиган туб ўзгаришлар юзага келади.

7— «Келажак бу ерда» партияси лидери Яир Лапид, демократияни барбод қилишга бўлаётган ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хаосдан огоҳлантириди. У бундай деди: «Ҳамма нарсага рухсат берилган давлат, ҳокимият олдида уни тийиб турувчи кучлар ва улар ўртасидаги ўзаро



мувозанат бирданига бекор қилинса, бундай давлат—демократик давлат эмас. Балки у асосий мақсади—хеч бир эътиroz ва низоларсиз ва ҳатто фуқаролар манфаатига зид бўлган ҳар қандай фаолияга чек қўядиган чора-тадбирларсиз ҳокимиятни сақлаб қолишдан иборат ҳукумат бўлиб, бу эса ўз уйимизга қарши жангдир. Биз уни бошлаб қўйдик, лекин у қай шаклда ниҳоя топади—бунисини билмаймиз».

8— Собиқ бош вазир Яхуд Барак 9.01.2023йилда ИИВ Бен-Гфир ва ҳукумат раиси Нетаняҳуга яхуд вужуди ичида кенг кўламли намойишлар билан дағдаға қилди.

У Бен-Гфир ва Нетаняҳуга ташланиб шундай деди: «Қарши кураш бизнинг бурчимиз ва улар буни яқинда кенг кўламда еб қоладилар». У яна «Бен-Гфир, намойишларга қарши полиция оёққа туради, Нетаняҳу ҳам буни қувватлайди, деб қўрқитаяпди, у иккиси ҳам қилмишига пушаймон бўлиб қаршимизда тиз чўкади» деди ва «бу ушбу ҳукуматнинг асл башарасини очади. Булар—миллатчиликни ўзларига қурол қилиб олган порахўр, заиф, эксплуататор кимсалар» деб қўшимча қилди.

9— Яхудий доиралар ўртасида ўсиб бораётган тортишувлар ва ҳукумат истефосини талаб қилишда тинмай давом этаётган оппозиция вакилларига кўра, олиб борилаётган ислоҳотлар суд мустақиллигини чеклаш ва коррупцияни авж олдиришга олиб келади. Шунингдек у озчиликлар ҳуқуқининг паймол этиш билан бирга суд-ҳуқуқ соҳасига ишонсизликни пайдо қилиш ҳисобланади. Намойишчилар, бу коалицияни «шарманда ҳукумат» деб қораловчи баннерлар кўтариб чиқишиди.

Албатта яхуд ҳукумати яшаётган ҳозирги сиёсий воқелик унинг олдига бир неча ички ва ташқи қийинчиликларни рўбарў қилади ва қаршиликлар янада ортиб бориши ва катта эҳтимол билан бу ҳукуматнинг қулашидан дарак беради. Айниқса Кнессетда 14 та, вазирлар портфелида 15 та ўринга эга бўлган ўнг партиялар босимлари остида. Бу чигаллашган воқелик қархисида Нетаняҳу ё ички босим ва қаршиликларни бироз юмшатадиган қандайдир инқирозли вазиятни ясаб, сўнгра ўз манфаат ва мақсадларини амалга ошириб олгунча ҳукуматни сақлаб туриш йўл-йўригини кўриши керак ёки радикал ўнгчиларга қулоқ тутиб янги турар жойлар қуриши, ғарбий соҳилнинг янада кўпроқ қисмини зўравонлик билан эгаллаши, Ақсога қилинаётган тажовузларга сукут сақлаши керак. Буларнинг бари Қуддусда ва ишғол остидаги бутун Фаластин худидида хавфсизликнинг издан чиқишига олиб келади. Бу эса ҳукуматни Америка ва унинг Фаластин масаласидаги бугунги қарашига сиёсий чақирув-қаршилик позициясига тушириб қўяди. Нетаняҳу ҳукумати учун қархисида турган бу сиёсий кризисдан чиқишининг энг осон йўли—четга, яъни ички инқирозлардан



ташқарига чиқиши, улар билан ўралашмаслик ва яхудларни ташқи «хавф» қаршисида бирлаштиришдир. Бу иш, албатта Фаластин ҳукумати измидаги минтақаларга—бир неча кун илгари Жанинда бўлгани каби—кетма-кет қонли, вайронкор ҳужумлар уюштириб, ёки Ғазо секторига ҳаводан зарбалар бериб, сунъий ҳарбий хавфсизлик муаммосини пайдо қилиш орқали амалга оширилади. Ҳатто ички вазият барқарорлашгунча сиёсий ва ҳарбий доираларни мана шу шаклда банд қилиб туради.

Хотима ўрнида айтамиз: Яхуд ҳукумати ичида бўлаётган ҳозирги ҳодисалар ва келгусида бўладиган сиёсий курашлар бир-неча ҳақиқатларни ёдимиизга солади ва улар:

1—Бизга Аллоҳ таолонинг мана бу қавлини ёдга солади:

(لَا يُقَاتِلُنَّكُمْ جَمِيعًا إِلَّا فِي قُرْبِ مُحَصَّنَةٍ أَوْ مِنْ وَرَاءِ جُذُرٍ بَأْسُهُمْ بَيْنَهُمْ شَدِيدٌ تَحْسِبُهُمْ جَمِيعًا وَقُلُوبُهُمْ شَتَّى
ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْقُلُونَ)

Улар (мунофиқ ва яхудийлар) бирлашган ҳолларида сизлар билан фақат қалъа-қўргонли қишлоқлар ичида (беркиниб) ёки деворлар ортидагина жанг қила олурлар, (яъни ҳеч қачон сизларга қарши очиқ жсангта чиқа олмаслар). Улар ўз ўрталарида кучли-кувватлидирлар, (яъни, жсанг-жадал бўлмасдан туриб ўзаро куч-қудратли эканликлари ҳақида лофт ураверадилар, аммо жсанг пайтида ожиз-қўрқоқдирлар). (Оғизларидаги сўзларидан) уларни бир деб ҳисоблайсиз-у, (аммо) диллари ҳилма-ҳилдир. Бунга сабаб, уларнинг ақлсиз қавм эканликлариdir.

[Ҳашр 14]

Бу партияларнинг барчасини муштарак душман бирлаштиради, у эса Исломдир. Улар аслида ўзаро зиддият ва нафратда, шарқий ва ғарбий қисм, камбағал ва сармоядорлар, сиёсий табақа ва унга етишиш бўйича хожа ва қуллар, радикал диндорлар ва учига чиқсан сўлчилар бўлиб олишган. Бу—ранги ҳам, манзил-макони ҳам, муштарак дини ҳам бўлмаган омухта ташландиқлардан иборат бир нарсадир.

2— Бу ҳукумат жанг-маъракани ҳукумат ва оппозиция доирасидан ташқарига кўчириб, ишларни маҳкамада ҳисобот бериш доирасидан ўтмишда бўлган ва айрим вазирлар қўл урган коррупциялар томонга буришга уриняпди. Бу иш мавжуд инқирозни Фаластиналар билан янги кескинликларни юзага келтириш орқали—ваҳоланки бу ўзларининг таъбири бўйича, жангдани энг заиф бўғин—ёки уни Ғазога қаратилган тезкор, чекланган, одатий зарбаларга муҳрлаш билан ташқарига экспорт қилиш вариантини қўллашни тақозо қиласи.

Бу АҚШ департаменти раиси минтақага уюштирган ташриф режасида нима учун айнан Мисрни биринчи бекат қилиб белгилаганини очиқлайди.



Мақсад—вазиятни тинчлантириш ва кескинликни юзага келтирмаслик учун иккала томонга ҳам босим қилишдир.

3— Бу ҳодисалар табиати, уларнинг тезлашиб бораётгани, яхудларнинг бузғунчилиги—буларнинг бари Фаластин ҳукуматини ўз аҳолиси ва яхуд ҳукумати олдида оғир позицияда қолдиради. Агар аскарлар ҳокимият қўлидаги ерларни тўла қайтариб олиш ва айrim ҳарбий ёки сиёсий шахслар зиддига қандайдир амалиётлар ўtkазиб бошласа иш янада оғирлашади.

4— Ақсо ва унинг атрофида рўй берәётган ҳодисалар бутун Ислом Умматида ҳокимларга нисбатан ғазабни қўзғаяпди ва ўзи билан Фаластин аҳолиси ўртасида турган тўсиқларни тезроқ бартараф қилиш сари ундаяпди. Уммат бунга ўзидаги Ислом ва ал-Ақсога бўлган муҳаббати ҳамда яхудларга нисбатан нафрати сабабли ошиқмоқда.

Аллоҳ Таолодан бу ҳодисалар Ислом Умматига яхшилик фатҳи ва яхудларнинг бугунги бузғунчилиги Умматнинг Ягона Хилофат давлати бошқаруви остида ўз динига тўлиқ қайтишига сабаб бўлишини сўраб дуо қиламиз, худди салибчилар бузғунчилиги юз бергани натижасида Оли Занкий ва Айюбийлар бу муқаддас шаҳар ва унинг аҳолисини озод этишга қалқиган кунлардаги каби... Аллоҳумма амийн.

Ҳамд Табиб—Байтул-мақдис



Ғарбнинг ҳазорий бузуқлиги унинг гомосексуализмigaча
бўлган ҳар қандай бузуқликлар “инкубатори” дир

Ғарб секуляр (дунёвий) модели: материя қонунларини мукаммал билиш воқеликка тўлиқ ҳукмрон бўлишга ва ундан инсон манфаати ва саодати учун фойдаланишга олиб келади, деган доктринастик постулат (ақидавий фараз) билан бошланган. Кейинчалик иллюзия (сезгиларнинг номукаммаллиги, алданиши натижасида борлиқни, воқеликни хотўғри идрок қилиш) ғубори, соддалаштириш деган алдов ва материалистик секуляр (илмоний) редукционизм (мураккаб ҳодисаларни оддийроқ, соддароқ ҳодисаларга хос қонунлар воситасида тушунтириш) сохталиги тумандек тарқалиб кетди ва ана шу соддалаштириш ва бузгунчи редукционизм ўрнини ғарб муфаккирларининг чуқур идроки эгаллади. Бу чуқур идрок қуйидагичадир: “инсон, ҳаёт ва коинотнинг ҳақиқат-моҳиятини ҳар томонлама, тўлиқ билиш ва ҳатто деярли тўлиқ билиш ҳам амри маҳол, иложи йўқ ишдир. Номаълумлик майдони кенгайиб ва катталашиб бораверади. Маълумлик доираси эса кичрайиб бораверади. Моддий ва илмий билимлар лаборатория чагарасидан нарига ўтиб кетадиган инсоний феноменни тушунишдан ожиздир. Бунинг устига бу билимлар қўп даражада эҳтимоллик (фаразийлик) ка асосланган. Инсоний воқелик эса мураккаб ва чигалдир”. Шундай қилиб ғарбнинг секуляр фикридаги маълум-машҳур “нисбийлик” тушунчаси юзага қалқиб чиқди, ғарб моддий, секуляр фалсафасининг қусури, ғарб секуляр фикрининг “борлиқ ва унинг сабаби”, “борлиқ: унинг маъноси ва ғояси”, “баҳт-саодат”, “тақдир”, “қадриятлар”, “яҳшилиқ ва ёмонлик” каби улкан ҳазорий масалалар қаршисида ожиз туриб қолиши аниқ-равshan бўлиб қолди.

Кейинчалик ғарб моддий секуляр фалсафасининг фикрий чигаллиги янада улкан, жиддий тус олди. Охир-оқибат бу фалсафа янги фикрий лабиринтга тушиб қолди. Нигилизм (инсоний қадриятларнинг ҳеч бир тўғри асоси ва ҳаётнинг маъноси йўқлиги) тушунчалари майдонга чиқди. Уларнинг ортидан “постмодернизм”, “постметафизика”, “постсекуляризм”, “постфилософия” каби пост ... пост... пост... деган тушунчалар пайдо бўлди, бу “пост” деган сўз ғарб секуляр фикрини бошқарадиган бир ажралмас термин ва тушунча бўлиб қолди. Бу терминни текшириб, ўрганиб чиқилса, у мавжуд система банкротлигини ва унинг ўрнига альтернативани ўйлаб топишдан ожизликни камайтиришга уриниш бўлиб, у мавжуд нарсани фалсафий услугуб билан рад этиш ва келгусига назар солишдан ожизликдир. уни бир фалсафа сифатида ясалиб, унга деконструкция фалсафаси ёки постмодернизм деган ном берилди.

Шундай қилиб, ғарбнинг секуляр, материалистик тафаккури охир-оқибат ҳамма нарсани қамраб олувчи нигилизм ва ғирт материалистик иррационаллик



даражасига етди. Буни ахмоқона фалсафа десангиз ҳам бўлади. Ғарб ўзининг фалсафий ва фикрий бузуқлиги “шарбати”ни чиқариб, уни ўзининг ҳазорий бузуқлиги сифатида кўрсатди. Ғарб дунёвий, материалистик фалсафаси инсонни кар-соқов моддага парчалаб, инсоний масалага нуқта қўйди. Бу фалсафа бўйича материалистик талқин ҳамда материя ўлчов ва қонунларига кўра инсон, ҳайвон, маймун, личинка (курт), дараҳт ва тош тенгdir. Ва бундай фикрий бузилиш назариялари ва мактабларига асос солиниши натижасида Дарвиннинг ғарб ирқчилигига асос солган назарияси пайдо бўлди. Секуляр дарвинизмнинг “ҳамманинг ҳаммага қарши уруши”, “энг кучли омон қолади” деган қарашларига кўра башарият ирқий асосда табиий танланиб, сараланади. Уильям Жеймс ва Томас Мальтуснинг табиий танланишни тамомига етказиш учун аҳоли массаси ҳажмини камайтириш ва ортиқча аҳолини қириб ташлаш ҳақидаги назариялари, Фрейднинг жинсий беҳаёлик, жинсий бузуқлик ва жинсий анархияга асос солган моддий психоанализ назарияси ва мактаби ҳам пайдо бўлди. Кейинчалик Павлов инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи ҳар қандай муқаддасликдан маҳрум қилиб, уни ҳайвонга тенглаштириш учун инсон билан ит устида тажрибалар ўтказди. Пировардида ғарбнинг секуляр фалсафий бузуқлиги бир ёқлама бузук талқин қилиш даражасигача етди. Унга кўра борлиқ, бутун борлиқ факат кар-соқов материядан иборат бўлиб, у на яхшиликни, на ёмонликни, на қадриятларни, на ахлоқни, на маънени ва на гояни билади. Аксинча, яхшилик, ёмонлик, қадриятлар деб тавсифлаш шунчаки қуруқ моддий ҳодисалар (моддий номутаносибликлар, атроф-мухит, генлар, безлар, гормонлар, ферментлар...) тавсифи бўлиб, уларга нисбатан қуруқ моддий воситалар (дори-дармонлар, жарроҳлик операциялари, косметик жарроҳлик, углерод чиқиндиларни камайтириш...) билан муносабатда бўлинади.

Ҳеч қандай маърифий ишонч, иймон, қадриятлар, ахлоқ йўқлиги шароитида мақсад, қадрият, меъёр, маъно, ғоя йўқ бўлиб кетди, улар ўрнини зулматга чўмган нигилизм (йўқлик) ва ҳайронликка солувчи мутлақ шак-шубҳа эгаллади, қарама-қаршиликлар баравар бўлиб қолди, зиддиятлар оқланди, тутуруксизлик ва ноаниқлик фикрий услугб, бўшлиқ маърифий моҳият бўлиб қолди. Ғарб модернизмининг ўзи нигилизм ва бехудалик экан, демак постмодернизм бехуда нигилизм тубига чўкишdir. Илмоний нигилизм биринчи асосни инкор қилган фалсафанинг табиий натижасидир. Бу фалсафа инсоний масаладаги маъно ва гоянинг муқаррар асосий шарти бўлмиш иймонни, инсонни яратган Яратувчига иймон келтиришни рад қилди. Шундай экан, кофир асбоб-ускуна Роббисини инкор қилиб турган бир пайтда асбоб-ускуна маъноси ва ундан кўзланган гояни қандай идрок қилиб бўлади ахир. Оқибатда муқаррар натижа йўқлик, адашиб тентираш ва ҳайронлик бўлади, холос. Буни унинг файласуфларидан бири Ричард Рорти (1937-2007) шундай ифодалаган: “ҳозирги дунёвий цивилизация муқаддаслик гоясини инкор қилиш ёки уни тубдан қайта талқин қилиш билангина асло кифояланмайди. Аксинча у инсоний ўзликнинг ўзига ҳам ҳақиқатнинг манбаи сифатида ҳужум қиласи”.

Моддий секуляризм ўзининг бузук фалсафаси оқибатида ўз сақофий билимларини ҳақиқатларни бузиб кўрсатиш, шак-шубҳа, гумон уругини сепиши,

ҳайронлик ва зоеликни юзага келтириш қуроллариға айлантириди. Али Иззатбекович (роҳимаҳуллоҳ) бундай дейди: “Шундай қилиб биз диний социологиянинг диннинг асосий моҳиятини, психология фани жонни, антропология (инсонни сақоғий жиҳатдан ўрганиш) фани эса инсоний шахсиятни йўқ қилаётганини кўрдик. Этика (ахлоқ фани) эса биз ахлоқ деб ҳисоблаб юрган нарса шунчаки маданий худбинликнинг бир тури эканини кўрсатди. Яъни этика фанида ахлоқ ахлоқни инкор қиласди. Бугина эмас, балки биология фанининг даъво қилишича, инсон аслида бир ҳайвондир, холос, ҳайвон эса нарсадир. Ҳаёт эса охир-оқибат шунчаки жонсиз механизмлардир, холос”.

Ғарб моддий секуляр фалсафасининг бу ҳазорий бузуқлиги натижা ўлароқ башарият бошига ўзининг мисли кўрилмаган фожеаларини солди. Масалан, башарият тарихида илк марта инсоннинг мавжуд бўлиб туришидан маъно ва фоя бекор қилинмоқда, инсон томонидан бир сунъий “дин” ясалмоқда.

Бу “дин”да на қадрият, на ахлоқ, на яхшилик ва ёмонлик меёр ва ўлчовлари бор. Унинг мурожаат қиласиган сўнгги инстанцияси ҳар қандай инстанцияни инкор қилишдир. Бу ғайри табиий маърифий ахлоқсизлик на муқаддас нарсаларни, на мутлақ нарсаларни, на ҳақиқатларни ва на ҳаромларни билади. Унда секуляр инсон ҳазорий жиҳатдан тамоман “қип-яланғоч” дир. Чунки уни қуруқ кар-соқов материя ва моддий мускулли массага ажратиб, парчалашда бу мускулли куч-энергиядан ишлаб чиқариш ва истеъмолда ҳар қандай қадрият хиссини ёки ахлоқий ва инсоний ҳисни бутунлай йироқлатиш ва тамоман қуриб, шол ҳолатига келишида фойдаланилади ҳамда инсоннинг Яратувчиси ва ишини тадбир қилувчи Мудаббири билан бўлган ҳар қандай алоқасини тамоман инкор қилинади. Шу тарзда материалистик секуляр фалсафа ўз бузуқлигига ўзининг энг муҳим “ютуғи” га эришди, у ҳам бўлса инсоннинг инсоний истеъоди, қобилияти ва ўзини, ғоясини англаш қуроли бўлмиш ақлни бекор қилишдир. Балки бу фалсафа инсонни – қуруқ моддий омилларгина ҳаракатга келтирадиган, модда оламидан нарига ўтмайдиган, бу қуруқ моддий ҳаракатдан мақсад фақат моддий мақсад бўлмиш лаззатга эришиш бўлган – қуруқ моддий махлуққа айлантириб қўйди. Бу фалсафага кўра, ундовчи омиллар ва қондиришларнинг ўз Яратувчиси, қайта тирилиш, ҳисоб бериш, савоб, иқоб, жаннат, дўхах, қадриятлар, ахлоқ, ҳалол ва ҳаром билан ҳеч бир алоқаси йўқ. Шу тарзда материалистик секуляр фалсафа системаси бир ҳаёт фалсафаси сифатида моддий телбалик ва маъносиз нигилизм (йўқлик) даражасига етди. Буни унинг тузумлари рўйи рост кўрсатиб турибди. Натижада ғайри табиийлик бу фалсафа ва ҳаётнинг бир тамғаси бўлиб қолди.

Ғарбнинг секуляр ақли ўз ғайри табиийлигига, ўз фожеаларини, ҳалокатга юз тутиши низомларини, азоб-уқубатлари қонунлари ва йўлларини шакллантиришда меҳнату мashaққат чекди. У ўзининг черкови залолати ва зўравонлигидан, руҳонийлари ва қиролларининг истибододидан қочар экан, адашиб, тентираб грек (юонон) лар демократиясидан ўзининг ваҳшийлашиш сиёсатини ва бошқарув тузумини олди.

Диндан қочиш учун ғарбнинг секуляр ақли башарият тарихидаги ширк чукурликларини қазиди, энг тубига етиб, юононлар Афинаси ва у ўз қулларини бошқариш учун ўйлаб топган тузумлар қаърида ўрнашиб қолди. Ғарб ҳам ўз



қулларини бошқариш учун ва ўз йиртқичлиги ғояси бўйича уларга ўзи пайдо қилиб берган ғоя сиёсатини юргизиш учун ана шу тузумларни олди. Демак, Афина демократияси ғарбнинг ўз халқларини қул қилиш ва ўз аҳлига қарши макр қуролидир.

Демократия ғарбга папа черкови ўрнига ўзининг секуляр черковини ўрнатиш, рухонийлар, қироллар ва феодаллар иттифоқи ўрнига капиталистлар ва секуляр сиёсатчилар ўртасидаги манави очиқ иттифоқни ўрнатиш имконини берди. Қолаверса, секуляр фалсафа давлат ва унинг сиёсий вазифаларини жамиятга хизмат қиласидаги давлатдан банкирлар ва йирик корпорациялардан иборат хукмрон капиталист табақа манфаатларига хизмат қиласидаги давлатга айлантириб ўз сиёсий бузуқлигини шакллантиришни ниҳоясига етказди. Оқибатда нафақат ғарб жамияти, балки бутун олам бу фалсафанинг йиртқич конституцияси ва “фақат энг кучлилар яшаб қолади” деган энг олий қонуни “ўрмони” га тушиб қолди. Бу фалсафанинг бузуқ сиёсий тузуми ваҳшиёна бошқарувнинг бир қуролидир холос.

Ғарб ёмонликнинг нима эканини, феъл-атвор айниши ва тубан ахлоқнинг асл маъносини ўзининг ҳазорий бузуқлигига кўрсатиб берди. Чунки у дунёга эгалик хукукини фақат бир ҳовуч капиталистларники ва уларнинг монополияси қилиб кўйди. Натижада улар башарият орасида фасод, бузиш, ҳалокат келтириш воситалари бўлиб қолишиди. Ғарб феодаллар табақаси ўрнига банкирлар ва йирик корпорациялардан иборат капиталистлар табақасини келтирди.

Қолаверса, секуляризм мол-дунёга ўта хирс қўйишнинг мана бу бузуқ фалсафасини, бир ҳовуч капиталистларнинг бутун бойликка эга бўлиб олишидаги, ҳақ-хукуқларни тортиб олиб, ейишдаги мана бу очқўзликни келтирди, буни талаб ва таклифнинг анави моддий расм-руссумлари орқали бозор механизмининг моддий истаги ва хукми сифатида кўрсатди. Эркин бозор деган бу нарса инсонга, унинг эҳтиёж ва ғаризаларига, иқтисодий муаммоларига, тирикчилик ва асосий эҳтиёжлари борасидаги ғам-ташвишларига зигирча ҳам аҳамият бермайди. Табийки, қадрият, ахлоқ ва ғояларга мутлақо аҳамият бермайди. Чунки бозор “дини”да энг олий ғоя фойда, даромадdir, фойдадан ҳеч нарса юқори турмайди. Бу тўғрида ғарб секуляризми ўз иқтисодий бузуқлигини етишириб чиқаришнинг сўнгги даражасига етди. Чунки у эркин иқтисод ва эркин бозор орқали инсоний муаммога барҳам берди, буни муаммо соҳибидан халос бўлиш билан амалга ошириди. Чунки у башариятга кучли кучсизни овлайдиган бир ўрмонни яратиб берди.

Сўнгра ўзининг мустамлакачилиги ва шафқатсиз урушлари орқали мана бу нафрат ва бузуқлик цивилизациясини глобаллаштириди, башарият бошига улкан фалокатларни солди ва буни унга халқаро ва глобал система деб кўрсатди. Қолаверса, бу секуляризм башариятни дунёси хароб ва вайрон бўлиб, аниқ танг ҳаёт кечирадиган ахволга солди.

Кредит свисс банкига кўра “дунёда бойликнинг умумий микдори 9,8 нисбатда ўсиб, 463,2 триллион доллар чегарасида қарор топди. 2020 йилда дунёдаги бойликнинг 43,9% и, 2021 йил якунида эса 45,5% и дунё аҳолисининг фақат 1% и қўлида бўлиб қолди. Айни пайтда ер юзи аҳолисининг 50% дан кўпроғи, яъни 3



миллиарддан ошиқ инсон кунига 2,5 доллардан озроқ маблағ билан, 1, 3 миллиарддан кўп инсон эса 1,25 доллардан озроқ маблағ билан кун кечирмоқда. 805 миллион инсон эса кундалик озуқасини ҳам тополмаяпти”. Уларнинг халқаро муассасалари, жумладан БМТ хисоботида айтилишича “дунёда очлар сони 2021 йилда 828 миллион инсонга кўтарилиди. Беш ёшга кирмаган 45 миллион гўдак очлик сабабли ориклидан қийналмоқда, беш ёшга кирмаган 149 миллион гўдак эса сурункали озиқ-овқат етишмаслиги сабабли бўй ўсмаслигидан қийналмоқда”. Бу ахволнинг махфий қолаётгандари эса янада қабих, янада жирканчdir. БМТ нинг 2022 йилги дунё озиқ-овқат программасида гуманитар фалокат рақамлари ва ҳажми эълон қилинди, унга кўра “ҳар йили беш ёшга кирмаган 3,1 миллион гўдак очликдан ўлмоқда, бу дунё бўйлаб ўлаётган гўдакларнинг 45% ини ташкил қиласи. 16 миллион гўдакка эса озиқ-овқатнинг ўта ёмонлиги салбий таъсир қилмоқда”.

Бу иқтисодий бузуқлик – секуляризм ўрмони эксперталарининг 2020 йилги ҳисоб-китоблари бўйича – оламдаги очлик сабабли 132 миллиондан қўпроқ инсоннинг ўлимига олиб келади. Бу эса кунига ўртacha 362 минг инсонга тўғри келади. Ваҳоланки бу Хиросима ва Нагасакидаги атом бомбаси қурбонлари сонидан ҳам кўпdir (ўшанда 220 минг одам ўлдирилган эди). Бугина эмас, балки секуляр Ғарб инсонни эзиш тўғрисида азобнинг ҳар хил синф ва турлари ҳисоб-китобини қилиб қўйган. Масалан, сиз очлик азобидан ёки наркотик дозасидан ёки инсон қиёфасидаги чиябўрилар бурдалаб ташлайдиган бир парча гўштга айланишингиздан ўлишингиз мумкин. Чунки эркин бозор бунга кафилdir. Чунки бу бозорда инсон истеъмолчи ва истемол қилинадиган товардир, ишлаб чиқариш ва истемол материалидир. Эркин бозор бузуқлиги наркотиклар тижоратини келтириб чиқарди.

Ҳисоб-китобларга кўра ҳаёти барбод қилинган наркоманлар сони Америка ва Европанинг ўзида 300 миллион бўлса, дунё бўйлаб уларнинг сони бир миллиардdir, уларнинг кўпчилиги ёшларdir. Наркотик моддалар савдоси ҳажми йилига 800 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Бу эса дунё тижорати ҳажмининг 8% и демакdir.

Бу иқтисодий бузуқлик қурбонлари ҳисобига келсақ, йилига ярим миллион гиёҳванд ўлади, спид, саратон, ўткир гепатит, наркотик моддаларни истемол қилиш билан боғлиқ психологияк ва хулқ-атвордаги бузилишлар каби ҳалокатли касалликларга чалинганлар сони бундан икки баравар кўп. Буларга қўшимча ўғрилик, қотиллик, зўравонлик ва зўрлаш жиноятлари ҳам бор. Бу иқтисодий бузуқлик азоб-уқубатнинг яна бир турини келтириб чиқарди, у ҳам бўлса инсон танасини сотишdir. Масалан, ғарбда ўtkazilgan тадқиқотлар бўйича фоҳишалик бозор индустряси ҳажми 1500 млрд. доллар деб баҳоланди. Бу эса дунё тижорати ҳажмининг 15% дан кўпроғини ташкил қиласи.

Ғарбнинг малъун капитализми олди-сотди қилинадиган товарга айлантириб, инсоний ҳурматларини яксон қилган аёллардан иборат бу башарий “чиқинди” сони 50 миллион аёл бўлиб, улар фоҳишаларга айлантирилган. Бу бузуқлик урчиб, зўрлаш жиноятларини келтириб чиқарди. Масалан ғарб секуляризмининг Америкадаги ёрқин намунаси шуки, зўрлаш қурбонлари миллий маркази ва яна



зўрлаш қурбонлари бўйича тадқиқотлар ва муолажа маркази бир тадқиқотида билдиришича, Вашингтонда ҳар соатда 78 аёл зўрланади, бу йилига ўртача 683 минг аёл зўрланади демакдир. Бу кўрсаткич тобора ўсиб бормоқда. Тадқиқотда яна айтилишича, 13% америкалик аёллар умрларида камидан бир марта зўрланган, улардан 61% и ёши 18 га кирмаганлардир, 29% и эса 11 га ҳам кирмаган. Бошқа бир тадқиқотда айтилишича, Америкада зўрлаш ўртача 21% ва 23% ни ташкил қилади.

Қолаверса, материалистик секуляр ҳазорат ўзининг инсонга ва одамлар ўртасидаги ижтимоий мунобаталарга оид тушунчаларини моддий манфаат ва иқтисодий фойда кўриш нуқтаи назаридан туриб қайта шакллантириди. Натижада инсонни энг кам сарф-харажатлар билан фойдаланса бўладиган бир нарсага, товарга, ишлаб чиқариш ва истеъмол материалига айлантириди. Мақсад рекорд вақт ичида энг юқори даромад ва фойдага эришишдир. Чунки сарф-харажат, нарх, даромад, фойда, маҳсулот ишлаб чиқариш вақт, соатлари ва истеъмол материалистик секуляризмнинг инсон жинсига ҳамда эркак билан аёл ўртасидаги ижтимоий алоқаларга бўлган қарашидаги ҳал қилувчи ва қатъий меёрлардир.

Ғарбнинг секуляр ҳазорати одамзот жинси ва унинг ижтимоий низоми масаласига тўхталишида ҳам ўзининг ҳазорий “кусуғи”ни қусди. Чунки бу ҳазорат эркак билан аёл моҳиятини ва оилани бузиб, ер билан яксон қилди. У ўз бузуқлигига одамзот жинсини ва икки жинснинг ижтимоий муносабатини бузиб, расво қилиш учун бузук тушунча, термин ва маъноларни тўқиб чиқарди. Унинг бузуқлиги “йиринг” ларидан бири гендер ёки ижтимоий тур, деган термин бўлди. Шу маънодаки, эркак бўладими ёки аёлми унинг жинсини кўрсатадиган инсон турини унинг хилқати ҳам, эркак билан аёлни бир биридан ажратиб турадиган биологик ва физиологик хусусиятлари ҳам белгилаб бермайди.

Аксинча эркаклик ва аёллик маъно-моҳиятини жамият меёрлари, қолиплари ва урфлари ҳамда унда хукм сурувчи сақофат, фикрлар ва сақофий тасаввурлар белгилаб беради (аниқроғи булар секуляризмнинг сақофий қолипларидир). Мана бу охиргилари инсонни жинсий жиҳатдан шакиллантириб, унинг жинсий турини, яъни “гендер” ни – унинг ҳақиқий жинси ва хилқати табиатидан йироқда – белгилаб беради. Ғарб секуляризми гендер деган тушунчани ўйлаб топар экан ўзининг бузуқлиги ва экстремистлигига инсоннинг ҳақиқий жинси, унинг фитрий ғаризалари билан уларни қондириш ўртасида бузулиш жарлигини пайдо қилиб, анави ўта бузук турмуш тарзларини шакиллантириб, етиштириб чиқарди. Бундай туруш тарзлари баҳарият тарихи билмаган турли-туман шакллар тусини олди. Ҳатто Лут қавми ҳам ўзларининг эркаклар сифатида қилган ана шу ҳалокатли, қабих қилмишларида ҳам бунчалик даражага боришмаган эди. Секуляр фалсафа ўзининг бузуқлигига гендер тенглик деган тушунчани ҳам ўйлаб топди.

Бунинг маъноси шуки, эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўзига хос хусусияти йўқ, эркаклик билан аёллик ўртасида ҳеч бир фарқ йўқ. Кейинроқ бу ижтимоий бузуқлик унинг халқаро муассасалари орқали глобаллаштирилди. Бу муасссалар уни ўзларининг инсон хуқуқларига оид глобал рекламаларининг бир ажралмас қисми ва давомли ривожланиш ва инсон хуқуқларига оид секуляр сақофатни томир оттириш учун олдиндан қўйиладиган бир шарт қилиб қўйди. Шундан кейин



бу жинсий бузиш ва инсон турини расво қилиш бир халқаро сиёsat бўлиб қолди, уни ҳатто боғчалар ва мактаблардаги болаларга ҳам таълим программалари ва картон ўйинчоқлар орқали зўрлик билан тиқишириладиган бўлди. БМТ Пекинда 1995 йилда ўтказилган конференцияда гендер деган терминни қабул қилди ва уни зеҳнларга сингдириб ташлаш учун унга зўр бериб тарғиб қилинди. Шу даражадаки, якуний баёнотда гендер сўзи 233 марта тилга олинди.

Фитратга бўлган бундай бузуқ қаршилик фалокатлари оқибатларсиз ва инсоний фожиаларсиз ўтиб кетмади. Жамиятлар хароб ва вайрон бўлганига оид рақамлар буни яққол кўрсатиб турибди. Масалан, ғарбда ўз жонига қасд қилаётганлар ўртасида жинсий бузилганларнинг ўз жонига қасд қилиш нисбати мутлақ юқоридир. Тушкунликка тушиш ва наркотик моддаларга муккасидан кетиши нисбати ҳам шундай юқори. Масалан, Американинг 2020 йилги статистик маълумотларига кўра “гомосексуализмнинг аввалги беш йилидан кейин 92% гомосексуалистлар камида бир марта ўз жонига қасд қилган, улардан 97% и эса психологияк муолажа олишга мажбур бўлган”. Бунга қўшимча, спид каби уларнинг орасида пайдо бўлган ҳалокатли касалликлар ҳам бор. Спид ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида гомосексуалистлар ўртасида кенг тарқалганидан бери 2022 йилнинг охиригача 40 миллиондан кўпроқ кишининг ёстигини қурилди. Қўшма штатлар спидга чалингандар сони бўйича ғарб давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. АҚШ да – 2020 йилги маълумотга кўра – ўзида спид касаллигини ташийдиган 1,1 миллиондан кўп гомосексуалист бор.

Буларнинг барчасида малъун секуляр фалсафа қувилган-лаъин иблиснинг дам уриб, пуфлашидир, холос. Одамзотнинг ижтимоий масаласига бутунлай барҳам бериб, ўзининг бузуқлигини амалга оширгунча бу лаъин тўхтамади. Лаънати CEDAW (СЕДАВ аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ конвенцияси) аёл ва оилани парчалаб, бузиш механизми бўлди. У орқали мана шу ижтимоий бузуқлик халқаро келишув шаклида глобаллаштирилди. Буни “аёлга қарши дискриминация (камситиш) нинг барча шаклларига барҳам бериш” деган банд остида амалга оширилди. Аёл – материалистик секуляризм қарashi бўйича – қуруқ моддий танадир, холос. Уни моддий меёрлар орқали бузиб, парчалаб нарсага, товарга, ишлаб чиқариш ва истеъмол материалига айлантирилганидан кейин унинг моддий қиймати унинг жинсий жозибадорлигига тўланадиган нархга, ундан олинадиган лаззатдан келадиган иқтисодий даромад ва фойдага қараб белгиланадиган бўлди. Охирги таҳлилга кўра, ғарбнинг ижтимоий бузуқлиги ва аёлни яксон қилувчи бузуқ моддий меёрлари фоҳишалик даражасига етиб, аёлни лаззатни ишлаб чиқарувчи ва зебу зийнат, пардоз буюмлари истеъмолчиси, мўл-кўл даромад келтирувчи бир иқтисодий ишлаб чиқарувчи сифатидаги фоҳишага айлантирди. Ўз бузуқлиги ва экстремистлигига фалокат келтирувчи Ғарб аёлни фоҳишага айлантирди, бузуқлик ва фоҳишаликни шахсий эркинликларга айлантирди, сўнгра уни Ғарб инсон ўз танасини сотадиган индустрия ва тижоратга айлантирди. Ғарб ўзининг ёмонлигига давом этиб, бу бузуқликни оммалаштириш ва глобаллаштиришга ҳаракат қилмоқда. CEDAW аёл иззат-хурматини ва инсонийлигини – уни фоҳишага, олди-сотди қилинадиган товарга айлантириш орқали – поймол қилиш



ва бузишдаги ана шу жирканч ижтимоий бузуқликни глобаллаштириш учун тузилган конвенция бўлиб, ундан мақсад бир ҳовуч капиталист ваҳшийларга хизмат қилиш ва уларнинг даромадларини ўстиришдир.

Тадқиқотчи Ричард Поллан ўзининг “фоҳишалик ... ҳар қандай ҳунар каби бир ҳунардир” номли китобида фоҳишалик индусриясининг дунё миқёсидаги ҳажмини 1500 миллиард доллар, фоҳишалар армиясини эса 50 миллион аёл, деб баҳолади. Балки Таиланд каби бутун бошли бир мамлакатни фоҳишахонага айлантирилди. Таиланд модели аёлни товарга, истеъмол материалига ва лаззатланиш буюмига айлантиришнинг ёрқин моделидир. Чунки Америка ўзининг ҳазорий бузуқлиги “энагаси” га айлантирган бу Осиё мамлакатида фоҳишалик сектори ялпи даромаднинг энг муҳим манбаига айланиб қолди. Ғарб буни оммалаштиришга ҳаракат қилмоқда. Унинг энг фаол механизмларидан бири “секс-туризм” ва уни бир иқтисодий “ирмоқ” қилиб қўйишидир. Чунки бу туризмга рағбатлантиришдир. Халқаро муассасаларнинг уни бир иқтисодий ирмоқ сифатида қайта-қайта тавсия қилишлари замирида туризмнинг бевосита ҳазорий ҳужум қуролларидан бири бўлишидан иборат ифлос ғояга хуфёна, маккорона тарзда ҳомийлик қилиш ётади. Демак, босқинчи аскарлар ўрнини ғарблик ахлоқсиз ва гомосексуалист сайёҳлардан иборат босқинчи армиялар эгаллайди.

Жамиятни мана шундай хаос (алғов-далғовлик) ва инсон жинсининг аниқ белгиларини кескин, шафқатсиз тарзда ноаниқ, бекарор ҳолга келтиришлар ботқоғига ботирилди. Буларнинг натижаси эркак ва аёл вазифалари ва ролларининг бузилиши бўлди. Буни эркак ва аёлнинг бузук гендер tengлиги, иккаласини бир-биридан ажратиб турувчи фарқларни йўқ қилиш, фитратни бузиш, эркаклиқ ва аёлликни бир ўткинчи, тасодифий масалага айлантириш орқали амалга оширилди. Шундан кейин Ғарб ўзининг ҳазорий бузуқлигига башарий жамият ядрои бўлмиш оилани, эркак билан аёлни бир-бирига боғловчи никоҳни емириш ва парчалаб ташлаш даражасига етиб келиб, инсонни, унинг эркак ва аёл жинсини, иккаласининг табиий жуфтланиб оила қуришини барбод қилди. Ғарб ўзининг ижтимоий бузуқлигига башариятнинг фано ва инқирозга юз тутиши замонини қисқартиришга илдам ҳаракат қилар экан, инсоний жамиятни ядрои ва инсон турини сақланиб қолиши сабабчиси бўлмиш оилани барбод қилиши билан бузуқликнинг энг чўққисига етиб келди.

Ғарб ўзининг ижтимоий бузуқлигига уйланишнинг бузук кўринишларини пайдо қилди. “Оила ва келажакка таҳдидлар” китобида келтирилган БМТ нашрларидан бирида оила қуришнинг 12 кўриниши ва йўли кўрсатилган, улардан бири гей (бир жинсдаги) лар оилаларидир. Пекин конференцияси ижтимоий доира бўйича оила қуришнинг 12 хили борлигини тасдиқлаган эди. Кейинчалик аҳоли масалаларига бағищланган Қоҳира конференцияси ҳаракат программаси ҳужжати гомосексуалислар хуқуқини белгилаб берди. Унда қуйидагилар келган: “никоҳланишга ва уйланишнинг бошқа кўринишларига тааллуқли сиёсаларда дискриминация кўринишларига барҳам бериш лозим”. Уйланишнинг бошқа кўринишлари “оила қуришнинг барча кўринишлари” деган термин билан ифодаланди. Бу ўта бузуқликка асос солиш учун малъун CEDAW

конвенциясининг бешинчи моддасида аёлнинг вазифаси ҳар қандай шахс бажара оладиган бир ижтимоий вазифа деб белгиланди.

Ғарбнинг малъун ижтимоий бузуқлиги насл-насаб, қариндошликка бутунлай барҳам берилиб, насл-насаб ҳам, қариндошлиқ, фарзандлар, набиралар, усул ва фуруъ (аждоду авлодлар) ҳам бўлмайдиган бўлди. Ғарбнинг гендерлиги ва гомосексуализми кириб келиши билан ота-оналар ҳам, ака-укалар, опа-сингиллар, тоғалар, холалар, амакилар, аммалар, боболар, набиралар йўқ бўладиган бўлди, балки насли, аждод, авлоди йўқ бир бурдаланган башар ўлимтиги бўлиб қоладиган бўлди.

Ахир ким ҳам бу бузуқ ижтимоий аҳвол, унинг заҳарли, ифлос мевалари ва хонавайрон қилувчи оқибатлари – унинг учун ана шу кофир секуляр фалсафадан қанчалик тиргак-таянчлар қурилмасин – давом этавериши мумкинмас, деб айта олади. Чунки фалокатли рақамлар ҳаётдан эмас, ўз жонига қасд қилиш ва ўлимдан дарак бериб турибди.

Масалан, баҳтсиз Европа иттифоқида 47% гўдаклар зинодан туғиляпти. Франция 60% нисбат билан бу ижтимоий бузуқликнинг чўққиси ҳисобланади. Британияда эса 2018 йилнинг охирги статистикасига кўра Би би си нинг билдиришича. Бу нисбат 50% дан ошиб кетди. Эр-хотинлик ҳаётининг барбод бўлишига келсак, соғлиқни сақлаш статистикаси америка марказининг 2020 йилдаги баёнотларининг кўрсатишича, оила куриш кўрсаткичлари мисли кўрилмаган рекорд даражада пасайиб кетган. Қолаверса, бу бузуқ ижтимоий вазият насл қолдириш кўрсаткичларининг кескин пасайиб кетишига, аҳоли пирамидасидаги бузилишларга ва қариликнинг кенг тарқалишига ҳам олиб келди. Шунинг учун Европага қари Европа деган ном тамоман мос келади. Чунки дунёдаги кексаларнинг энг катта қисми Европада яшамоқда. 2021 йилги ҳисоб-китобларга кўра Европа аҳолиси сони қарийб бир миллиардга етай деб қолди. Улардан 191 миллион киши ёши 60 дан ошганлардир. Европа иттифоқи аҳолиснинг бешдан бирининг ёши 65 дан ўтгандир. Еврокомиссиянинг “евростат” статистика хизмати 2021 йилда Европа иттифоқи аҳолиси сонида янги пасайиш борлигини аниқлади. Бу 2020 йилдаги аҳоли ўсишидаги аввалги пасайишдан кейинги ҳолатдир. Европанинг қариётгани унинг фанога ва жамиятининг инқирозга юз тутаётгани даракчисидир.

Кейинчалик бу ижтимоий бузуқлик урчиб, маҳрамларнинг хиёнати, аникроғи болаларни зўрлаши ана шу малъун бачадонни энг жирканч бузуқлик ва энг малъун ҳалокатлар билан тўлдириб ташлади. Масалан, Франциянинг «медијапарт» газетасининг билдиришича, Франциядаги маҳрамлар зиноси учун тузилган комиссия ўзининг 2023 йилдаги ҳисботида қўрқинчли, ҳайрон қолдирадиган рақамларни маълум қилди. Бу рақамлар Францияда ҳар йили 160 мингга яқин бола маҳрам қариндошлари томонидан зўрлашга дучор бўлаётганини кўрсатиб турибди. Ҳисботда айтилишича, мамлакатда 5,5 миллионга яқин курбон бор. Курбонларнинг кўпчилиги (ҳар 10 тадан 9 таси) аёллар бўлиб, ҳозирда курбонларнинг ўртacha ёши 44 дир. Жинсий зўравонликка дучор бўлган ҳар 4 курбондан биттасинипнг ёши ўша вақтда 5 ёшдан ҳам ошмаган. Ҳисботда курбонларга бўлган психологик ва жисмоний фалокатлар ҳақида ҳам сўз



юритилган, буни уларнинг доираларидағи бунга муккасидан кетиш ва ўз жонига қасд қилишлар кўрсаткичларининг ўсиб бораётгани кўрсатиб турибди. Бунинг бир фожеа ва ниҳояси йўқ азоб-уқубат эканлиги албатта маълум.

Лаъин Ғарб ўз жонига қасд қилиш ишини узил-кесил йўлга қўйди, унинг ҳазорий бузуқлиги вена томирларини кесадиган писка (лезвие) сидир. Ёзувчилар Ричард Кук ва Крис Смитнинг “Ғарбнинг ўз жонига қасд қилиши” китобида қўйидагилар келган: “бу ерда Ғарб учун бирон кризис-инқироз бўлса, у ички келиб чиққан кризис бўлиб, у Ғарбнинг бузилиб, кулаши замирида ётибди, ғарбликлар бошларида ва фикрлар замирида ётибди”. Америкалик сиёсий мутафаккир Патрик Бьюкенен ўзининг “Ғарбнинг ўлими” номли китобида Ғарб ўлими ва унинг цивилизацияси даҳшатли қулашидан дарак берувчи омиллар ички омиллар эканлигини таъкидлаб бу омиллар: “туғилишнинг пасайиши, оиланинг бир ижтимоий ячейка-бўлак сифатида “эриб” йўқ бўлиб кетиши, аёлларнинг табиий ҳаёт кечириш (турмуш қуриш, болалар туғиши, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш) ни истамаслиги, ёшларнинг турмуш қуришни истамаслиги, секс ва гомосексуализмнинг кенг тарқалиши ҳамда бу ғайритабиий тенденцияларни ҳимоя қилиш” эканлигини айтади.

Бу ижтимоий бузуқлик замиридаги яширин ифлос мақсадлар янада жирканч ва янада малъундир. Чунки инсонни, унинг турмushi ва ижтимоий ҳаётини программали тарзда бузиб, йўқ қилиш фалсафа бўлишидан олдин ҳукмон синф томонидан секуляр ваҳшиёна ва ёввойиларча бошқариш учун ишлаб чиқилган бир режа ва ғоя бўлди. Ғарб фалсафаси ва ҳазорати гарчи моҳиятан бузуқ бўлса-да, бугун бу ўта бузуқликни озиқлантириб, уни энг чўққисига олиб чиқаётганлар давлат ва жамиятга ҳукмон бўлиб олиб, фикр ва сиёсатни йўналтираётган анви капиталистлар тўдасидир. Бу емирувчи бузуқлик бугун шу тўда қўлидаги ичкарида система шу ҳолида давом этавериши учун жиловлаб туриш ва ҳукмонлик қилиш қуролларидан бири бўлса, ташқарида бу тўданинг мустамлакачилиги ва ҳукмонлиги давом этиши учун қўлладиган вайрон ва хароб қилиш қуролларидан бири бўлиб қолди.

Яқин тарихдан бизга маълумки, бу кенг тарқалган порнография ва жинсий бебошлиқ ғарбда оммавий тус олди ва унга “сексуал революция” деб ном берилди. Бу термин олтмишинчи йиллар охири ва етмишинчи йиллар бошида ғарб оламида жинсий алоқалардаги туб ўзгаришни ифодалаш учун қўлланадиган бўлди. Бу беҳаёлик бир ҳаёт фалсафаси сифатида шаклланишдан олдин бир ифлос режа ва ғоя бўлди, ғарбдаги ҳукмон капиталистлар тўдаси – капиталистик система ўз ичкарисида гувоҳ бўлган – энг чукур ва энг ғазабнок революцион исёнга қарши қўйган ўз революциясини шу режа ва ғоя асосида бошқарди. Биз бу билан 1968 йил май ойидаги норозиликлар исёнини назарда тутяпмиз. Унга ғарб мутафаккирлари, зиёлилари, университетлар талабалари, бошчилик қилди, норозилик намойишлари бутун Европа ва Америка бўйлаб ҳукм сурди ва ёйлди. У ғарб фалсафий системасига, унинг капиталистик ва коммунистик талқинига қарши чукур норозилик ва исён эди. Унга қарши капитализм шайтонлари “сексуал революция” деган нарсани ўйлиб топишди. У бир фалсафа, ҳукмон капиталист доира ва ҳукуматнинг сиёсати бўлиб қолди. У ғарб мутафаккирлари, зиёлилари ва



талабалари исёнини бошқа ўзанга буриб юбориб, уларнинг ғазабларини сўндириш, ҳаракатларини фалаж ҳолга келтириш, мақсадларини сохталашириш учун фойдаланиладиган бир режа ҳам бўлиб қолди. Натижада бу системани ва унинг ҳазоратини емириб, вайрон қилиш, унинг фалсафасини тубдан ўзгаришиш ўрнига жинсий бузуқлик бир матлаб бўлиб қолди.

Улкан стратегик лойиҳаларга жаҳон банки инвестиция ётқизмайди. Фақат уларда ғарбнинг трансмиллий ширкатлари иштирок этсагина, ўшандаги инвестиция ётқизади. Қолаверса, жаҳон банки мамлакатларни қарзлар ботқоғига ботиради, ривожланишини издан чиқаради ва Уммат бойликларини талон-тарож қилишда ёрдам беради.

Молиявий институтлар сиёсати фалокат келтирувчи жинояткорона сиёсат эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу сиёсатлар нақадар жирканчлигига мисоллардан бири шуки, улар ҳатто ўzlари билан мустаҳкам алоқада бўлиб келган ва сабр косаси тўлган ғарблик баъзи иқтисодчи эксперталарнинг ҳис-туйғуларига тегди. Қуидагилар улар айтган гаплардан намуналардир:

Жаҳон банки вице-президенти ва бош иқтисодчиси лавозимини эгаллаб келган Стиглиц: “Вашингтон консенсуси” сиёсатининг уч устуни Жануб давлатларидағи глобал молиявий ва иқтисодий кризисларнинг сехрли ечими ҳисобланиб келганини, бу учта устуннинг турлари ва услублари хилма-хил бўлишидан қатъий назар, бу уч устун консенсус ва солиқ сиёсатлари бўйича ўта тежамкорлик, хусусийлаштириш ва либераллаштириш, бошқача айтганда маҳаллий бозорларни, айниқса пул бозорини ланг очиб қўйиш эканини кўрсатиб ўтади. Стиглиц ўзининг “глобализмдан хафсала пир бўлишлари” китобида бундай

дейди: «бу қонун-қоидалар ўша даврда халқаро молия институтларида мутлақ муқаддас нарсалар ўрнида бўлиб қолган эди.

Чунки улар – иқтисодий ахволга ёки уларнинг жойлардаги оқибатлариға эътибор бермай – автоматик рецептлар сифатида кўлланди.

Бу эса ривожланувчи давлатларда фалокатли натижаларга олиб келди». Валюта фонди хусусийлаштириши—хусусий секторни жонлантириш воситаси сифатида – мумкин қадар энг қисқа вақтда тасдиқлар эди. Бу эса амалда омма бойликларининг совурилишига ва хусусийлаштириш жараёнини истайдиган ҳоким сиёсий табақаларга яқин турган бир ҳовуч кимсалар ва ширкатлар қўлида тўпланиб қолишига олиб келди. Яъни бунда давлат бу жараёндан ваъда қилинган фойдадан бирон нарсага эришмади.

Ларри Эллиот “Гардиан” газетасида бундай деб ёзди: «табиийки, Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди муаммо ўзларининг сиёсатлари эканини тан олмайди. Ҳатто тадқиқотчилар Африкада қашшоқликни келтириб чиқараётган энг катта айборлар аслида мана шу халқаро институтлар эканини исботлаб қўйишса ҳам. Чунки қароргоҳи Вашингтонда жойлашган бу икки институт ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб дунёдаги, айниқса Африкадаги тенгсизлик ва қашшоқликнинг кескинлашишидан жавобгар сиёсатларнинг бош архитекторига айланди.»

БМТ нинг ривожланиш бўйича собиқ масъули Изабель Грамбург ҳам Халқаро валюта фонди аъзо давлатларга, айниқса ривожланаётган давлатларга юклаётган ва кўп ҳолларда ишсизлик даражасининг кўтарилишига ва харид қувватининг пасайишига олиб келаётган сиёсатига баҳо бериб, улар қарамлика, айниқса озиқ-овқат қарамлигига ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш тизимларининг бузилишига олиб келаётганини айтди. У бу ишларни жиноят, деб атар экан: «халқаро валюта фонди бу ишларда нафақат иштирок этяпти, балки у бойбадавлат озчилик сарф-харажатларини маблағ билан таъминлаш учун камбағаллардан пулларни тортиб олаётган комплекс системани бошқараётган маэстродир» деди.

- **Немис эксперт, Претория университети фалсафа профессори Эрнст Гольф ҳам ўзининг:** “Халқаро валюта фонди жаҳон саҳнасидаги супер куч” китобида: унинг (яъни фонднинг) аралашувлари ҳакиқатда урушаётган армияларнинг босқинларига ўхшайди, деб баҳо берди.
- **Америкалик иқтисодчи Жон Перкинс эса ўзининг:** “Халқаро системанинг иқтисодий қотиллиги, БМТ” китобида бундай деди: Халқаро валюта фонди – дунё иқтисодига ҳукмрон бўлиб олиб, давлатларни бекарорлаштирадиган, ривожланувчи давлатлар иқтисодини талон-тарож қилиб, вайрон қиладиган империя қуриш учун глобал корпорациялар фойдаланадиган қуроллардан биридир, деб ёзган эди.

Бу экспертлар шу молиявий муассасалар сабабчи бўлган азоб-уқубат, кулфатлар қанчалик ҳажмдалигини тасвирлаб берди. Лекин бу азоб-уқубатлар



ҳажмини янада кучлироқ тасвирилаб, чизиб, ифодалаб берадиган нарса одамлар ҳар соатда, ҳар пайтда бошларидан кечираётган ҳаётнинг ўзидир. Чунки давлатлар асосий товарлар ва хизматларни қўллаб-куватлаш ва хизмат кўрсатишдан ҳар қанақасига бош тортадиган бўлди. Натижада ҳаёт тобора аланга олувчи жаҳаннам оловидан бир парчага айланди. Одамлар бир-бирларини еб битиришлари қолди, холос!

Рибога асосланган система Аллоҳга уруш очадиган, қашшоқлик, очлик, душманлар ва малайлар ҳукмронлигини келтирадиган зўравон, шафқатсиз системадир. Шунинг учун нафақат мусулмонлар, балки бутун башарият рибога қарши уруш очмоқлари лозим.

Улар рибо сабабчиси уни қонунийлаштираётган капиталистик система эканини, рибони қонунийлаштираётган ва бошқа юртлар, хусусан мусулмон юртлар мустамлакачиларга тобе малай ҳокимлар томонидан бошқарилаётган конституцион тузум ҳам шу системага тобе эканини тушуниб етмоқлари лозим.

Халқаро валюта фонди, жаҳон банки, дунё савдо ташкилоти ва бошқа молиявий муассасалар дунё халқлари устидан ҳукмронликка интилаётган халқаро системанинг иқтисодий витриналари дир. Мана бу майда давлатчалар эса бу ваҳший системага қарши туришдан ожиздир. Бу қўғирчоқ давлатчаларнинг роли ва вазифаси фақат шу сиёсатларни бажариш ва халқаро система этагидан тутиб, судралиб юришдир, холос.

Демак, қаршимизда икки танлов бор, холос: Ё шу воқеликка бўйин эгиб, қашшоқлик, очлик, касаллик, танг ҳаётга рози бўлиб, душманларимизга ва уларнинг этагини тутгандарга доимо тобе бўлишимиз керак. Бу билан эса ҳаётимиз ҳеч қачон ўнгланмайди, Роббимизни асло рози қилолмаймиз, дунёю охиратни бой бериб, зиён кўрамиз ...

Ёки бу сиёсатларга Аллоҳ бизга инъом қилган Раббоний мабда (мафкура) билан қарши туришимиз лозим. У Ислом мабдаси бўлиб, фаровон ва яхши ҳаёт кечиришимизни кафолатлади.

Ислом шундай бир низом (система) ки, у бойликни барчага адолат билан тақсимлайди, унинг халқлар тақдири билан ўйнашиб, уларни хорлайдиган бир ҳовуч кимсалар қўлида тўпланиб қолишига йўл қўймайди. Исломнинг рибога бўлган позицияси, муносабати аниқ-равшандир. Зоро, Аллоҳ уни узил-кесил ҳаром қилган. Аллоҳ Таоло деди:

(وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَمَ الرَّبِّيَاً)

“Холбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, рибони ҳаром қилган.”

[Бақара: 275]

У оз микдорда бўладими ёки кўпми, ҳаромдир. Аллоҳ Таоло деди:

(إِنَّمَا الَّذِينَ ءامَنُوا لَا تَأْكُلُوا الْرَّبِّيَاً أَضْعَافًا مُضْعَفَةً...)

“Эй мўминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш билан рибо емангиз (судхўрлик қилмангиз)!...”

[Оли Имрон: 130]

Рибо моли қатъан ҳаром мол бўлиб, ҳеч кимнинг унга эгалик қилишга ҳаққи йўқ. Зоро, Аллоҳ уни ейувчи кимсага уруш эълон қилди. Аллоҳ Таоло деди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَدَرُّوا مَا بَقِيَ مِنَ الرَّبِّوْا إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ۚ فَإِنْ لَمْ تَعْلَمُوْا فَادْئُوا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ...﴾

“Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг!” [Бақара: 278-279]

Ислом келтирган бу барча аҳкомларни Аллоҳ, Расули ва мўминларга хиёнат қилган бу малай режимлар ҳеч қачон татбиқ қилмайди. Аксинча, уларни фақат Роббимиз бизга ваъда қилган ва Расулимиз бизга башорат берган иккинчи Рошид Халифалик Давлатигина татбиқ қиласди. У мана бу халқаро капиталистик системага қарши туришга қодир бўлади.

Муаллиф: Мұхаммад Рожиҳ – Яман



Набийимиз Мұхаммад ﷺ ғорда вахйнинг даслабки нозил бўлган қунидан бошлаб аёл роли аниқ ва фаол тарзда юзага келди. Зеро Расул ﷺ нинг вафоли, мухлиса завжалари Хадижа бинти Хувайлид олдига қайтиб ғорда кўрган нарсалари, Жаброил а.с ва ўзи ўртасида бўлиб ўтган ҳодисани ҳикоя қилиб берди. Шунда Хадижа р.а. у зотни ҳақда устувор туришга ундан, қўллаб қувватлади, бу нарса яхшилик мұждаси эканини айтиб у зотни тинчлантириди. «**Аллоҳга қасамки Аллоҳ сизни ҳеч қачон хор қилмайди. Чунки сиз қариндошлиқ риштасини боғлайсиз, меҳмонни иззат-икром қиласиз, етимларга, бошига мусибат тушганларга ёрдам берасиз»** деб у зотнинг кўркувларини олиб, хотиржам қилди. Сўнгра турмуш ўртоғини яна ҳам хотиржам қилиш, кўрган нарсалари яхшилик ва ёрқин келажак мұждаси эканини таъкидлаш мақсадида у киши ﷺ ни амакивачаси Варақа ибн Навфалнинг ҳузурига олиб борди ва рисолат юки ва машаққатини кўтарган биринчи иймон келтирган шахс бўлди.

Ушбу ҳодисанинг ўзиданоқ даъватни ёйиш, унинг масъулиятини кўтаришда аёл роли нақадар аҳамият касб этишини илғаб оламиз. Аёлнинг аҳамияти айниқса, даъватни ёйиш эркак ва аёлга фарз эканини англаганингизда яна ҳам равшанлашади. Аллоҳ таоло айтади:

(وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمَنَاتُ بَعْضُهُمْ أُولَئِاءِ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاونَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقْيِمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أَوْ لِئَلَّا كُسَيْرٌ حَمْهُمُ اللَّهُ أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ)

Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан тўхтатадилар, намозни тўқис адo этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир. [Тавба: 71]

Дарҳақиқат, Ислом аёлга катта эътибор бериб, унга иззат икром назари билан қаради. Уни она ва уй бекаси ҳамда авайлаб-асралиши вожиб бўлган номус деб санади. Аёлларни хаёт масъулиятини кўтаришда эркакларнинг опа-синглиси деб эътибор қилди. Аллаҳ унга эркак билан бирга ерда ўринбосарлик, фарзандларни тарбиялаш, уларни амонатни кўтарадиган, қўшинларга етакчилик қиладиган, Ислом байроғини кўтарадиган рижоллар қилиб улғайтириш вазифасини юклиди. Унга эркак билан бир хил иззат-икром, бир хил савоб ва жазо белгилади. Зотан, ҳар иккиси солих амалига яраша савоб, гунаҳларига яраша жазо олади.

Куръон бунга бир неча ўринларда урғу беради, жумладан Нахл сурасида:

(مَنْ عَمِلَ صَالِحًا مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأَنْجِيَّنَاهُ حَيَاةً طَيِّبَةً وَلَنَجْزِيَّنَاهُمْ أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ) Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз. [Нахл: 97]

Хозирги кунда даъватни ёйувчи аёлларнинг ҳаётига назар ташласак, дарслар, ҳалқалар орқали таълим олиш, бошқаларга таълим бериш ва фаолият қилиш орқали даъватни ёяётганини кўрамиз. Шунингдек, атрофидаги кишилар ва жамият билан фикрий қураш олиб бораётганини, иш, оила ва қариндошлар муҳитида фаолиятга ҳисса қўшаётганига гувоҳ бўламиз. Баъзан оила аъзоларидан кимдир унинг бу йўлда юришига қарши қурашади. Бундан ҳам оғири—эри, отаси унинг даъват карвонида юришига тўсқинлик қиласди. Аммо у бу тўсиқларнинг барчаси каршисида сабр қилиб, Аллоҳдан ажр умид қиласди ва ҳолатини яхши тарафга ўзгартиришига кўз тикади.

Аёл Аллоҳ субҳанаҳу эрининг қамоққа олинишини қазо қилса азоб-уқубатлар, мashaққатларни бошдан кечиради. Ёлғизликда айрилиқ аламларига чидаб бир неча йилларни ёлғиўликда ўтказади. Уй, фарзанд ва оила масъулиятини ўзи кўтаради. Бироқ бу оғир синовлар унинг иродасини буқолмайди, балки сахобийя аёллардан ўrnak олиб ҳақ йўлда давом этади.

Умму салама розияллоҳу анҳо даъват йўлида қаттиқ озорларни бошдан кечирган ўrnak бўлгулик аёллардан бири эди. Дарҳақиқат у дини сабаб Ҳабашистонга, сўнгра Мадинага ҳижрат қиласди. Расулуллоҳ ﷺ у билан машварат қиласди ва маслаҳатини оларди. Асмо бинти Абу Бакр ҳижратда, Умму Аммора жиҳодда амалга оширган буюк ишларни тарих ҳеч қачон унутмайди.

Зулм, куч ишлатиш, ўнлаб йиллар қамоқ жазоси бериш каби босимлар авж олган Ўзбекистон, Қирғизистондаги даъватчи аёлларни ҳеч қачон унутмаймиз. Улар бу каби зулм, зўравонликларга қарамасдан, Аллоҳдан ажр, савоб умид қилиб, Аллоҳ розилини кўзлаб, сабр ва сабот ила иккиланмай олдинга интилмоқдалар.

Улар Ислом бу—даъватни ёйиш ва барча каттаю кичик ишларда Аллоҳнинг амрига бўйсунишдир, деган тўғри тушунчалари билан, муслима аёл суратини бузиб кўрсатиб, аёл эрки ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиш иддаоси билан залолат ва жаҳолатга ундаётган адаштирувчи фикрларга қарши аёвсиз қурашмоқда. Ўзларини ҳамкорлик келишув ва қонунлари орқали аёл баҳти, озодлиги йўлида елиб югураётгандек кўрсатувчи мана бу адаштирувчи фикр эгалари ўз мақсадлари йўлида кўп моллар сарфлади. Хотин-қизлар қўмитаси, турли хил жамиятлар, дастурлар ва ахборот воситалари каби барча мавжуд имкониятларини ишга солди. Сарой уламолари эса шариат нусусларини буриб, токи бузук нафслари хоҳлаётган, аёлни ҳимоя қўрғони бўлмиш уйидан олиб чиқиб, оила иссиқ тафтидан она ва бола ҳуқуқига ўхшаш сохта ҳуқуқлар алдовига етаклаш каби



хabis мақсадлари амалга ошсин учун бу фикрларга сохта шариат либосини кийдиришиди..

Лекин уларнинг ҳийла-найранглари, умматга қарши фитна уюштиришларини очиб ташлайдиган, аёлни фисқу фасод ва разиллик бўронларидан тўсиб, ҳимоя қилгувчи ёпинчигини ечиб олишга уринишларини фош қиладиган даъватчилар бор экан, улар ҳеч қачон хabis мақсадларини рўёбга чиқара олмаслар. Балки тез орада муваффақиятсизликка учраб, ўзлари ҳам изсиз йўқ бўлурлар. Аллоҳ таоло айтади:

(يُرِيدُونَ أَن يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّا أَن يُبَيِّنَ نُورَهُ وَلَوْ كَرِهُ الْكَافِرُونَ)

Улар Аллоҳнинг нурини (яъни, исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламаслар-да, факат Ўз нурини тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйини истайди. [Тавба:32]

Ана улар уйғоқ, уммат масалаларидан огоҳ, худудларни ҳимоя қиладиган қаттиқўл поспон, эркак ва аёл даъватчилардир. Улар кечани кундузга улаб Уммат манфаатларини ҳимоя қиладилар ва унинг душманлари қаршисида мустаҳкам тўсиқ бўлиб, мурод-мақсадларини рўёбга чиқаришларига асло йўл қўймайдилар.

Албатта, даъватни ёювчи аёллар аҳдоларида содик қолиб, Аллоҳнинг динини азиз қиладиган ва унинг шариати билан ҳукм юритадиган Пайғамбарлик минҳожидаги Халифалик давлатини тиклаш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият қилишлари лозим. Аллоҳим! Уни тиклаш ва байроғини баланд кўтаришни бизларга тезлат! Токи биз ва фарзандларимиз Ислом азизлиги ва нусратидан баҳраманд бўлайлик. Аллоҳдан узининг лашкарларидан, шаҳидларидан қилишини умид қилиб қоламиз.

Нусайба Иброҳим - Иордания вилояти



Модомики, биз мусулмонлар ҳаётини ўзгартиришга ҳаракат қилар эканмиз, мусулмонлар диёрининг бугунги воқелигини, яъни у дорул-исломми ёки дорул-куфрми—буни билишимиз лозим. Биз бу ерда унинг яшовчилари ҳақида эмас, балки бир гурӯҳ инсонлар яшаётган диёр, ўлка, ватан ҳақида гапирияпмиз. Бу борада аниқ ҳукм чиқаришимиз учун нусус ва далилларни нозик тушунишимиз ва уларни яшаб турган воқеимизга боғлаб, унга туширишимиз лозим бўлади...

Аввало айтамизки, ўлкалар икки қисмга—«дорул-ислом» ва «дорул-куфр»га бўлинади. Зеро Бурайда розияллоҳу анхунинг ҳадисида келган маъно шунга далолат қиласди: «**Набий ﷺ сарийя ёки қўшин жўнатсалар, шундай деб насиҳат қиласдилар, сўнг уларни Исломга даъват қил, агар лаббай деб жавоб қиласлар, қабул қил ва уларга қарши уришишдан тийил. Сўнг уларни ўз дор-ўлкаларидан муҳожирлар дорига кўчиб ўтишга чақир**». (Муслим ривояти). Яна Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «**Аллоҳ азза ва жалла мушриқдан Исломга кирганидан кейин, мушриклардан ажралиб мусулмонларга қўшилмагунча бирон амални қабул қилмайди**». (Насойй, ибн Можалар ривояти, исноди ҳасан.) Демак ушбу наасслар икки дор—дорул-ислом ва дорул-куфр мавжудлигига далолат қиласди...

Дорул-Ислом—ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин—аҳолиси Ислом соясида яшайдиган ўлкадир. Бу, икки иш билан амалга ошади:

1-Ислом хукмлари ички ва ташқи ишларнинг барчасида раъийят ҳаётига татбиқ қилиниши.

2-Бу ўлка хавфсизлиги Халифа бошлиқ давлат жиҳози тимсолидаги мусулмонлар ҳимоясида бўлиши.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيُسْتَخْلَفُوهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمُكَثِّنَ لَهُمْ دِيَنُهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ حُرْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾
Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-хукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишини ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустаҳкам қилишини ҳамда уларнинг (аҳволини Маккада кўрган) хавфу-хатарларидан сўнг (Мадина) тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишини ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга



бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин қуфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир.

[Нур: 55]

Динни ғолиб-мустаҳкам қилиш унинг татбиқи ва хавфсизликнинг мавжудлигидадир. Бу иккиси ўлка «дорул-ислом» бўлиши учун зарурий ишдир. Бундан ташқари Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритиш вожиблигини таъкидлайдиган бошқа бир қанча оятлар бор. Аллоҳ Таоло айтади:

(وَأَنْ أَحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَشَبَّهُ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرُهُمْ أَنْ يَقْتُلُوكُمْ عَنْ بَعْضٍ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكُمْ)

(Эй Мұхаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавоийи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!

[Моида: 49]

Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَنْ يَتَنَاهَى عَنْ إِيمَانِهِ فَإِنَّمَا قَلَّ مَنْ يُفْلِحُ مِنْهُ)

Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди

[Оли Имрон: 85]

Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ)

Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирилардир.

[Моида: 44]

Бунинг далилларидан яна бири Мадина васиқасида келтирилган битимдир. Васиқада қуйидаги сўзлар келтирилган: «Ушбу саҳифа аҳли орасида юз берган ҳодиса ёки ёмон тус олиш хавфи бор жанжаллар Аллоҳ ва Расули ﷺ га қайтарилур.» Бу битим ўлкада ҳукм фақат Исломники эканига шубҳа қолдирмайди. Бу—саҳобаи киромлар тушуниб, Исломий фатхларда амалда татбиқ қилган ҳукмдир. Зоро бир ўлка ва унинг аҳолисининг Ислом ҳукмига бўйсуниши—гарчи аҳолиси ўз динида қолса ҳам—уни «дорул-Ислом»нинг бир бўллагига айлантиради.

Аксинча кофирилар «дорул-Ислом»дан бирор ўлкани эгаллаб олса, гарчи аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлса ҳам у «дорул-куфр»га айланади.

(Дор)ўлка ҳақида биз келтирган ушбу васфга қўра, мусулмон ўлкаларининг бугунги воқелиги уларнинг «дорул-куфр» эканини баён қиласди. Чунки бу ўлкалар Ислом билан ҳукм юритмайди ва хавсизлиги мусулмонлар қўлида эмас. Кимдир айтиши мумкин, нега? Бирон ўлкада бир қанча аҳкомлар татбиқ қилинаётгани ёки дастурида «давлатнинг расмий дини Ислом ёки Ислом—ҳукм-қонунларнинг асосий манбаи» деб ёзиб қўйилганлигига асосланиб уни «дорул-ислом» дея олмаймиз? Биз бу борадаги мазкур нарсаларнинг ҳеч бири ҳеч қандай қийматга эга эмас, деймиз. Чунки асл эътибор ҳаётнинг барча соҳасида Исломни тўлақонли ҳукмрон қилишдир. Шу маънодаки, Исломий ақида давлатнинг барча фикрлари, тушунчалари, низомларининг ягона асоси бўлсин. Ушбу давлатларнинг воқеига



бир қадар назар ташланса, буларнинг динни ҳаётдан ажратиш ақидасига қурилган демократияга чақираётгани маълум бўлади. Шунингдек, улар ички ва ташқи сиёсатида инсонлар ишлаб чиқсан қонун ва низомларга таянади.

Халифаликда ўз аксини топадиган «Дорул-Ислом» воқеига яна ҳам аниқлик киритиш учун бу давлатнинг васфи ва асосларини баён қилишимиз лозим.

Жумладан:

Биринчи: Сиёдат (раҳнамолик) ҳаётнинг барча жабҳаларида на ақл ва на аксариятники эмас, балки ёлғиз шариатницидир.

(بِيَا أَئِنَّا الَّذِينَ آمَنُوا أَطْبَعُوا اللَّهَ وَأَطْبَعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِنَّا الْأَمْرُ مِنْكُمْ)

Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайгамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз! [Нисо: 59]

Демак, ҳокимга одамлар шариатни ижро қилиш учун байъат қилади. Агар у шариатдан четга чиқса, шариатга қайтгунича уни муҳосаба қилади. Агар байъат қилган одамлар шариатдан четга чиқса, ҳоким уларни шариатга қайтгунларича муҳосаба қилади.

Иккинчи: Салтанат Умматницидир. Уммат Халифага шариатни унинг номидан татбиқ қилиши учун байъат қилади. Расулуллоҳ ﷺ айтадилар: «**Бану Исроилни пайғамбарлар бошқарар эди. Қачонки бир пайғамбар ҳалок бўлса, унинг ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Аммо мендан кейин пайғамбар йўқ, келажакда халифалар бўлади ва улар кўпаяди.**» Улар:«бизни нимага буюрасиз?» дейишиди. Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «**Аввалгиси, сўнгра яна аввалгисига вафо қилинг ва уларнинг ҳаққини адо этинг. Чунки Аллоҳ таоло улардан қўл остидагилари ҳақида сўрайди.**» (Муслим ривояи.) Бу салтанат (хукмронлик) модомики, шариатни маҳкам тутар экан, албатта у Халифанинг қўлида қолади.

Учинчи: Мусулмонларнинг ягона Халифаси бўлиши. Зеро мусулмонларнинг биттадан ортиқ Халифаси бўлиши ҳаром. Расул ﷺ айтадилар: «**Агар иккита Халифага байъат берилса, кейингисини ўлдиринглар.**» (Муслим ривояти). Саҳобалар Расулуллоҳ ﷺ вафотларидан кейин бу хукмга ижмо қилдилар.

Тўртинчи: Раъийят ишларини бошқаришга алоқадор нарсаларда шаръий ҳукмларни табаний қилиш танҳо халифанинг ҳаққи. Агар (бирор масалада) бир неча ижтиҳод юзага келса, улар орасидан ғолиби зоннида татбиқ қилишга тўғри, деб кўрган шаръий ҳукмни табаний қилишда Аллоҳ ҳузурида ҳам, бандалар қаршисида ҳам, фақат у жавобгардир.

Бешинчи: Халифалик давлатининг ҳокимият жиҳози. Халифалик давлатининг бошқа давлатлардан яна бир фарқи, унинг ўзига хос ижроий жиҳоз(орган)и борлиги. Бу жиҳоз—Халифа, муовинлар, волийлар, жиҳод амири, қозилар, идорий жиҳоз, шуро мажлиси.



Олтинчидан: **Халифалик давлатининг тўхтайдиган, ўзгармас чегараси бўлмайди.** Унинг зиммасига шаръан, одамларнинг барчасига Исломни ёйиш, уларнинг Исломга кириш ё кирмасликларидан қатъий назар, устиларига уни татбиқ қилиш фарзи юклатилган.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافِةً لِلنَّاسِ بِشِيرًا وَنَذِيرًا﴾

(Эй Муҳаммад), *Биз sizни шак-шуубҳасиз, барча одамларга: (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (кофиirlарни эса дўзах азобидан) огохлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайгамбар қилиб юбордик.* [Сабаъ: 28]

Аллоҳ таоло айтади:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينُ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الْأَدِينِ كُلِّهِ﴾

У (Аллоҳ) *Ўз пайгамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар истамасалар-да — барча динларга голиб қилиши учун юборган зотдир.* [Соф: 9]

Еттинчи; Исломий давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатида, фақат Ислом аҳкомини лозим тутади. Унинг бирлашган миллатлар ташкилоти, Хавфсизлик кенгashi қонунларига мурожаат қилиши ёки мусулмонлар устидан кофиirlарнинг ҳукмронлигини таъминлайдиган иттифоқ ёки шартномаларга қўшилиши ҳаром, зеро Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَن يَجْعَلَ اللَّهُ لِكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

Ва Аллоҳ ҳаргиз кофиirlар учун мўминлар устига йўл бермагай [Нисо: 141]

Саккизинчи: **Маҳаллий ва халқаро сўзлашувларда расмий тил бу—араб тили.** Араб тили сақофат, таълим ва ахборот тилидир. Чунки у Куръон ва суннат тилидир. Араб тилидан бошқа тиллар эса давлат эҳтиёжга қараб амалга оширадиган фарзи кифоядир.

Шаръий далиллардан истинбот қилинган Халифалик давлатининг ушбу асос ва хусусиятлари мусулмонларга умумий, даъватни ёювчиларга—модомики, улар Халифалик давлатини тиклаш орқали Исломий ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият қилар эканлар—хусусий шаклда равшан бўлиши лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَنْتَعِوا السُّبُّلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ ذَلِكُمْ وَصَاعِدُكُمْ بِهِ لَعْنَكُمْ تَتَّقُونَ﴾

Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлумдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) *йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр.* *Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди.* [Анъом: 153]

Фарис Ал-Фарис

Ҳизбут-таҳрир Медия идораси аъзоси Ироқ вилояти



Axios: Хорижлик оккупантлар Бурхон билан, «моссад» Ҳамидати билан урушни тўхтатиш борасида боғланмоқда

Axios сайти (Исроилликлар) Судандаги тўқташув томонларинг ҳар қайси билан боғланаётганини очиқлаган. Сайт, учта (Исроиллик) масъулнинг, Тел-Абид урушни тўхтатиш учун армия қўмонданлари ва «тезкор ёрдам» кучлари билан алоқаларини ишга солмоқда, деган сўзини келтирган. Шунингдек сайт Тел-Авив ўтган уч йил давомида генерал Абдул Фаттоҳ билан ҳам, генерал Муҳаммад Ҳамдон Дагало билан ҳам тиклаган алоқа унга иккала қарши томон ўртасида воситачилик имконини берганига ишора қиласди ва Судандаги вазият нотинч эканини ошкор қиласди. Чунки у Судан ва Тел-Авив ўртасида тинчлик битими келажагини инкор қиласди. (Исроиллик) масъуллар айтишича, (Исроил) ТИВ и мавжуд вазият сўнгига ҳам Бурхон билан нормаллаштириш масаласида алоқада бўлиб турган, моссад эса Ҳамедти билан хавфсизлик ва террорга қарши курашда ҳамкорлик мақсадида доимий алоқада бўлган. (Исроиллик) масъуллар яна, улар уруш алангаланишидан алдин ҳам фуқаролик бошқарувидаги ҳокимиятга олиб борадиган асосий шартнома устида иш олиб борганларини айтишган. Исроил ТИВи мабуот котиби: «(Исроил) томонларни қўпорувчиликни тўхтатиб, ҳукумат алмашинуви жараёнини тугаллаш учун миллий манфаатлар йўлига ўтишга чақиради» деди. Ҳамедти Мисрни Судан армияси билан ҳамкорликда ва армияни қўллаб-қувватлаш учун ҳарбий курол-аслаҳалар юбораётганликда айблади. Қоҳира бу айловни рад этиб, Миср армияси Судан аскарлари билан, фақат ҳарбий машғулотлар ўтказганини айтган. Сайтнинг таъкидлашича, гёё (исроиллик) масъуллар иккала тарафни жангларни тўхтатишга чақириб, улардан бирортасини ҳам қувватламаслигини билдириш билан чекланган.

Ал-ваъй: Судан ҳокимлари етиб келган хорлик ва пасткашлик даражасини бир тасаввур қилинг-а! Муаммолари фақат яхудлар орқали ечилади деб кўрмоқдалар. Улар яхудларга олдиндан АҚШ сангцияларини бекор қилиши учун воситачи бўлишларини сўраб ялтоқланишапди. Мана энди бу яхудлар Судан ўзининг армия тарихида таниган энг яроқсиз икки кимса ўртасида кечаётган қонли тўқнашувни тўхтатиш борасида ўз воситачилитгини таклиф қилмоқда. Улар шайтондан насиҳат-хулусият истаётган Бурхон ва Ҳамедтилардир... Эй Судан аҳли! Сизнинг зиммсангида бу икки исқирт борасида Аллоҳнинг ҳаққи йўқми?!





Яхудий газетаси: Амирлик нормаллаштириш Шартномаларидан воз кечиш ҳақида ўйламаяпди

(Исроил бу кун) газетаси Амирлик Нетаняҳу бошчилигидаги босқинчи (Исроил) ҳукуматига ўнгчилардан турли экстремистик йўлланмалар бўлаётганига қарамасдан 13.08.2020й. да эълон қилинган нормаллаштириш шартномасидан воз кечиш ҳақида ўйламаяпди, деб ёзади. Газета таъкидлашича, «Ироил ТИВи Эли Коин Осиё билан алоқаларни мусаҳкамлаётган бир вақтда Кнессетдан икки депутатни минтаقا жанубига таъйинланади. Улар—Оҳад Бал ва Моше Соломонлар бўлиб, иккиси ҳам (экстремист Бецалель Смотрич бошқарувидаги) «сионистик диний» партиядан эди. Уларга Амирликдан давлат етакчилари билан давомли учрашувга чақириқ юборирилади.» Шуни ҳам ёритадики, «Одатда Кнессетнинг бирор депутати бошқа бир давлатда учрашув ўтказса, бунга кўп эътибор берилмайди, аммо бу гал мазкур ноиблар сўнги пайтда Абу Дабида тинглаган номалар қуннинг охирида «Иброҳим иттифоқи» (нормаллаштириш) натижаси «ҳа» билан зафар қучганига, шу чегарага етиб келганига кафолатдир». Газета шунингдек, «Тол ва Соломондан Эмиратнинг айрим вазирлари, ноиб ва ишбилиармонлари (Исроил) ҳукумати баёнот ва режалари маъносини очиқлашни сўрашган... ва бу ноиблар бошқа айрим ишлар юзасидан д. Рашид ан-Наимий билан ҳам учрашув ўтказишган. Бу кимса (Исроил) билан алоқаларни нормаллаштиришни илгари сурувчиларнинг катталаридан. У ва яна бошқалар ҳам «Иброҳим иттифоқи» дан воз кечилмаслиги ҳамда Эмират ҳеч қачон ҳалқа йўлда тақа билан юрмаслигини таъкидлашган» деб ёзди ва қўшимча қилиб бундай деди: «Амирликдагилар «Иброҳим иттифоқи»дан воз кечиш ҳақида ҳеч ҳам ўйлашмаяпди, лекин Исроилнинг ўзида барқарорлик сақланмаса, исроиллик ўнгчилар ўйғонмаса ва сўлчилар томонидан ҳукумат рейтингини синдирадиган намойишлар давом этаверса, буларнинг натижасида тез орада тўсиқлар пайдо бўлади».

Ал-Ваъй: Амирлик Ислом ва мусулмонлар душмани бўлган яхуд вужуди билан алоқаларни нормаллаштириш борасида мустаҳкам позицияга эга, у бундан чекинмаяпди. Худди шундай у мусулмонларга адоват борасида ҳам собит позиция соҳиби... Ҳаммаси эвазига Аллоҳдан улар устига қора қунлар келишини кутиб қоламиз ва Аллоҳнинг изни ила, албатта у келгувчидир.



Фейсбук маълумотлари очиқлади: Ҳамидати расмий саҳифаси Амирликдан юритилади

«Фейсбук» ижтимоий тармоқ сайatlari, «тезкор ёрдам» кучлари қўмандони «Ҳамедти» расмий саҳифаси Амирлик давлати томонидан идора этилишини очиқлади. (Арабий 21) ҳам Абдул-Фаттоҳ Бурҳонга қарши урушга кираётган техзкор ёрдам кучлари қўмандонига қарашли ва тармоқ фаоллари қўп фойдалаётган расмий саҳифа маълумотлари туғри эканини, хақиқат деди. Фейсбук «Саҳифалар шаффофлиги» қисмига кўра, Ҳамедти расмий саҳифаси Амирликлар томонидан бошқарилишида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Тармоқ маълумотлари саҳифани юритадиганлар тўртта шахс эканига ишора қиласди. Улардан учтаси ўзларининг турар жойини бекитишади ва биттаси ўзининг Амирликда эканини билдирган, у—саҳифани ишлаб чиқсан кимсадир. Ижтимоий тармоқ фаоллари Ҳамедтининг Амирлик билан алоқалари ҳақида кўб бора сўрашган. «Яқин шарқ кўзлари» сайтининг олдинги холосасида таъкидланишича, Ҳамедти Ямандаги воқеаларда ҳамкорлик ортидан Саудияликлар ва Эмиратликлар билан ҳам кучли алоқалар қуришга эришган. Фаоллар, Судан армиясига қарши ташвиқотларни олиб бораётган саҳифа айнан Амирликлар томонидан бошқарилади, дейишган. «Яқин шарқ кўзлари» бош муҳаррири Девид Херст 2019й. май ойида, Ҳамедти кучлари хусийларга қарши жангларга қатнашаётган Судан кучларининг умуртқа поғонасини ташкил қиласди, деган ва бир неча манбаларнинг Амирликлар Ҳамедтига молиявий кўмак беради ва оғир арсеналлар билан таъминлайди» деган гапини айтган.

Ал-Ваъй: Бу—айнан Мұхаммад бин Зоиднинг Амирлиги... Сен уни мабодо бугун мусулмонларга қарши тузилаётган бирор зулм масаласида ўзаро келишувларда ҳозиру нозир турганини қўрмай қолганингда ҳам, албатта уни барибир ўша фитнанинг пана-пастаги ва ифлосланган ирмоқларида бошини пинжига тиқсан ҳолда ўтирганинига воқиф бўласан. У доимо шу ерда—мусулмонларга хийла-найранг қиласидан тарафда бўлади. Ғарб медија воситаларида бу кимсанинг бошига шайтоннинг икки шохини қўйиб карикатура суратини чиқарилгани ҳам бежизга эмас.





Сиси даврида Миср таълим программалари ўзгаришидан (Исроилча) қониқиши

(Исроилча) хисобот, Исроил доираларида ҳозирги режим бошлиғи Абдул Фаттоҳ Сиси даврида Миср мактаб дарсликлариға киритилган ўзгариш ва янгиликлардан қониқиши борлигини таъкидлаган. «IMPACT-SE» номидаги «Тинчлик ва маърифий бағрикенгликни маниторинг қилиш институри» томонидан чиқарилган хисоботда ургуланадики, у «Миср таълим системасида яхудлар ва яхудийликка муносабат позициясида энг сўнги нашрдан чиқкан дарслик китобларида катта яхшиланишлар борлигига гувоҳ бўлган», бу исроилнинг «i24» веб-сайти тарқатган хабар асосида келтирилди. Сайт Миср мактаб дарсликларидағи янгиланишларга эътибор қаратиб, уни «Миср йўналишидаги ўзгариш» сифатида баҳолайди ва «у—сиёсий сабабларга қўра яхудлар билан ўрнатилган алоқалардаги инқироз ўлароқ маълум бўлган ва 1978 йилда Миср президенти Анвар Саодат Исроил бош вазири Бени Бегин билан бирга амалга оширишга жонбозлик кўрсатган тинчлик шартномасига унчалик ҳам қовушмаган» эди деди. «Тинчлик ва маърийфий толерантлик маниторинги институти», у—Исроил, Яқин Шарқ ва дунё бўйлаб таълим дарсликлари мавзуларини кузатиб борадиган нодавлат ташкилот—бўлиб, «Хисобот ўзгараётган воқеликни таъкидламоқда. Қандайки, Миср миллий таълим программаси устида йиллик ислоҳотлар ўтказиш жараёнида, у 2018 йилда бошланган ва 2030 йили ниҳоясига етади» деб изоҳ беради. Мазкур (исроил) институт иддиосига қўра, «афсуслар бўлсинки, Мисрда олиб борилаётган реформалар аста-секинликда бормоқда, бу—бошланғич ва ўрта таълимдаги миллионлаган талабалар таълим дарсликларида ҳанузгача яхудийларга нисбатан адоват ва нафратга йўғрилган стереотипларга дуч келмоқда, деганидир». Хисобот, «бу—яхудийларни Европада ўсиб бораётган антисемитизмга сабаб бўлаётниликда айблашни ва мусулмонларга нисбатан яхудийча жамоавий нафрат соҳаларини молиялаштирувчи миллатчи тўда сифатида баҳолашни ҳам ўз ичига олади» деб қўшимча қиласи ва қўйидагиларни қайд қиласи: «тарих китобларининг қайсиидир бири сионистлар холокост жабрдийдаларини эсплуатация қилган, дея уларни айблаётгани ва нацистлар қўлида ўлдирилган ёки ёқиб юбарилган олти миллионтани яхудийларнинг Фаластинга-араблар ҳисобдаги ерларга кўчиб ўтганини оқлаш учун деган даъвони илгари сураётганига қарамасдан, холокост яхшилаб ўргатилмаяпди».



Фаластин ишғолига 75 йил бўлганидан сўнг... «Исроил» аҳолиси сони қанча?

Ишғол остидаги Фаластин заминида (Исроил) босқинчи «давлат» и тикланганига 75 йил бўлгани муносабати билан, у ердаги (исроиллик) кўчманчилар сони ҳақида охирги статистика пайдо бўлди... (Исроил) марказий статистика қўмитаси берган маълумотга қўра, «мусақиллик қуни»-75 ишғол эртасидан ҳисоблагандা (исроил) аҳолиси сони 9.727 миллионга етгани, шундан 7.145 миллион(73.5%)и яхудийлар, 2.048 миллион (21%)и араблар, 534 минг(5.5%)и бошқалар». Булар (Бугун исроил) газетаси Ҳиали Якоби Ҳендлесман ёзган бош хабарида ёзилган маълумотлар асосида келтирилди. Статистика қўмитаси билдиришича, «Исроилда ҳар юзтанинг 28 тасини 0-14 гача бўлган болалар, 12 тасини 65 ёшдан тепадагилар ташкил қиласи» ва яна «унинг аҳолиси ўтган йили 265 минг, яъни юздан 2.3% тага қўпайгани ва шу оралиқда 183 минг бола туғилгани, 79 мингта келгинди яхудийлар қўшилгани, 51 мингта жон ўлгани»ни қўшимча қилди. Араб Фаластин заминида босқинчи «давлат» қурилган пайтда «аҳоли сони 906 минг атрофида бўлгани ва шу санадан 100 йил ўтиб, яъни 2048 йилда улар сони 15.2 миллионга етишига» ишора қилинади, иддио қилинаётган (исроилий) ҳисоб-китобларга қўра. Шунингдек газета « 2021 йил охирида дунё яхудийларининг юздан 46% га яқини (ишғол остидаги Фаластин) диёрида бўлган»деб жар солади ва « исроилдаги яхудийларнинг юздан 79%и айнан шу «давлат»да туғилган»ини иддио қиласи.

Ал-Ваъй: дунё бўйлаб қўпинча аҳоли сони статистикаси умамиётидаю, тафсилотида демография ва унинг қанчалик барқарор ёки таназзулда эканига таллуқли бўлгани учун унга қўпинча адаштириш-кўзбўямачилик аралашади... Маълумки (Исроил)даги аҳоли сони ўсиши туғилиш ҳисобига эмас, балки иддиоларидағи «ваъда қилинган замин»га кўчиб келиш кўламига боғлиқ. Улар бу ҳисобат орқали ичкаридан хорижга қараб узлуксиз давом этаётган салбий кўчиш борасида айланиб юрган гап-сўзларга барҳам беришни кўзлаётган кўринади. Биз мусулмонлар Раббоний ваъдага мувофиқ, яхудийларни илдизидан қуритишимиз ва бор-бути билан йўқ қилишимиз учун улар бир кун келиб Фаластинда йиғиладилар—биз бундан хотиржаммиз.

(وَقُلْنَا مِنْ بَعْدِهِ لِبْنِي إِسْرَائِيلَ اسْكُنُوا الْأَرْضَ فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ جِئْنَا بِكُمْ أَفْيَأْمَا)

(Фиръавндан) сўнг **Бани Исроилга:** «Мана шу ерни (Мисрни) маскан тутинглар. Энди қачон ваъда қилинган охират келганида сизларнинг барчангизни (қайта тирилтириб) келтиурмиз»,— дедик. [Исро 104]





Америкача сўровнома: ижтимоий тармоқ сайлари жамиятда ахлоқий таназзул сабабчиси

Америка адвокатлар уюшмаси ва REUTERS агентлиги ўрказган сўровномада қатнашганларнинг 29%и Америка жамиятида цивилизациянинг одоб-ахлоқ аспектида кузатилаётган инқирознинг сабаби—социал медиа сайлари, деган бўлса, иштирокчиларнинг 85%и, бугунги Америка жамиятидаги «зийраклик» олдинги даврдагига қараганда анча абгор, дея фикр билдирган. Улардан, цивилизация инқирозидаги асосий омилларни аниқ қўрсатиб ўтсангиз, дейилганда, 29%и ижтимоий тармоқ, 24%и ОАВлари деган бўлса, 29%и ҳукумат мулизимларини айбор санаб, 8%и сабаб—таълим тизими, деган. Уюшма раиси Дебор Эникс Росс сўров натижаларига тўхталиб, мамлакат бўлиниш даврини бошдан кечирмоқда, деган. Иштирокчиларнинг 90%и болаларга цивилизацияни сингдиришда ота-она ва оиласлар масъул, дейишган. Ўтган ойда Юта штати контекстга мувофиқ сайларга 18 ёшга етмаган болалар уларнинг рақамларидан фойдаланишларидан олдин ота-оналар розилигини олишларини шарт қилди, бинобарин энди инстаграм, тик-ток каби платформалар мижозлари ёшини текширишлари керак бўлади. Штат губернатори Спенсер Кокос ушбу мавзудаги иккита қонун лойиҳасини имзолаш чоғида: «Биз тармоқ платформалари ёшларимиз онгига ўз салбий таъсирини ўтказишда давом этишига жим қараб туролмаймиз» деб бонг урди. Мазкур икки қонун лойиҳаси, тармоқ пларформаларига ота-оналарга фарзандлари ҳисоб рақамига тўлиқ боғланиш ва болалар унинг тақозосига кўра тунги пайтда тармоқлардан фойдаланишдан маҳрум қилинадиган эҳтимолий «тақиқ»га таяниш ҳуқуқини тақдим қилиш мажбуриятини юклайди. Қонун матни, тармоқ платформалари 18 ёшга тўлмаган мижозларни «йўлдан чиқиши-бузилишга сабаб бўладиган олгаритмлар» билан нишонга олган тақдирда жаримага тортилишини билдиради ва ота-оналарга айрим муайян ширкатлар устидан молиявий, жисмоний ёки ҳиссий заарлар келтиргани сабабли судга мурожаат қилишларини енгиллаштиради.

Ал-Ваъй: Бутун дунёга ёмонлик уругини сочаётган Америка—мана шудир. Дунё халқлари бошига соглан кўргуликларининг оғриқ-аламлардан унинг ўзи ҳам азоб чекмоқда. У бугун янада кўпроқ титилиб-парчаланиб кетиш нишонига айланиб ултурган Америка жамияти вужудига тушган жуда қўп салбий оқибатлардан дарак берувчи зиддиятлар ва чуқур вертикал бўлиниш оғушида яшамоқда.



Қуръони Карим сұхбатида

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

(وَإِن طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ افْتَلُوا فَأَصْلَحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَعْثَتْ إِحْدَاهُمَا عَلَى الْآخَرِي فَقَاتِلُوا أُلَّتِي تَبَغِي
حَتَّىٰ تَقِيَءَ إِلَىٰ أَمْرِ اللَّهِ فَإِنْ فَاءَتْ فَأَصْلَحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْسِطُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ) (٩)

“(Эй мұмилар), агар мұмилардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирори иккинчисининг устига тажсовуз қиласа, бас то (тажсовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажсовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажсовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасиниadolat билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом)adolat қилинглар! Зоро Аллоҳadolat қилгувчиларни суюр”.

Сайид Кутб роҳимаҳуллоҳнинг (في ظلال القرآن) тафсирида келтирилган;

Ушбу оят—мўмин жамиятни низо ва ғалаёнлар оқибатида юзага келадиган хусумат ва бўлинишлардан асраш учун амалий-ҳуқуқий асосдир. Бу—фосиқ кимса келтирган хабарга аниқлик киритиш, аниқ ишонч ҳосил қилмасдан жizzакилик ва қизиққонлик қилиб, шошилиб, ҳужум қилмасликка бўлган буйруқ ояти ортидан келяпти. Бу оятнинг нозил бўлиши—хоҳ ривоятлардагидек, муаййян ҳодиса сабабидан бўлсин, хоҳ ушбу ҳолат сингари можароларни бартараф этиш учун қонунчилик мақсадида бўлсин—ҳар нима бўлганда ҳам, бу—Исломий жамоатни бўлиниш ва парокандаликдан асраш, қолаверса, ҳақ,adolat ва эзгуликни қарор топтириш ва бунинг барчасида, Аллоҳдан қўрқиши, раҳматидан умидворлик ҳиссини вужудга келтириш учун қўйилган мустаҳкам умумий асос вазифасини ўтайди. Қуръон мўминлардан икки тоифа ўртасида жанг бўлиш эҳтимолига юzlаниб, иккала тоифада ҳам, бир-бири билан жанг қилишига ва иккисидан бири бошқасига боғий бўлиши, эҳтимол, иккиси ҳам боғий бўлишига қарамасдан иймон васфини қолдирмоқда.





У бошқа мўминларни иккисининг орасини ислоҳ қилишга буюрди. Уларнинг бири ҳаддидан ошиб ҳаққа қайтишни қабул қилмаса, шунингдек иккиси ҳам сулҳни тарқ этиш, жанжалли масалада Аллоҳнинг ҳукмини қабул этмаслик ила ҳаддидан ошса, демак, мўминлар уларга қарши жанг қилишлари ва Аллоҳнинг амрига қайтгунларига қадар жангни тўхтатмасликлари лозим. Аллоҳнинг амри эса, мўминлар ўртасида хусуматни қўйиб, ихтилофли масалада унинг ҳукмини қабул қилиши, жанжал ва уришга чек қўйишидир. Агар боғийлар Аллоҳни ҳукмини қабул қилса, мўминлар Аллоҳга итоат қилган, унинг розилини истаган ҳолда, адолатга асосланган ислоҳни амалга оширади. (.Зеро Аллоҳ адолат қилувчиларни суяр.)

Иbn Саъдийнинг *(تيسير الكريم المنان في تفسير القرآن)* тафсирида келтирилган:

Ушбу оят мўминларни бир-бирига зулм қилиш, жанг қилишдан қайтариқни ўз ичига олади. Агар мўминлардан икки тоифа бир-бири билан уришса, қолган мўминлар улар орасини ислоҳ қилиш, сулҳга олиб борадиган энг чиройли йўл билан орага тушиш орқали бу катта ёмонликни бартараф қилишлари, яъни сулҳга етакловчи йўлдан боришлари лозим. Агар улар келишиб кетсалар, нур устига нур. **“Аммо агар уларнинг бири иккинчисига тажовуз қилса, тажовузкорга қарши, Аллоҳнинг амрига қайтгунича уришинг.”** Яъни, Аллоҳ ва Расули ﷺ белгилаб берган хайрли ишлар қилиш, ёмон ишлар, жумладан жангни тарқ этишга қайтгунича... **“Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ўнглаб қўйинглар”.** Бу оят сулҳга, сулҳда адолат қилишга буйруқdir. Зеро баъзида сулҳга эришилсада, унда адолат бўлмайди. Балки унда хусуматлашувчи тоифанинг бирига зулм қилинади. Аммо бизга буюрилган сулҳ бу эмас. Шунга кўра, қариндошлиқ, ватандошлиқ ва шунга ўхшаш адолатсизликка олиб борадиган ғаразларни деб иккисидан бирини юз хотир қилмаслик лозим.



(Зеро Аллоҳ адолат қилгувчиларни суюр.) Яъни одамлар орасида ҳукм қилишда, барча бошқарув ишларида адолат қилувчиларни суюр. Ҳатто эр ўзининг аҳли-аёлига, ҳақ-хуқуқларини адо қилиш билан адолат қилиши ҳам шунга киради. Саҳих ҳадисда шундай дейилади; “Адолатли кимсалар Аллоҳнинг хузурида нурдан яратилган минбарларда ўтирадилар. Улар ҳукм, аҳл-аёл ва бошқарувда адолат қилғанлардир!”

Сайийд Тантовийнинг (التفسير الوسيط للقرآن الكريم) тафсирларида келтирилган:

“Агар” сўзини (ان) калимаси билан ифодалаш шуни англатадики, мусулмонлар ўртасида жанг бўлиши тўғри эмас. Мабодо бу камдан-кам ҳолларда юз бергудай бўлса ҳам, мусулмонлар барча воситаларни ишга солиб, уни бартараф қилишлари лозим. (Энди агар улардан бири иккинчисига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! (Мудом) адолат қилинглар.) (Бағй) тажовуздан мурод—зулм, ҳаддан ошиш, тўғриликка етакловчи сулҳдан бош тортишdir. Яъни, икки тоифадан бири бошқасига зулм қилиб адолат ва ҳақ чегарасидан чиқса, эй мўминлар, ўша ҳаддан ошган тўдага қарши, Аллоҳнинг ҳукми ва амрига қайтгуnlарича ҳамда биз буюрган сулҳни қабул қилгунларича уришинглар. Аллоҳ субҳанаҳу ислоҳни адолат билан қайдлади. Сўнgra буни (қист) адолатга буюриш билан таъкидлади. Токи орани ислоҳ қилувчилар адолатни маҳкам тутсин, икки тоифанинг бири зулм кўрмасин.

Ибни касирнинг (تفسير القرآن العظيم)ида келтирилади;

Аллоҳ таоло бир-бирига тажовуз қилувчи мусулмонлар орасини ислоҳ қилишга буюриб шундай деди: «(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар!.» уришишларига қарамай, Аллоҳ уларни мусулмон деб номлади. Бухорий ва бошқалар шуни далил қилиб, гуноҳ амал, қанчалик катта бўлмасин, кишини иймондан чиқармайди, деганлар. (Агар улардан бири





иккинчисига стажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар!) яъни, Аллоҳнинг буйруғига қайтиб, ҳаққа қулоқ тутиб итоат қилгунича. Анасдан ривоят қилинган сахих ҳадисда келтирилганки, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар; “Биродаринга золим ҳолида ҳам, мазлум ҳолида ҳам ёрдам бер. Мен айтдим: «Ё Расулуллоҳ, унга мазлум ҳолидаку ёрдам бераман. Қандай унга золим ҳолида ёрдам беришим мумкин? Айтдилар: уни зулмдан қайтарасан. Мана шу унга ёрдамингdir”.... (Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасиниadolat билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом)adolat қилинглар!.. яъни, бир-бирига етказган зарар борасида уларгаadolat қилинг. (Зеро Аллоҳadolat қилгувчиларни суюр.) Ибн Абу Ҳотим Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилади: Расулуллоҳ ﷺ айтдилар; “Дунёдаadolat қилувчилар,adolatлари сабабли Раҳмоннинг хузурида дурдан яратилган минбарларда ўтирадилар.”

Ибн Атийяниңг (المحرر الوجيز في تفسير الكتاب العزيز) тафсирида келтирилган;

Тоифа жамоа демакдир. У гоҳида бирликни ҳам ифода қилади. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини далил сифатида келтирилган;

﴿وَمَا كَانَ الْمُؤْمِنُونَ لَيَنْفِرُوا كَافَّةً فَلَوْلَا نَفَرَ مِنْ كُلِّ فِرْقَةٍ مَّنْهُمْ طَائِفَةٌ لَّيَتَقْبَهُوا فِي الدِّينِ وَلَيُنْذَرُوا قَوْمَهُمْ إِذَا رَجَعُوا إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ﴾

Барча мўминлар (жангга) чиқишилари лойиқ эмас. Ахир улардан ҳар бир гурӯҳдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Колганлари эса Мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдиларига қайтган вақтларида, у қавмлар Аллоҳнинг азобидан сақланишилари учун уларни огоҳлантиргани (қолмайдиларми)?!

[Тавба: 122]

Бу оятнинг ҳукми бирликка ҳам, кўпликка ҳам бир хилдир. (بغت) нинг маъноси ноҳақ катталик талаб қилишдир. Боғий жамоага қарши жангга тайёрланиш волийлар билан бирга бўлади. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан сўралди: Аҳли Сиффийн ва Аҳли Жамал



мушрикми? Айтди: «йүқ, улар ширкдан қочади». Айтилди: «улар мунофиқми? Айтди: «йүқ, мунофиқлар Аллоҳни кам эслайди». Айтилди: Унда уларнинг ҳоли қандай? Айтди: «Бизга боғий бўлган биродарларимиз». Набий ﷺ айтдилар: **“Боғий жамоа ҳақидаги Аллоҳнинг ҳукми—жароҳатланган шахсга зиён етказилмас, қочган қувилмас, асир ўлдирилмас.”**

Шофеъий роҳимаҳуллоҳ айтади: Аллоҳ азза ва жалла икки тоифа билан жанг қилиш тўғрисида гапирди. бу икки тоифа мустаҳкам ёки заиф ҳимояланган бўлиши лозим. Аллоҳ таоло уларни мўминлар деб номлади. Бинобарин, улар бўлинниб бир-бирлари билан жанг қилишни хоҳласа, аввал уларни сулҳга чақириш барчага лозим. Шунга кўра, айтаман: Боғийларга даъват қилмай туриб тунги ҳужум уюштирилмайди. Негаки, Имом уруш бошлишдан олдин Аллоҳ азза ва жалла буюрганидек, сулҳга чақириши лозим. Аллоҳ азза ва жалла боғий тўда билан Аллоҳ амрига қайтгунига қадар жанг қилишга буюрди. Агар қайтса, энди у билан жанг қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро Аллоҳ азза ва жалла боғийлар билан, улар сулҳдан бош тортаётган пайтда (боғийлигидан) қайтгунига қадар жангга изн берган.





بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Аллоҳ наздида дунёнинг заволга юз тутиши бир мусулмоннинг ўлдирилишидан енгилроқ

Куръони карим Ислом уммати бир-бирларининг қонини ноҳақ тўкишларидан қаттиқ огохлантирганидек, бундан Набий ﷺ ҳам ўз ҳадиси шарифларида огохлантирдилар. Балки бундан енгилроқ бўлган сўкишиш каби амалнинг фосиқлик эканини айтдилар. Гарчи озор бериш қасди бўлмасада, мусулмонга қурол билан шунчаки ишора қилинишини ҳам номақбул санадилар. Исломий шариатнинг буюклигини қарангки, мусулмонларнигина қонини ҳаром қилиш билан чекланиб қолмай муоҳид, зиммий, омонлик сўровчи каби ғайри мусулмонлар қонини ҳам ҳаром қилди. Бу борада жуда кўп ҳадислар ворид бўлганки, бугунги кунда уларни маҳкам ушлашга нақадар муҳтожмиз. Куйида ушбу ҳадислардан баъзисини келтирамиз:

Абдуллоҳ бин Масъуддан ривоят қилинадики, Набий ﷺ айтдилар: “Мусулмоннинг сўкишиши фосиқлик, бир-бири билан жанг қилиши кофирликдир.” Ушбу ҳадис мусулмоннинг ҳаққини катталигига далил бўлиб, у мусулмон шахс биродари билан сўкишиши фосиқлик, яъни Аллоҳнинг итоатидан чиқиш деб хукм қилмоқда. Шунингдек бир мусулмон ўз биродари билан қонини ҳалол деб эътиқод қилмасдан, нафсига эргашиб ёки дунёни деб жанг қилиши уни диндан чиқариб қўймасада, ҳадисда бу ишдан огохлантиришнинг охирги поғонаси ўлароқ “кофирликдир” деган лафзни ишлатилди. Абу Заръа бобоси Жарирдан ривоят қилган ҳадис ҳам шунга ўхшашдир. Жарир айтади: Набий ﷺ ҳажжатул-вадоъда одамларни тинчлик сақлашга чақиргандан кейин шундай дедилар: “Мендан кейин бир-бирининг бўйнига қилич соладиган кофир бўлиб қайтиб кетманглар.” (Муслим ривояти) Абу Бакр розияллоҳу анху Аҳнаф ибн Қайсни жангга жўнаб кетаётганини қўриб деди: Қаерга кетяпсан? Бу кишига ёрдам бермоқчиман, деди. Шунда у: Қайт, чунки мен Расулуллоҳ ﷺ нинг шундай деганини эшитганман: «Агар икки мусулмон бир-бирига қиличи билан дедилар. Мен: Ё Расулуллоҳ бу-ку қотил, ўлдирилганинг айби нима? деб сўрагандим; Чунки у ҳам йўлиқса ўлдирувчи ҳам, ўлдирилган ҳам дўзахдадир». дўстини ўлдиришга ташна эди”деб жавоб бердилар. (Бухорий ривояти)

Абдуллоҳ бин Умардан ривоят қилинади, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “Сизлардан бирингиз, кимдир уни ўлдириш учун келса, одам алайҳисаломнинг икки ўғли каби бўлади. Ўлдирувчи дўзахда, ўлдирилган жаннатда. (Аҳмад) мусулмонлар ўртасидаги фитна мавзусида Абу мусо Набий ﷺдан ривоят қилган:



Расул ﷺ айтдилар: “**фитна замонида камонингизни синдиринг, унинг ипини узинг, қиличларингизни тошга уринг. Агар кимдир уйингизга кирса одам алайҳисаломнинг икки ўғлидан яхиси бўлинг.**” (Насоидан ташқари бешта имом ривоят қилган)

Абдуллоҳ ибн Амр Набий ﷺдан ривоят қиладики у зот айтдилар: “**Дунёни завол топиши Аллоҳни ҳузурида бир мусулмонни ўлдирилишидан енгилроқдир**”. (Бухорий) Бошқа бир ривоятда айтадилар; “**Бутун дунёни заволга юз тутиши Аллоҳга ноҳақ тўкилган қондан енгилроқдир.**” Бу ерда Набий ﷺ дунё тугаб, йўқ бўлиб кетиши Аллоҳ наздида бир мусулмон кишини шаръий сабабсиз, зулман ўлдирилишидан енгил, аҳамиятсизроқдир деб хабар бериб буни гуноҳи кабиралардан санамоқдалар.

Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “**Одамлар ўртасида энг биринчи ажрим қилинадиган нарса тўкилган қонлардир**”. (Бухорий) Ушбу ҳадис қон тўкиш қанчалик оғир гуноҳ экани, қиёмат куни инсонлар ўртасида энг биринчи ажрим қилинадиган нарса бўлиб, хатари катта эканига ишора қилмоқдалар.

Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “**Ўзини отган кимсага ундан чиқиш имкони йўқ ҳалокатлардан бири ҳаром қилинган қонни тўкишдир.**” (Бухорий) Бу борада Расулуллоҳ ﷺ яна айтадилар; “**Мўъмин, модомики, ҳаром килинган қонни тўқмас экан, динидан кенгликда бўлиб давом этади**”. (Бухорий) Яъни, модомики, бир мўъмин бошқа бир мўъминни ёхуд зиммий, муоҳид ё мустаъминни ўлдирмаган бўлса... чунки булар ҳаром қилинган қонлар бўлиб, энг қаттиқ ва оғири мұъминнинг қонидир. Бу маънода яна ибн Можа, ибн Ҳиббон қилган ривоятда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “**Кимки кимгадир омонлик берган бўлсаю сўнгра уни ўлдирса, мен ўша қотилдан безорман, гарчи ўлдирилган шахс коғир бўлса ҳам.**

Оиша розияллоҳу анҳудан Расулуллоҳни шундай деганлари ривоят қилинади; “**Аллоҳга энг манфур кимса учта; ҳарам ичидаги даҳрий, Исломда туриб жоҳилият йўл-йўригини истагувчи, бир кишининг қонини ноҳақ тўкиш талабида юрган инсон**”. (Бухорий) Табароний, Байҳақий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “**Кимки бир ҳовуч қон тўкиб бўлсада, ўзи ва жаннат ўртасида тўсиқ қўя олса, қилсин**”. Ибн Можа қилган ривоятда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар; “**Кимки Аллоҳга ширқ келтирмай, ҳаром қон билан ўзини булғамай Аллоҳга йўлиқса, жаннатга киради.**” Ушбу ҳадисда Уқба ибн Омир ривоят қилиб айтади: Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “**Кимки Аллоҳга ширқ келтирмай йўлиқса...**” яъни комил ва яқиний иймон ила Аллоҳни яккалаган ҳолда ўтса... “**ҳаром қилинга қон билан булғанмай...** Яъни **الندى لم يتد...** сўз дан олинган бўлиб, ёмғир қатралари деган маънони ифода қилади. Бу ерда мурод: Кон





қатраларидир. Яъни, бевосита ёки гиж-гижлаш орқали бегуноҳ қон билан намланмай... деган маънода. “**жаннатга киради**” яъни, бунинг мукофоти, барча каттаю кичик гуноҳларига яраша жазо олгандан кейин, Аллоҳ фазли ила, унинг ҳузуридаги жаннатга эришишдир. Бухорийнинг саҳиҳида ворид бўлган; “**Модомики, ҳаром қон унга тегмаса, киши динидан кенгликда бўлади**” нинг маъноси шудир.

Абу ҳурайра розияллоҳу анху Расулуллоҳ ﷺ дан ривоят қиласи; “**жоним қўлида бўлган зотга қасамки одамларга қотил нега ўлдирганини, ўлдирилган шахс нега ўлдирилганини билмайдиган кун келмас экан, дунё якун топмайди.** Бу қандай бўлади, дейилди. Дедилар; **бошбошдоқлик.** **Ўлдирувчи ҳам, ўлдирилган ҳам жойи дўзахда бўлади.**” (Муслим) Бу ҳадисда Набий ﷺ одамлар бошига оммавий ёмонлик замони келмас экан, дунё фанога юз тутиб якун топмайди, деб қасам ичдилар. Бу замонда нега ўлдирганини на ўлдирувчи билади ва на ўлдирилган. Расул ﷺ буни “алҳарж”деб номладилар. Бу бехуда ўлдиришларни келтириб чиқарувчи фитна ва бошбошдоқликдир. Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ ﷺ дедилар; “**Қиёмат куни ўлдирувчи ва ўлдирилган кимса келтирилади.** Сўнг ўлдирилган кимса айтади. Эй роб, сўра бундан, нега мени ўлдириди. **Ўлдирувчи айтади;** эй Роб, фалончи буни менга буюрди. Шунда, иккисини ҳам қўлидан ушлаб дўзахга улоқтирилади.” Ибн Аббосдан сўрашди; эй Абу Аббос одам ўлдирувчининг тавбаси қабул бўладими? Ибн аббос унинг сўзидан ажаблангандек деди; Нима дейсан? Сўровчи саволини такрорлади. Сўнг, яна икки ё уч марта нима дейсан деб сўради ва деди: Расулингизнинг шундай деганини эшитдим; “**Қиёмат куни ўлдирилган кимса, бир қўлида қони оқиб турган боши осилган ҳолда, иккинчиси билан қотилини маҳкам тутган ҳолда аршнинг олдига келиб, эй Роббал аъламийн, мана бу мени ўлдириди, дейди.** Сўнг Аллоҳ азза ва жалла қотилга баҳтсиз бўлдинг, деб дўзахга улоқтиради.”

Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “**Иблис эрта тонгда лашкарларини ҳар тарафга жўната туриб айтади:** Кимки бугун бир мусулмонни адо қилса, унга тож кийдираман! Шунда улардан бири келиб айтади: Бир мусулмонни васваса қилишда давом этдим, ҳатто ўз аёлини талоқ қилди. Айтади: Тез орада яна уйланади. Яна бири келиб айтади: Мен уни васваса қилишда давом этдим, ҳатто ота-онасига оқ бўлди. **Иблис айтади:** Тез орада яна уларга яхшилик қиласи. **Бошқа бири келиб айтади:** Мен уни васваса қилишда давом этдим, ҳатто ширқ келтирди. Шунда у сенсан тож соҳиби дейди. **Бошқа бири келиб мен уни васваса қилишда давом этдим, ҳатто одам ўлдириди.** Сўнг у тож соҳиби сенсан, сенсан деб унга тож кийдиради.” Ушбу ҳадис Аллоҳ таолонинг олдида одам ўлдириш қанчалик катта гуноҳлигини баён қилиб бермоқда.



Расулуллоҳ ﷺ дедилар; Дўзахдан бир бўйин чиқиб гапиради; бугун менга уч тоифа инсонлар топширилди; барча ҳақдан юз ўгирган мутакаббирлар, Аллоҳга бошқа илоҳларни шерик қилганлар, бир жонни ноҳақ қатл қилганлар. Сўнгра уларни ўз домига олиб, дўзахнинг қип-қизил қаърига улоқтиради.

Ибн сириндан ривоят қилинади: Абу Ҳурайрани шундай деганини эшитдим; Абул қосим ﷺ айтдилар: “**Кимки ўз биродарига темир парчаси билан ишора қилса, гарчи, ота-она бир ака ё укаси бўлса ҳам, уни қўлидан қўйгунича, фаришталар унга лаънат айтади.**” (Бухорий) Имом Нававийроҳимаҳуллоҳ айтади; Бунда мусулмонни ҳурмати баланд экани таъкидланиб, уни қўрқитиш ва озор берувчи нарса билан қарши олишдан қаттиқ қайтарилимоқда. “Гарчи, туғишиган ака-укаси бўлсада” ибораси қайтариқнинг умумийлигини юқори даражада ифода этмоқда. Яъни, у айбдор шахс бўлиш, бўлмаслигидан ёки ҳазил ё чин бўлишидан қатъий назар... Чунки мусулмонни қўрқитишнинг ҳар қандай кўриниши ҳаромдир. Ундан ташқари, бошқа ривоятда очиқ баён қилинганидек, қурол унга тўсатдан тегиб кетиши мумкин. “**фаришталар унга лаънат айтади**” ибораси бу амалнинг ҳаромлигини англаатади.

Расулуллоҳ ﷺ дар ривоят қилинади; “**Кимки бизга қарши қурол кўтарса, биздан эмас**”. (Табароний) бу ҳам мусулмонлар билан жанг қилиш ҳаромлиги, унинг оғир гуноҳ эканига далилдир. “**биздан эмас**” иборасининг зоҳири мусулмонлардан чиқишини тақозо этади. Бу иборани қуйидагича шарҳланган; биздек эмас ёки бизнинг тариқатимизда эмас ё шунга ўхшаш. Имом Санъонийроҳимаҳуллоҳ айтади; Расулуллоҳ ﷺнинг ушбу “**кимки бизга қарши қурол кўтарса, биздан эмас**” деган сўзларидан мурод; Кимки мусулмонларга қарши ноҳақ жанг қилиш учун қурол кўтарса... Имом Нававийроҳимаҳуллоҳ айтади; Ахли сунна ва фуқаҳолар мазҳаби; Кимки мусулмонларга қарши ҳич қандай таъвилсиз, ноҳақ қурол кўтарсаю буни ҳалол санамаса, у гуноҳкордир. Бу билан у кофир бўлмайди. Аммо бу ишини ҳалол санаса, кофир бўлади. “**биздан эмас**” иборасининг маъноси, ахли илм наздида; Ота ўз фарзандининг ишидан норози бўлганида “сен мендан эмассан” дегани каби, бизни ҳидоятимизни ушлаганлардан, бизнинг илму амалимиз, чиройли тариқатимизга амал қилганлардан эмас... Барча шу каби ҳадисларда гап шундай. [давоми бор]



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Азизлик замонидаги азизлик мавқеълари



- Умар ибн хаттоб розияллоху анху айтади; “Биз Аллоҳ Ислом билан азиз қилган халқмиз. Қачонки азизликни бошқа нарсадан истасак, Аллоҳ бизни хор қиласы.” Ундан ворид бўлган бошқа бир ривоятда айтади; “Биз Аллоҳ Ислом билан азиз қилган халқмиз. Бинобарин, Аллоҳдан ўзга йўл кўрсатувчи истамаймиз.
- Ҳасан Басрий розияллоху анху айтади; Гарчи арғумоқларни йўргалатиб юрсаларда, орқалари одамларни босиб турсада, маъсият хорлиги бўйинларини тарк этмас. Аллоҳ ўзига осий бўлганларни хор қилмай қўймас.
- **Набий ﷺ нинг Абу толибга нисбатан тутган мавқеълари;** Қурайш ахли Абу толибнинг олдига келиб деди; эй Абу толиб, жиянинг келиб каъбамиз, мажлисларимизда туриб бизга озор еткизадиган нарсаларни эшииттиряпти. Агар уни тия олсанг, шундай қил. Сўнг, Абу Толиб Расул ﷺ нинг амакбачаси Уқайлга, эй Уқайл, амакбаччангни менга топиб кел, деди. Уқайл чиқиб у зотни топиб Абу толибнинг олдига чақириб келди. Абу толиб деди: эй жиян, Аллоҳга қасамки, менга итоатсизлик қилганингни билмайман. Қавминг келиб сени каъбалари, мажлисларига бориб, уларга озор берадиган сўзларни эшииттираётганингни айтяпти. Мен бу ишингдан тийилишингни маслаҳат бераман. Расулуллоҳ ﷺ кўзларини осмонга тикиб шундай дедилар: **Аллоҳга қасамки, бирингиз шу қуёшдан бир парча оловни узиб олишга қодир бўлмагани каби, мен ҳам ўзимга жўнатилган нарсани тарқ қилишга қодир эмасман.** Абу Толиб айтди; Аллоҳга қасам, жияним ҳич қачон ёлғон гапирмаган. Боринглар, кетинглар.
- **Умму Ҳабиба розияллоху анҳо нинг ҳали Исломга кирмаган Абу Суфён билан тутган мавқеи;** Абу Суфён қизи Умму Ҳабиба розияллоху анҳо нинг олдига кирди. У Расулуллоҳнинг тўшакларига ўтирмоқчи бўлганида уни йиғишириб олди. У деди: Қизим, тўшакни менга раво кўрмадингми ёки мени унгами? У деди: Бу Расулуллоҳни тўшаги, сен мушрик, нажассан. Абу Суфён деди: Қизим, мендан кейин сенга ёмонлик илашибди.
- **Саъд иби Муознинг Аҳзоб кунида Расулуллоҳ ﷺ билан тутган мавқеи:** Аҳзоб кунида одамларга синов қаттиқ келганида, Расулуллоҳ ﷺ Уяйна ибн Ҳисн ва Ҳорис ибн Авф Ал-Миррийга – улар Ғотафоннинг сардорлари эди – элчи жўнатиб, улар билан, дўстларини ташлаб, ўз қавми билан қайтиб кетиш эвазига мадина мевасининг учдан бирини таклиф қилдилар. Икки ўртада сулҳ жараёни бошланиб, ҳатто битим ёзилди. Аммо ҳали на гувоҳлик ва на сулҳ келишуви охирига етган, балки музокара кетаётганди. Расул ﷺ битимни охирига етказиши



хоҳлаб, икки Саъдга одам жүннатдилар. Сўнг иккисига буни айтиб машварат қилдилар.

Улар айтди; ё Расулуллох, бу сиз яхши кўрган ишми ёки бажаришимиз лозим бўлган Аллоҳни ҳукмими? Ёки биз учун қилаётган тадбириңизми? Дедилар: йўқ, балки бу сиз учун қилаётган тадбиримдир. Аллоҳга қасамки, араблар сизга қарши бир камондан ўқ узгани, сизга қарши ҳар тарафдан итдек ташланганини кўрганим учун шу тадбирни қилмоқдаман. Шу билан маълум муддат уларнинг қуч-қудратини синдирмақчиман. Саъд ибн Муоз розияллоҳу анху айтди; ё Расулуллох, биз ва улар мушриқ, бутпараст эдик. Аллоҳга ибодат қилмасдик ва уни танимасдик. Улар мевамиздан бир донасини меҳмончилик ёки савдодан бошқа йўл билан ейишни тамаъ қилмасдилар. Энди, Аллоҳ бизни Ислом билан сийлаб, ҳидоят қилгани, Ислом ва сиз билан азиз қилганидан кейин уларга молларимизни берамизми? Бунга эҳтиёжимиз йўқ. Аллоҳга қасамки, то Аллоҳ биз ва улар ўртасида ҳукм қилгунича, уларга қиличдан бошқасини бермаймиз. Расул дедилар; сенинг айтганинг бўлақолсин. Саъд ибн Муоз сахифани олиб, ундаги номани ўчирди. Сўнг қани бизга кучларини кўрсатсингларчи, деди.

– **Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг Абу Убайда розияллоҳу анху билан тутган мавқеълари;** Ториқ ибн Шихоб ривоят қилиб айтади, Умар ибн Хаттоб Шомга келди. Биз Абу Убайда билан бирга уни қарши олдик. Улар кечиб ўтиладиган сув олдига келганда Умар туясидан тушиб, маҳсисини ечиб, бўнига илдида туясини тизгинидан етаклаб сувдан кечиб ўтди. Шунда Абу Убайда розияллоҳу анху: «Эй амирал муъминийн, сиз шундай қиласизми? Маҳсини ечиб, бўйнингизга илиб, туянгизни етаклаб сув кечасизми? Мен шаҳар аҳли сизни бу ҳолатда кўришини хоҳламайман» деди. Шунда Умар деди; Ие! Эй Абу Убайда, агар сендан бошқа бўлганида, шундай таъзирини берардимки, Муҳаммад умматига ибрат бўларди. Биз бир хор қавм эдик. Аллоҳ бизни Ислом билан азиз қилди. Агар биз азизликни Исломдан бошқа нарсадан изласак, Аллоҳ бизни хор қилади.

– **Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхунинг онасига нисбатан тутган мавқеи:** Саъд розияллоҳу анху Исломга киргач онаси бундан хабар топиб, ғазаби қўзғади ва унга шундай дея юзланди: “Эй Саъд, сен қабул қилган, сени ота-онанг динидан айирган бу дин қандай дин ўзи? Аллоҳга қасамки, ё бу янги динингни тарқ қиласан ёки мен ўлгунимча ҳеч нарса емайман ва ичмайман, аҳволимдан маҳзун бўлиб, юрагинг тилка-пора бўлади, қилмишингдан надомат ич-этингни еб ташлайди, одамлар абадул-абад сени айблаб ўтишади”. Шунда Саъд розияллоҳу анху деди: “бундай қилманг онажон, мен динимни ҳеч нарсага алишмайман”. Лекин онаси ўзининг дўқ-пўписасида қаттиқ туриб олиб, таом ва ичимлиқдан бош





тортиб, мана шу ахволда, емай, ичмай бир неча кун турди. Натижада ориқлаб кетди, сүяклари мүртлашди, кучдан қолди. Саъд розияллоҳу анху унинг олдига дам-бадам келиб, бирон нарса еб олишини, бир қултум бўлса ҳам сув ичишини сўрарди. Онаси эса бундан қаттиқ бош тортар ва Саъд розияллоҳу анхудан динини тарқ қилишини талаб қилар, акс ҳолда ўлгунича ҳеч нарса емаслиги ва ичмаслигига қасам ичар эди. Охири Саъд розияллоҳу анху бундай деди: Онажон, сизга бўлган муҳаббатим албатта кучли, лекин Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббатим ундан-да кучлироқдир. Аллоҳга қасамки, мингта жонингиз бўлиб, бирин-кетин чиққанида ҳам бу динимни асло тарқ этмайман. Онаси Саъд розияллоҳу анхунинг бу жиддиятини кўргач, бу ишга кўниб, еб-ичишга мажбур бўлди.

– **Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг Амр ибн Абд Ваддга нисбатан тутган мавқеи:** Амр ибн Абд Вудд Қурайшнинг шижаотли чавандозлари учта бўлса, биттаси эди. У Бадр куни жанг қилиб яралангани боис, Ухуд жангига қатнашмаган эди. Хандақ куни ўз шижаотини билдириб, кўрсатиб қўйиш учун чиқди. У отини тўхтатгач унга Али: эй Амр, қурайш олдида – бирон киши икки хислатдан бирига даъват қилса, иккисидан бирини қабул қилишинг тўғрисида – Аллоҳга аҳд берган экансан. деди. Амр: ха, шундай, деди. Али розияллоҳу анху унга: унда мен сени Аллоҳ азза ва жалла ва унинг Расули ﷺ га ҳамда Исломга даъват қиласан, деди. У: менга бунинг кераги йўқ, деди. Шунда Али: у ҳолда мен сени олишувга чақираман, деди. Амр: эй биродаримнинг ўғли, нега? Аллоҳга қасамки, сени ўлдиришни истамайман, деди. Али: лекин мен сени ўлдиришни хоҳлайман, деди. Шунда Амрнинг ғазаби қайнаб, отидан ерга сакради, уни (отини) сўйди. Сўнгра олдинга юриб, Алиниг олдига келди ва: олишадиган ким бор? – деди. Темир совут кийиб олган Али: Эй Аллоҳнинг Пағамбари мен у билан олишгани чиқаман, деди. Пайғамбаримиз: у **Амр ибн Абд Вуддир, ўтирижойингга**, дедилар. Шунда Амр: бирон мард борми? – деб хайқирди. Шундан сўнг, Расулуллоҳ ﷺ унга (Алига) изн бердилар, Али розияллоҳу анху бундай дея унга қараб юрди:

Ҳовлиқма, ошиқма харгиз

Чорловингга жавобан қаршинга чиқмиштир рақиб

У ожиз эмас, фикру ақлга соҳиб,

Ростликдан паноҳ топгай ким эрса ғолиб

Умид этгум мурданг устида фарёд чекувчи хотинни қилгумдур қоим,

Ҳалокатли зарбаданки, овозаси қолажак доим.



Амр унга: сен кимсан? – деди. У: мен Алиман, деган эди, Амр: кимнинг ўғлисан? Абду Манофнинг ўғлимисан? – деди. Али: мен Али ибн Абу Толибман, деди. Амр: эй биродаримининг ўғли, амакиларинг орасида сендан кўра ёши улуғроқ ким бор, ортингга қайт, қонингни тўкишни истамайман, деди. Али: лекин Аллоҳга қасамки, мен қонингни тўкишни истайман, деди. Буни эшитиб Амр ғазабланди ва отидан тушиб қиличини яланғочлади, у (қилич) олов шуъласи каби ялтиради. Ғазбланиб, Али томон юрди. Али уни теридан қилинган қалқони билан қарши олди. Амр қалқонга зарб билан уриб, уни кесиб ташлади, қилич ундан ўтиб Алининг бошига тегиб уни яралади. Али розияллоҳу анҳу унинг елка томирига зарб билан урди. Натижада у ерга қулаб, чанг-тўзон кўтарилди. Расулуллоҳ ﷺ такбир товушларини эшитиб, билдиларки, Али уни ўлдирибди. Шундан кейин Али розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ ﷺ томон юрди, юзи хурсандликдан гул-гул ёнарди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: унинг совутини ўлжа қилиб олмабсанда, арабларнинг ундан кўра яхшироқ совути йўқ, деди. Али: унга зарба бердим, У уятли жойи билан мендан ҳимояланди, – амакимнинг ўғлини нарсаларини тортиб олиб, (ёлонғоч қолдиришдан) ҳаё қилдим, оти эса қочиб, ҳатто хандақдан чиқиб кетди, деди.

– Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг Қуръонни баралла ўқиган пайтдаги мавқеи: бир куни Расулуллоҳ ﷺнинг Маккадаги асҳоблари тўпландилар. Улар оз сонли, бечораҳол эдилар. Улар: Аллоҳга қасамки, Қурайш ўзига бу Қуръон очик, баралла тиловат қилинганини асло эшитмади. Уни уларга эшиттирадиган бирон киши борми? – дедилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: мен уни уларга эшиттираман, деди. Шунда улар: сенга улар заҳмат етказиб қўйишидан қўрқамиз, улар ёмонлик қилмоқчи бўлишса улардан ҳимоя қиладиган қариндош-урӯғлари бор бирон киши ўқиб, эшиттиришини истаймиз, дедилар. Абдуллоҳ: бу ишни менга қўйиб беринглар, Аллоҳ мени ҳимоя қиласи, деди. Сўнгра эрталаб Масжидга бориб, чошгоҳда Мақоми Иброҳимга келди, қурайш Каъба атрофида ўтирган эди. Абдуллоҳ Мақоми Иброҳимда туриб,

﴿الْرَّحْمَنُ ۚ خَلَقَ الْفَزْعَانَ ۚ عَلَمَهُ الْبَيْانَ ۚ﴾

ни ўқиди ва ўқища давом этди. Қурайш ўйланиб қолди ва Умму Абднинг ўғли нима деди? Ҳалок бўлгур, Мухаммад келтирган нарсадан баъзисини тиловат қиляпти, дейишиди ва ўринларидан туриб, унинг юзига ура бошлишди. У эса ўқища давом этиб, оятлардан Аллоҳ ҳоҳлаган жойигача этиб борди. Шундан кейин дўстлари хузурига юзидан қон оққан ҳолда қайтди. Улар: биз мана шундай бўлишидан қўрққан эдик, дедилар. Шунда у: Аллоҳга қасамки, Аллоҳ душманлари кўзимга ҳозиргидан кўра хорроқ бўлиб кўринмаган, ҳоҳласангиз





әртага әрталаб бугунгидек, бориб яна ўқиб эшиттираман, деди. Улар: йўқ, шу ўқиб, эшиттирганинг етарли, уларга ўзлари ёқтиrmайдиган нарсани эшиттирдинг, дедилар. [Давоми бор]



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Қайс ибн Саъд ибн Убода ал-Хазражий

Бу инсон Набий ﷺ нинг ходими, қүриқчиси ва байроқдори, буюк саҳобий, Хазраж раҳбари ва раҳбарининг ўғли, саҳобийнинг ўғли саҳобий—Қайс ибн Саъд ибн Убода ибн Дулайм ибн Ҳориса Ас-соидий Ал-хазражийдир. У шарафли хислатларни аждодларидан мерос олган бўлиб, буюк етакчи хонадон аъзоси эди. Унинг онаси Факиҳа бинт Абид ибн Дулайм Ал-хазражийядир. Куняси Абул-фазл бўлиб, гоҳида Абу Абдуллоҳ, Абу Абдулмалик ҳам дейилган. Амр ибн Динор айтади, Қайс ибн Саъд гавдали, тўладан келган, кичик бошли, кўса киши бўлиб, эшак минса, оёқлари ер чизиб бораради. У Маккага келганида одамлар ким гўшт ейди, деб киноя қилган эди. Юзида на соқол ва на тук бор бўлиб, саҳобалар “Қани, энди, Қайсга соқол сотиб олиб берсак” деб ҳазил қиласарди. Шунга қарамай, у чиройли эди.

Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу Исломга кирганида, ўғли Қайсни қўлидан етаклаб, Расул ﷺ нинг олдиларига келтириб: Ё Расулуллоҳ ﷺ бу сизнинг ходимингиздир, деди. Набий ﷺ Қайсада буюклик ва эзгулик нишоналарини кўриб, ёнларига олдилар. Қайс доимо мана шу мартаба эгаси бўлиб қолди. Қайс Расул ﷺ га ўн йил хизмат қилди. Бухорий Анас розияллоҳу анҳу дан ривоят қиласади; “Қайс ибн Саъд Набий ﷺ нинг олдида, амир хузуридаги шурта (полиция) бошлиғи даражасида эди.” Яъни бошқарув ишларида... Саккизинчи йил Макка фатҳ қилинганда, Саъд ўғли бирор хато ишга қўл уришидан хавфсираб, Қайсни таъйинлаган вазифаларидан олиш тўғрисида Набий ﷺ билан гаплашган эди, Набий ﷺ уни таъйинлаган вазифадан олдилар.

Қайс Расул ﷺ билан бирга барча ғазотларга қатнашди. Ибн Шиҳоб айтади; “Расулуллоҳ ﷺ билан бирга Ансорлар байроқдори Қайс ибн Убода эди.” У донишманд инсонлардан бири эди. Шунинг учун ҳам Расулоллоҳ ﷺ Макка фатҳи қуни байроқни унга бердилар. Чунки Расул ﷺ унинг отаси Саъд ибн Убодадан, “бугун қирғин қуни, бугун ҳаром ҳалол саналган кун. Бугун қурайшни Аллоҳ хор қилди,” деганида, байроқни олиб, унга бердилар ва дедилар; “бугун меҳр қўрсатиладиган кун, бугун Қурайшни Аллоҳ азиз қилди.” Расулуллоҳ ﷺ байроқ Саъддан чиқиб, ўғлига ўтмаётганини кўрдилар. Чунки бу вақтда Саъд Расулуллоҳ ﷺдан белги келтиришларини





табаб қилиб, уни бермаётганди. Шунда Расул ﷺ унга саллаларини жўнатдилар.

Осим ибн Амр ибн Қатодадан ривоят қилинади; Расулуллоҳ Қайс ибн Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳуни закот йиғиш вазифасига таъйинладилар.

Қайс барча итоат қиласидиган раҳбар, қўли очиқ ва сахий бой бўлиб, фазилатли саҳобалар, араб раҳбарлари ва улуғларининг бири эди.

У урушда шижаат ва жасорат билан бирга, тўғри фикр ва тадбир соҳиби эди. У араблар раҳбари хонадони аъзоси эди. Абу Амр Ал-Воқидий айтади; Қайс ибн Саъд ибн Убода Расулуллоҳ қадим саҳобаларинииг улуғлари, сахийлари ва донишманларидан бири бўлиб, мардлик, жасорат, сахийлик билан бирга урушда тўғри фикр ва тадбир соҳиби эди. Унинг ўзи, отаси ва бобоси қавмининг мутлақ улуғи бўлиб, ўзи, отаси ва укаси Саид ибн Саъд ибн Убода Расул ﷺ га саҳоба бўлган.

Қайс ибн Саъд ибн Убоданинг хислатлари орасида, саҳоватидан бошқа зукколигидан устун бўлган хислат йўқ эди. Сахийлик Қайсга кейинчалик пайдо бўлган хулқ эмас. Зеро у саҳоват ва қўли очиқликка лиммо-лим хонадон аъзоси эди. Қайс оиласининг ўша замон сарватманд ва сахий араблар одатига кўра, жарчиси бўлиб, ўзларига тегишли бир тепаликка чиқиб, кундузи меҳмонларни таомга чақириб, жар солар эди. Кечаси эса, бу хонадон аҳли йўловчи ғариблар йўл топиши учун ўт ёқарди. Одамлар ўша пайтда, ким ёғ ва гўшт егиси келса, Дулайм ибн Ҳорисанинг қўрғонига борсин, дер эди. Дулайм ўлганидан кейин, Убоданинг жарчиси шу тарзда жар соларди. Убода ўлгач, Саъд жарчиси шу тарзда жар солди. Ибн Умарнинг озод қилинган қули Нофеъ айтади; “сўнг Қайс ибн Саъд ибн Убодани одамларнинг энг сахийси эканини қўрдим.” Жобир розияллоҳу анҳу ривоят қилиб, айтади; Қайс ибн Саъд ибн Убода бошчилигидаги сария билан чиқдик. У сарияга тўққизта тую сўйиб берди. Расулуллоҳни хузурларига келганларида, у зотга Қайс ибн Саъдининг бу ишини хабар бердилар. Шунда, Набий ﷺ айтдилар: “**Сахийлик бу хонадон аҳлининг сифатидир.**” Қайс машаққат номли қўшинда эди. У тую сўйиб қўшинни овқатлантирад, ҳатто қарзга туялар олиб сўярди. Сўнгра Абу Убайда ибн Жирроҳ унга буни ман қилди. Ривоят қилинадики, бир киши ундан ўттиз минг қарз олди. Қарзини адо қилмоқчи бўлганида, уни олишга унамасдан, биз берган нарсамиздан бирортасини қайтариб олмаймиз деди. Қуйидагилар унинг дуоларидан эди:



Аллоҳим, мени мақтов ва шон-шараф билан ризқлантиргин. Зеро саховатсиз мақтов йўқ, молсиз шон-шараф йўқ. Аллоҳим, оз мол менга яроқсиз ва мен ҳам унга ёроқсизман.

Қайс ибн Саъд ибн Убода ҳақида машҳур ривоятлардан бири, одамларда унинг жуда кўп қарзи бор эди. Бир куни касал бўлди. Одамлар кни кўргани келишдан хаяллаётганини сезди. Шунда айтишди: Улар берган қарзинг сабабли сендан уяляпти. Сўнг “Кимнинг Қайс ибн Саъддан қарзи бўлса, бу уникидир,” деб жар соладиган жарчи юборди. Шунда, уни кўришга шу қадар кўп одам келдики, ҳатто, унинг олдига чиқиладиган зинани синдирилар. Суфён Саврий Амрдан Амр эса Абу Солихдан ривоят қилиб, айтади: Саъд ибн Убода молини фарзандлари ўртасида тақсимлаб, Шомга бориб ўша ерда вафот этди.

Унинг вафотидан сўнг, ундан бир бола туғилди. Абу Бакр ва Умар Қайс ибн Саъднинг олдига келиб, отанг молини тақсимлаётганида, ҳомила бўлган боласидан хабари бўлмаган, шундай экан сизлар унга меросдан улиш ажратинг дедилар. Қайс, мен Саъд(яъни отам) қилган тақсимотни ўзгартирмайман, лекин менинг улушим уники бўлақолсин деб жавоб берди.

Қайс эзгулик ва юксакликда әргашиладиган ўрнак бўлгани боис ҳам Расул ﷺ уни ўз ёнларига олган эдилар. Термизий Қайсдан ривоят қилган ҳадис бунинг тасдиғидир; Отаси уни Набий ﷺ га ходимликка топширди. Қайс айтади; Мен намозни ўқиб бўлганимда Набий ﷺ ёнимдан ўтиб кетаётиб, оёқлари билан туртдилар-да, дедилар: «**Сени жаннат эшикларидан бирига йўллаб қўяйми? Мен, ха дедим. Шунда у зот бундай дедилар:** ﴿وَلَا قُوَّةً لِّلَّهِ بِالْحَمْدِ﴾ Ҳар қандай куч-қудрат фақат Аллоҳ биландир». Қайс Исломдан олдинги даврида одамлар билан зукколик ила муомала қилгани боис, ундаги ақлнинг чақнашига дош бера олмас эдилар. Мадина ва унинг атрофида ким бўлмасин, унинг даҳо-айорлиги билан минг бир ҳисоблашарди. Исломга кирганида, Ислом унга айорлиги билан эмас, ихлоси билан муомала қилишни ўргатди. Шу сабабдан айорлигини бир четга сурди ва ҳал қилувчи манёвриларни уни билан тўқиши-пиширишни бас қилди. Ҳар қачон оғир шароитларга дуч келса, ўзининг кишанланган айёрлигини қумсади ва ривоятларда келадиган мана бу машҳур иборасини айтарди; Агар Ислом бўлмаганида араблар чидаш беролмайдиган даражада айёрлик ишлатардим. Яна айтарди; Агар мен Расулуллоҳ ﷺнинг “**Макр ва алдов дўзахдадир.**”





деган сўзларини эшитмаганимда, бу умматнинг энг маккори бўлардим. Қайс ибн Саъд ибн Убоданинг бир қанча ҳадислари бўлиб, саҳобалардан ҳам, тобеинлардан ҳам бир жамоа ундан ривоят қилган. Булар маданий ҳадислардан саналади. Қайс р.а Мадинада яшаб ҳижратнинг олтмишинчи йили Муовия халифалигининг охирида вафот этди.

Сўнгги сўз: Ҳуқуқ профессори Ной Фелдман: Суаййид дунёдаги энг мұхим исломий демократни ҳибсга олди

Гарвард университетининг таникли ҳуқуқ профессори Ной Фелдман (У 1994 йилда Оксфорддан исломий тафаккур бўйича фалсафа доктори даражасини олган ва араб тилини яхши билади. "Блюберг" агентлиги ва "Вашингтон Пост" газетаси чоп қилган мақоласида Ганнушийнинг ҳибсга олинишига изоҳ берар экан, Тунис – дунёдаги исломий демократ ва мамлакатдаги энг мұхим мұхолифат партиясининг руҳий раҳбари бўлган Рашид Ганнушини қўлга олиб, ҳибсга олиши билан – «араб баҳори демократиясидан диктатурага пасайишда давом этмоқда», дейди. У "Арабий 2" канали таржима қилган мақолада: «Бу яқин вақтгача амалда бўлган ягона араб демократияси учун даҳшатли янгиликдир» деб қўшимча қилди. У ҳақида яна: «Ганнушки - сиз илгари эшитмаган энг мұхим мұсулмон етакчидир» ва у «ан-Наҳда бошчилигида мамлакатнинг демократик конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишига ҳисса қўшган ва ҳукуматда иштирок этган» деди. У шундай изоҳ берди: "Сурғунда ўтказган йиллари давомида исломий модернист Ганнушки ислом билан демократия бир-бирига қандай мос экани ва қандай мос кела олиши ҳақида кенг қамровли назария ишлаб чиқди. Бу назариянинг замирида ислом дини ҳар қандай мажбурлашни, жумладан, диний мажбурлашни қоралайди, деган тамойил ётади. Шу маънода, Ганнушкига кўра, мұсулмонлар кўп бўлган мамлакатларда демократик йўл билан сайланган ҳукуматлар диний қонунларни ўрнатмаслиги керак. У қўшимча қилди: "Ганнушки раҳбарлигида Ан-Наҳда Тунис конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишида масъулиятли иштирокчи сифатида ҳаракат қилди. Ганнушки маъқуллаган либерал, консенсуал конституция ислом қонунларини ўрнатмаган ва ҳатто тилга ҳам олмаган... Колаверса, Ганнушки ўз партиясини аста-секинлик билан тобора демократик ва камроқ исломий йўналишга эга бўлишга йўналтирган. Охир-оқибат, партия худди Европадаги христиан-демократик партиялар каби мұсулмон демократлар партияси бўлмоқчи эканини эълон қилди. Унинг таъкидлашича, Ганнушки "Тунисдаги турли сиёсий қарашларни ифодаловчи партиялар билан музокаралар олиб боришга ва иттифоқ түзишга тайёр. Бўларнинг барчаси ўзига хос тажриба, исломий демократия ҳақиқатан ҳам мумкинми, деган бир синовдир. Жавоби эса "ҳа" бўлган ва шундай бўлиб қолади. Фелдман Ганнушки устидан маҳкамада олиб борилаётган «иғвогарлик» айловини «тўқима» деб таърифлади ва: "Ганнушки кўп йиллар давомида тинчликпарвар одам эканлигини қайта-қайта исботлади. Иғвогарлик айлови ақлга тўғри келмайди" деди. Ва у айтган сўзларидан: "Ўтган йили Суаййид Тунисни араб баҳоридан олдинги бир партияли давлат сифатида тикишга ҳаракат қилган эди. Фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, демократик йўл билан сайланган қонун чиқарувчи ҳокимиятни бостирилгандан сўнг, у ҳукуматнинг бошқа ваколатлари ҳисобига президентнинг ваколатини оширувчи янги конституцияни эълон қилди. "Бу эса референдумда маъқулланди ва мұхолифатнинг аксарияти уни бойкот қилди. Тунисликларнинг атиги 30% иштирок этди".

Ал-Ваъй: Бу гаплар Ганнушининг ҳақиқатан гарблашганини очиб ташлайди. Ёзувчи эса Ганнушкини Исломни гарбча тушунишда идеал ҳолат деб ҳисоблагани учун унинг ҳибсга олинишидан қаттиқ қайғуриб, у «дунёдаги энг мұхим исломий демократ ... у ҳақда сиз ҳеч қаюн эшитмаган энг мұхим мұсулмон лидер» деб оғриқ билан гапиради. Бу гаплар унинг фойдасига эмас, балки, унга қарши гувоҳликдир.

"Бир бирига дүшман мамлакатлар" китоби Ҳиндистон билан босқинчи (Исроил) ўртасидаги мұносабатларни мустаҳкамлаш сирини фош қиласы

"Foreign Policy" журнали ёзувчи Сүмит Гангүли (Sumit Ganguly)нинг мақоласини чоп этди. Сүмит Гангүли үнда Ҳиндистон билан босқинчи (Исроил) ўртасидаги мұносабатлар эң яхши ҳолатда эканлигини айтіб, озчиликларга, айниқса мусулмонларға қарши эълон қилинган дүшманликда ифодаланған икки ҳұкумат ўртасида умумий хүсусият мавжудлигига ишора қылды. Мақолада күп қиррали Ҳиндистон-(Исроил) мұносабатлари Ҳиндистон Бөш вазири Нарендра Моди ва үнинг (Исроиллик) ҳамкасби Бенямин Нетанияху ҳокимият тепасига келганидан кейин анча мустаҳкамланғани таъқидланған. Ёзувчининг таъқидлашича, Моди ҳам, Нетанияху ҳам үз мамлакатларини Ҳиндистонда күпсонли ҳиндларға ва (Исроил)да күпсонли яхудийларға үстүнлик берадиган этник демократик давлатларға айлантиromoқчи. (Бир бирига дүшман давлатлар: Ҳиндистон ва Исроил ўртасидаги янги келишув) сарлавҳа остидаги мақолада, Ҳиндистон-(Исроил)нинг күп қиррали мұносабатлари бу – ҳарбий хизматдан сүнг ёш (исроиллик) сайёхлар Ҳиндистоннинг гарбий қирғогидаги пляжларға дам олиш учун келадиган йиллик оқимидан тортиб, то томчилатиб дәхқончиликда ҳамкорлық қилиш ва илгор қуролларни сотишгача үз ичига олади ... Ушбу яқин ҳамкорликнинг минтақавий ва глобал сиёсатта катта хатари бор. Иккى томонлама яқин мұносабатлар ҳар икки томоннинг Яқин Шарқда, айниқса Форс күрфазида кенгрек рол ўйнашига имкон беради. Бу үларнинг Хитойнинг минтақадаги таъсирини чеклаш, шунингдек, иттифоқчиларни Құшма Штатларнинг минтақага содиқлигига ишонтириш үчүн мұлжалланған янги түрт томонлама келишув "I2U2" даги иштирокида тобора яққол намоён бўлмоқда. Масалан, Ҳиндистонда бу тенденция Моди ва үнинг түдаси бошчилигига Ҳиндутва (хинд) командасиниг шакланишида үз ифодасини топган. Ҳудди шундай жараён Исроилда ҳам бўлиб ўтди, үлардан охиргиси Нетанияхунинг ўнг қанот «Ликуд» партиясининг ҳокимиятни ўта ўнгчи партиялар, жумладан экстремал антиараб диний сионистик партияси билан бўлишишга тайёрлиги бўлди. Ҳиндистон ва (Исроил) ҳұкуматлари ўртасидаги умумий хүсусият үларнинг озчиликларга нисбатан эълон қилинган дүшманлигидир: Ҳиндистондаги мусулмонлар ва (Исроил)даги мусулмон араблар.

Ёзувчи Исо Азаднинг таъқидлашича, Моди ҳам, Нетанияху ҳам үз мамлакатларини күпчиликни ташкил қылувчи жамиятта үстүнлик берувчи этник демократик давлатларға айлантиromoқчи. Иккала мамлакат мана шу мантиқдан келиб чиқиб ҳаракат қилар, демакки, бу түшүнча у иккаласи орасидаги мұносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ал-Ваъй: Бұгунги күнда Ҳиндистон билан (Исроил)ни Исломга бўлган дүшманлик ва Халифалик давлатининг барпо этилишидан қўрқув ҳисси бирлаштиromoқда. Негаки, Ҳиндистон Халифаликни яқинлашиб келаётган глобал ўзгаришлардаги ҳалқаро мавқеига эң катта таҳдид бўлади, деб билмоқда. Чүнки уни мусулмон давлатлари ўраб турибди, бундан ташқари, Ҳиндистоннинг ўзида мусулмонлар сони мамлакат аҳолисининг чорак қисмини ташкил этиши ҳақида статистик маълумотлар мавжуд... (Исроилга) келсак, Халифалик давлати яхудий вужудини бутунлай йўқ қиладиган ягона давлатдир... демак, иккала давлат ҳам сиёсий Ислом ва халифалик давлат лойиҳасини ўзлари үчүн экзистенциал таҳдид деб билади.